

Лобар РУСТАМОВА



# САОДАТ МАНЗИЛИ



Лобар РУСТАМОВА

# САОДАТ МАНЗИЛИ

*(Мақолалар)*

«Навруз» нашриёти  
Тошкент  
2017

Рустамова, Лобар. Саодат манзили. (мақолалар) / «Наврўз» нашриёти. –Тошкент, 2017. 104 бет.

КБК 84.(ЗЎ36)

Инсон фарзанди илк бора «Она» ва «Ватан» сўзларини тилга олиши бежиз эмас. Зеро, бу икки эгиз тушунча қалбимизга муҳрланар экан, йўлларимиз комилликка, маънавиятга бориб туташади. Она Ватанни севиш, ардоқлаш, асраш, унга муносиб бўлиш, фидойилик билан хизмат қилиш Инсонни улуғликка етказади.

Ўзи тугилиб ўсган муқаддас масканни севиш, келажак авлодга уни яна-да обод, озод, фаровон этиб етказишдан ҳам улкан Саодат йўқ! Жонажон Ватанимизни кўз қорачиғидай асраш, унинг тинчлиги, осойишталиги йўлида ҳаминша огоҳ ва хушёр яшаш, халқимиз фаровонлиги, эртамининг яна-да нурафшон бўлиши учун сидқидилдан меҳнат қилиш, келажакимиз эгаларини юртимизга муносиб инсонлар этиб тарбиялаш – олдимизда турган муқаддас вазифа. Зеро, қалбига Ватан ишқини жойлаган, улуғ мақсадларни кўзлаган, ниятлари эзгу инсон, албатта, улуғ Саодатга эришади.

Китобда ана шулар ҳақида фикр юритилади.

ISBN 978-9943-381- 87-2



© “Наврўз” нашриёти, 2017

© Лобар Рустамова.

*Ушбу китобимни мустақиллигимиз асосчиси,  
Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, эл-  
юрт бахт-саодати йўлида фидойи инсон, чинакам  
жасорат ва матонат соҳиби, улуғ Устоз, халқимизнинг  
самхўр ва меҳрибон Отаси, муҳтарам Ислоом Абдуганиевич  
Каримовнинг ёрқин хотирасига чексиз ҳурмат ва адоғсиз  
эҳтиром билан бағишлайман.*

**Муаллиф.**

## **ЗУЛМАТНИ ЁРИТГАН НУР**

*... Халқимиз учун Ўзбекистон мустақилли-  
ги, ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўз-  
гартирган бу улуғ сана кўп йиллар, замонлар  
ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қиммати ва мо-  
ҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламу-  
мул воқеа бўлиб, абадий сақланиб қолажак.*

**Ислоом Каримов.**

Ўтган йиллар нафақат мамлакатимиз, балки ҳар бир юрт  
фуқароси ҳаётида, онгу тафаккурида янгилиниш, ўзгаришлар  
ясади, ўзбек деган миллатни, Ўзбекистон деган буюклар дав-  
латини дунё таниди. Ўзлигимизни англаб етдик. Кўзларимиз  
очилди. Тилимиз, динимиз, қадриятларимиз яна ўзимизники  
бўлди. Эрк, озодлик, мустақиллик, дея курашганлар, мил-  
латим дея жон фидо қилганлар ва бу йўлда шаҳид кетган  
аждодаларимиз руҳи таскин топди. Бу фараҳбахш кунларга

етганлар эса кўнгилларида шукроналик, кўллари дуода: “Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!”

Эшитганим, шоҳиди бўлганим ушбу воқеалар маълум маънода собиқ тузум даврида халқимиз чеккан изтироблару армонлар, эрксизлик азобларининг денгизидан томчисидай гап.

Ўтмишни эслаб туриш, албатта, бугунги кун қадрини теранроқ англашга ёрдам беради.

## 1. Елкадаги чандик

Кексайиб, бир оз букчайиб қолган кўшнимиз бизникига тез-тез чиқиб турардилар. Бир кун гап уруш йилларидаги қийинчиликларга бориб тақалди.

– Эҳ, оғир йиллар эди, – эслади буви... – Азондан қоронғу тушгунча иш. Тунда эса кир-кечак, нон, супур-сидир, яна азонлаб болани кўлга олиб, бошга беланчакни қўйиб, елкада кетмон, халгада нонимиз билан далага йўл олардик.

Одам зоти темирдан яралганми, дейман баъзан.

– Анахон буви, – дедим секингина. – Елкангиздаги чандик ҳақида гапириб беринг.

Ҳақиқатан ҳам, чап елкаларида узун чандик бор эди.

– Ўшанда далага кеч қолдим, эшикни тамбаламоқчи бўлиб турганимни биламан, елкамга бир нарса қарсиллаб тушди. Оҳ, дедим, кўзимдан ўт чиқиб кетди. Ўнгдангунимча бўлмай, яна ўша жойимга қамчи тушди. Базўр ўгирилдим. От устида Ҳасан бригадир турибди.

– Нега даладамассан? Ҳе, ўша сени онангни... Биласанми, фронтда нималар бўляпти, одамлар жон бериб, жон оляпти. Сени қара...

Худо бор экан. Менга ўхшаб азият тортганлар кўп эди. Бригадирман деб ишчиларнинг шароити-ю соғлиги билан қизиқмасди. Қамчисидан қон томарди. Нима бўлди, ўлар чоғида жон беролмай роса азоб тортди.

Бувининг кўзларида ёш кўриб, эски яраларини янгилаб кўйганимдан юрагим туз сепгандай ачишди.

## 2 . Мархума кулогига ўқилган жаноза

Автобусда икки қария ўзаро суҳбатлашиб боришарди.

– Шу Муроджон ажойиб одам-да, – деди оқ юзли мўйсафид. – Тўксонга яқинлашибди. Лекин бир кун ҳам онасининг қабрини зиёрат қилишни канда қилмайди.

– Нимасини айтасиз, – деди иккинчи қария. – Ўша пайтлардаги армон юрагида қолган, чидолмайди-да бечора...

Муроджон ниҳоятда ғайратли, ташкилотчи йигит бўлган экан. Қолоқ колхозни оёққа турғазиб, туманда биринчи ўринга олиб чиққан.

Кунларнинг бирида эса хаста ётган онаси вафот этади-ю, ҳаммаси ўшандан бошланади. У раҳбар одам. Қандай йўл тутаркин дея қадамини пойлаб ётганлар бор. Жаноза ўқитириш – шўро сиёсатига тўғри келмайди. Уни дунёга келтириб, вояга етказиб, унга шунча йил суянч, таянч бўлган волидасини жанозасиз қабрга қўядими?

Ниҳоят, яширинча мулла айтиб келинди. Уй ичкарасида мархуманинг кулогига жаноза ўқилди.

Лекин бу иш ҳам маълум бўлган экан. Раис онасини қабрга қўйиб тушишга улгурмай, формали икки киши келиб, қамоққа олиб кетди.

Орадан йиллар ўтиб, уйга қайтгач, оддий одам сифатида ҳаёт кечирди.

Истиклол қуёши барча каби унинг қалбидаги музни эритиб юборди. Яшашга бўлган иштиёқи ортди. Раис бўлмаганми, далани севади, ер олди. Фарзандлари ёнига кирдию вақтлар ўтиб, кўп қатори ҳаж амалини бажариш насиб этди. Ҳожи ота бўлди.

Мамлакатимизда Мустақиллик шарофати билан амалга оширилаётган янгилашни, ўзгаришлардан, зиёратгоҳ, қабристонлардаги ободонлаштириш ишларидан, диний маросимларни ўтказиш, Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам си-

фатида кенг нишонланиб келинаётганидан кўнгли кўтарилиб, замонага шукроналар айтади.

### 3. “Кўзларимиз кеч очилди”

1984 йил... “Чорсу” бозори дарвозасига оломон тўпланган. Милиционер йигит “Тарқалинлар!” – дея хуштак чалади. Бир томонда сочлари тўзгиган онахон: “Рўмолимни бер, болам”, – дея зорланарди.

– Мен болангиз эмасман, давлат одамиман, хизматдаман, – дейди формали йигит.

Атрофдагилар эса:

– Рўмолини бер, бу аёлнинг. Уят эмасми? – дейишади. – Нима сенинг онанг йўқми?

Нихоят, гап-сўзлар таъсир қилдими, ҳар тугул, оқ рўмоли онахонга тутқазди ва: “Бозорга кирмайсиз, қайтинг”, – деди.

Онахон минг хижолатда рўмолини бошига ташлади-да, тезгина бу жойни тарк этди.

Ёши олтмишдан ошган онахонларимизга оқ рўмол кўрк бағишлайди. Унинг айни пайтда миллий либосларимизга доғ бўлиб тушаётган, менталитетимизга ёт рўпак, хижоб сингари ёпинчиқлардан фарқи бор.

Ҳайит кунлари қабристонга ўтганларни зиёрат қилиш учун келганларнинг йўлини тўсилгани, бу удум хурофот, эскилик сарқити дея тарғиб қилингани ҳам айни ҳақиқат.

– Мен ўша кунларни бир умр унутолмай яшаяпман, – дейди Асилахон исмли ҳожи ая. – Ота-онам қабрини зиёрат қилишга ~~чиқсаман~~. Қабристонда ҳокимият вакиллари, ташкилот раҳбарлари:

– Тез оқ ёпинчигингизни олинг, – дейишади. – Уйингизга қайтинг, зиёрат қилиш диний сарқит, нега тушунмайсиз?

Энг ёмони бу эмас. Ўша пайтда умр йўлдошим бир ташкилотга раҳбар эди. Соғлигим ёмонлиги учун қабристон дарвозасигача “Москвич” машинасида олиб борган, лекин ўзлари ичкарига бир қадам ҳам босмаган эдилар. Кимдир

машина рақамини ёзиб олган, фалончи раҳбар фалончи жойда юрибди, дея мажлисларда муҳокама бўлавериб, касал бўлиб, ётиб қолдилар. Бир йилдан сўнг оламдан ўтдилар.

Шундай кунлар ҳам келар экан-ку! Назаримда, кўр эканмиз, кўзларимиз кеч очилди. Фарзанд, набираларимга: “Шундай ҳаётнинг кадрига етинглар. Эл корига яраб, юртга муносиб хизмат қилинглари”, – дейман.

\* \* \*

Отаётган ҳар бир тонг бизни Мустақиллигимизнинг қутлуғ 26 йиллик тўйи сари яқинлаштирмоқда. Инсон, унинг бахтли-саодатли ҳаёт кечириши борасида амалга оширилаётган ислохотлар кўлами шу қадар бекиёски, қалбларимиз фахр, ғурур туйғуси ила лиммо-лим. Истиклол туфайли фуқароларимизнинг эътиқод эркинлиги таъминланиб, диний қадриятларимиз қадр-қиммат топганини кўриб турибмиз. Айни чоғда, бу эзгу амаллар Конституциямиз ва “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун билан мустақамлаб қўйилганлиги ҳам халқимизнинг асрий орзулари чинакам рўёбга чиққанлигининг ифодасидир.

Дарҳақиқат, бундай Ватанга хизмат қилмоқ – олий саодат. Унинг нурафшон эртасини яратувчилар сафида бўлиш – олий бахт! Зулмат қўйинини ёритган Истиклол куёши абадий порлаб, жонажон Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилаверсин! Ўтмишдаги аччиқ хотиралар эса ҳар биримизни Мустақиллик неъматлари қадрини чуқурроқ англаб, сидқидилдан меҳнат қилиб, шукур қилиб яшашга ундаб турсин. Ким эдигу ким бўлдик?

Зеро, Биринчи Президентимиз таъкидлаганларидай: “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажоғи йўқ”!



## ҲАЁТНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ ГЎЗАЛ

*Тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики,  
томирида миллий гурур,  
Ватан ишқи жўш урган одамгина  
буюк ишларга қодир бўлади.*

**Ислом Каримов**

Ҳаёт – инсон учун берилган энг бебаҳо неъмат. Шу боис бобомиз ҳазрат Навоий ҳам: “Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз”, – дея бежизга айтмаганлар.

Тун чекиниб, само ёришиб, ёлғизгина Зухро юлдузи милтираб, Оймомо ҳорғин ҳолда ўз ётоғига қайтаётган лаҳзаларни ўзгача завқ билан кузатмайдиган киши бўлмаса керак.

Дарҳақиқат, жаннатмакон юртимиз тонгларию тунлари ўзгача, бетакрор. Хўрозлар қичкириғию қўй-қўзилар овози, кушларнинг чуғур-чуғурию майин шабода, қўшни ҳовлидаги чақалоқ йиғисию кўчаларда машиналар қатнови билан бошланадиган гўзал тонгни ҳар куни янги-янги орзулару мақсадлар билан қарши оламиз.

Хотиржам нонушта қиламиз, кун бўйи хотиржам ишлаймиз. Оила, фарзанд, набиралар, ота-она дуоси. Буларнинг барчаси бизларга маънавий қувват, туганмас руҳ бағишлайди. Чунки ниятларимиз улкан, бугунги кунимиз бахтли, эртанизга ишончимиз барқарор. Бу эса тараққиёт, ривожланишнинг тўғри йўлидан бораётганимиздан, мустақиллигимиз шарофатидан.

Бироқ инсоният пайдо бўлибдики, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасида кураш бўлиб келган. Бугун ҳам умрини разил, чиркин мақсадларга бағишлаган, на ўзига, на ўзгаларга ҳаёт деб аталмиш неъмат қадрини раво кўрмайдиган манфур, манқурт кимсалар бор. Бундайларнинг айримлари шу юртда туғилиб, шу юрт хавосию сувини симириб улғайган. Ўз тузлуғига тупураётган бу юртфурушлар жаҳонда Ўзбекистон аталмиш келажаги буюк давлат бўлишни

хохламайдилар, эркин, озод ўзбек халқининг бахтига чанг солишга уринаётган четдаги ғанимларнинг қутқусига учиб, юртдошлари бошига кулфат ёғдиришга уринмоқдалар. Ҳазрати инсон қўллари билан бунёд этилган бинолар вайрон бўлса, кўчалар қонга ботса, атрофни оҳу нолалар тутиб, осмонни тутун қопласа – уларнинг қора юраги ором топади.

Ислом дини ниқобидаги экстремизмининг жирканч, ёвуз қиёфасини мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Наманган, Фарғона, Сариосиё, Узун туманларида бўлган воқеаларда, бундан 18 йил муқаддам юз берган 16 феврал, 2005 йил майда Андижонда содир этилган хунрезликларда кўрганмиз. “Ҳар ишни меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман” калимасини келтириб, ўзларини “улуғ мақсад” йўлида (ҳалифалик давлати қуриш), ҳатто, шахидликка шайланган бу ақидапарастлар аслида жиноятчи тўдаларнинг ҳамтовоқлари эканини ҳар қандай фикри тиник, қалб кўзи очик инсон яхши билади. Улар охирати куйган қашқирлар тўдаси. Биринчи Президентимиз ундайларга нисбатан ўз вақтида баҳоларини берганлар: “Террорчининг миллати йўқ, ота-онаси йўқ, дини, иймони йўқ”. Дин улар учун бир ниқоб холос. Ҳеч қайси дин – на ислом, на христиан, на буддизм – одамни ўлдир, дунёни қонга ботир, юртни вайронага айлантир, демайди. Аксинча, “Динда мажбурлаш йўқ”, “Оллоҳ тажовузкорларни севмайди”, деб уқтиради. Пайгамбаримизнинг (с.а.в.) “Бир хурмонинг ярми ёки бир оғиз ширин сўз билан бўлса ҳам ўзларингизни дўзахдан сақланглар”, яъни яхшилиқнинг кичиги бўлмайди деганларини ёдга олайлик. “Кимки бу дунёда зарра мисқол оғирлигида ёмонлик қилса ҳам (жазосини) кўради”, дейилади “Залзала” сурасининг 8-оятида.

Бугун гоҳ алданиб, ё адашиб, ёинки ўз калтабинлиги туфайли турли ёт оқимлар гирдобига тушиб, тинчлигимизни бузаётган, юртдошлари умрига зомин бўлаётган ғурбат бандалари бор. Уларнинг сурати – одам, сийрати – маҳлук.

Бебаҳо гавҳар – умримизни бахтли-саодатли ўтказишни хоҳлар эканмиз, тинчлигимизни асрашимиз, давлатимиз чега-

раларини туну кун сергаклик билан кўриклаётган, керак бўлса жонини фидо этишга тайёр турган аскарларимиз учун ҳаммавақт дуода бўлишимиз зарур. Ва бугун Она юртимиз эртаси, келажагини ўйлаган, шу азиз Ватан – меники, уни кўз қорачиғидай асраш, келгуси авлодларга озод, обод ҳолда қолдириш мен учун ҳам қарз, ҳам фарз деганки виждони уйғоқ инсон, энг аввало, ўғил-қизининг тарбияси борасидаги масъулиятини ҳеч қачон унутмайди. Айтишади-ку, аччиқ данак экиб, ширин мева кутма, деб. Бугун жажожи кўлчаларидан тутиб, унинг биргина ширин табассумига жону жаҳонингизни беришга тайёр бўлсангизу эртага у сиздан тониб, ана шу кўллари билан курол ўкталиб турса, юрак қандай бардош беради?!

Мустақиллигимизнинг илк дамларидаёқ ўз юртига хоинлик қилиб, охир-оқибат ғараз ниятини амалга ошира олмай ўзга юртдан паноҳ топган Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний каби қабиҳ кимсаларнинг қилмишлари, бағри қон оналарининг “Менинг бундай болам йўқ. Берган оқ сутимга рози эмасман”, дея тортган охларини унутиб бўладими?

Шу боис “Жасур” фильми ҳар биримиз учун огохликка, ҳушёрликка яна бир карра даъват ифодаси, десак янглишмаган бўламиз. Чегараларимизни бузиб ўтиб, аскар йигитларимиздан бирининг умрига зомин бўлган ва улардан омон қолган тўрт нафар жинойтчилар киндик қонлари томган, ўсиб-улғайган юрт тупроғига ғараз ниятда қадам қўйдилар. Уларнинг мақсади – кўпоровчилик ҳаракатини амалга ошириш. Бироқ шум ниятлари ички ишлар ходими Жасурнинг, қолаверса, ҳар лаҳзада юрт, эл тинчлиги, осойишталигини сақлашга тайёр аскарларимизнинг тез, аниқ, пухта ўйлаб амалга оширган ҳаракатлари туфайли пучга чикди. Халқига, Президентига ҳамиша содиқ, Ватаннинг ҳар қарич ерини муқаддас деб билган, ғанимга шафқатсиз чинакам ватанпарвар фарзандларимиз бор экан, бошимиз узра истиқлол куёши порлайверади, Ўзбекистон ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Фильмни кўриш жараёнида қалбингизни ана шундай туйғулар қамрайди, жасур ўғлонларимизга бўлган бекиёс меҳрдан кўзингизда ёш халқаланади ва айна дамда инсон кадр-кимматини бир пулга олмайдиган, юрак ўрнида бир парча музни кўтариб юрган, на оила, на ота-она, на ёшу кексани билмайдиган хиёнаткорларга нисбатан нафратингиз алангаланеди. И. Каримов 1999 йил 16 февраль воқеаларидан сўнг берган интервьюларида: **“Энди сезгир ва хушёр бўлишимиз керак. Атрофимиздаги ва орамиздаги ганимларимизни таниб олиш, бизга ким душману ким дўстлигини яна бир бор англаб етишимиз зарур”**, – деган эдилар. Мана бугун ҳам ана шундай сезгирлик, хушёрлик ниҳоятда муҳим. Кўлига тушган мўмай пулга қувониб, тўрт қоп майиз аслида нима (ким)лигини (жиноятчилар) англамай ва, ҳатто, кўрмай юклашга рози бўлган автобус ҳайдовчисини хушёр дея оламизми? Матбуот дўкони сотувчиси – аёл эътиборли. Бироқ бетоб онаси ~~ёнига~~ шошаётган талаба йигит вазиятни тўғри баҳолаб, фақат ўзи ҳақида эмас, йўловчилар ҳаётини хавфдан халос этиш тўғрисида қайғурганда эди, балки бу хиссиз жиноятчи ўқиға нишон бўлмасмиди?

Ишонамизки, фарзандини суйган, унинг камолоти йўлида қайғурган ота-она ушбу фильмни ўғил-қизларини ёнига олиб кўрган ва намоёишдан сўнг уларнинг фикрларини сўраган. Айна чоғда Ватан – она, Ватан – ота, Ватан – оила, уни севиш, асраш муқаддас бурч, деган тушунчаларни онгига яна бир бор сингдирган, Ватанга хиёнат қилганнинг косаси оқармаслиги, эл лаънатига учраб, ўзга юртларда итдай хор бўлиб ўлим топишини қайта-қайта таъкидлаган.

Минг афсуски, барча оилаларда ҳам муҳит ана шундай соғлом, эртамининг муносиб ворислари вояга етгачи, дея оламизми?

Маҳалла бошидаги таниш аёлнинг юз-кўзларида хавотир.

– Билдирмай чиқиб кетишни ўрганди, – дейди ўғли ҳақида. – Кечаси қай маҳалда келади, худо билади. Ўчакишгандай, бугун дадаси шанбаликка кетган.

Энди ўзингиз ўйланг, тун бўйи маишатда бўлган ота эр-талаб оғзидан папирос ҳиди анқиб турган ўғлидан, қаерда эдинг, дея сўрай оладими? Ота индамаса, онанинг сўзи ўтмаса, ярим тунгача компьютерхонада ёки яна қаердадир ножоиз жой, бетарбия кишилар даврасида бўлган фарзанд эртага ким бўлади? Ана унда додимизни ким эшитади? Тун бўйи кўча санқиб, бекорчиликдан “ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини” олишга уриниб, жанжал кутиб юрадиган болалар ҳам ана шундай тарбиядаги кемтиклик туфайли пайдо бўлмаяптими?

Инсон номи улуғ. Оллоҳ таоло уни энг мукаррам зот қилиб яратган. У ўзидан эзгу ишлар, яхши ном қолдирсагина, унинг авлодлари ҳам ана шундай улуғлик мақомига эришадилар. Бу дунёдан ҳикмат излаган ҳикмат топади, ғурбатга интилганга ғурбат ҳамроҳ бўлиши шубҳасиз.

Мустақилликка эришиш ва уни асраш йўлида юртимизнинг кўплаб асл фарзандлари ўз жонларини қурбон қилдилар. Уларнинг номлари қалбларимизда. Бироқ юрагига ёвузлик макон қурган ганимлар эл нафрати ва лаънатини оладилар. Бунга тарихдан ҳам мисоллар кўп.

Яна бир фарахбахш тонг отди. Нақадар гўзал ва фусункор юртимиз жамоли! Майса-гиёҳлар юзини силаб, тупроқ билан тиллашаётган кўёшни кўриш бахт эмасми? Аслида инсонлигимиз, мусаффо осмон остида, озод ва обод юртнинг эркин фуқароси бўлиб, умргузаронлик қилишнинг ўзи катта бахт! Ана шу Бахтни асрай билайлик!

Мана шундай жаннатмонанд диёримизда болажонларимиз кулгуси, бахтиёрлиги ўрнини оху фарёд эгалласинми? Юлдузу ойи билан тароватли осмонимизни қора зулмат қопласинми? Ўғил-қизларимиз кўлларига китоб ўрнига курол тутсинми? Гулларга бурканган заминимиз нокас, бадбин кимсалар оёқлари остида топталсинми? Ҳеч қачон!

Ота-боболаримиз орзу қилиб етолмаган озодликка эришдик. Борар манзилимиз аниқ ва йўлимиз тўғри. Биринчи Президентимиз таъкидлаганларидай: “Биз ҳеч қачон, ҳеч

кимга қарам бўлмаймиз!” Бунинг учун эса хушёрлик ва огохликни бир лаҳза бўлсин унутмаслигимиз, қалбларимиз ҳамма вақт “Ватан” деб урмоғи зарур. Ота-бобом, момоларим хоки ётган табаррук тупроқ – муқаддас. Ватаннинг ҳар бир қаричи – кўзларимизга тўтиё. Момоларимиз Тўмарису Қурбонжон додҳо, жаҳонгир боболаримиз – Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Темур Маликдан мерос бу юртни ҳеч қандай куч маҳв этолмагай. Зеро, унинг доно сарбони, мард, фидойи, енгилмас халқи, Навоий орзусидаги Фарходлари, эли суйган Алпомишлари бор.

Шукрона келтирайлик – ҳаётда борлигимиз, онадай ғам-хўр, меҳрибон, кўкси қалқон мана шундай Ватан бағрида эканлигимиздан... Ана шу туйғуни фарзандларимиз қалбига ҳам муҳрлайлик. Чунки улар халқимиз бошидан ўтказган урушларни, оғир, мусибатли кунларни кўрмаган. Уларга ўтмишдан сўзлаб, бугунги кун қадрини англатайлик ва бунда бизга, шубҳасиз, “Ватан”, “Сардор”, “Тубанлик”, “Алданган аёл” каби ўзбек фильмлари қатори “Жасур”, яқинда намоиш этилган “Сотқин” фильмлари ҳам ёрдамга келади. Бу каби фильмлар ёшларимиз маънавиятини юксалтиришда, Ватанни севиш, кўз қорачиғидай асраш, унга садоқат руҳида тарбиялашда, ҳаётга, воқеликка хушёр ва огохлик назари билан қарашни ўргатишда муҳим аҳамиятга эга. Халқимиз бежизга айтмаган: “Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас”, “Ватан гадоси бўлгунча – кафан гадоси бўл”.

## ВАТАН ҚАДРИН АНГЛАГАН САОДАТГА ЭРИШГАЙ...

*«Ўзбекистон» телеканалда намоиш этилган  
«Қиёматга қолган қарз», «Озодлик неъматини»  
кўрсатувларини кўриб...*

Ватан, оддийгина қилиб айтганда, киндик қонимиз томган муқаддас маскан. Мўъжазгина, илиққина ота-она, ака-ука, опа-сингил – жигарларимиз меҳри билан тўлиқ хонадо-

нимиздан бошланади, аслида Ватан. Болалигимиз ўтган чанг, тупроқ, тош кўчалар, шовуллаб турган дов-дарахтлар, бизни оғушида аллалайдиган ўт-ўланлардан, суянадиган тоғу тошлардан бошланади Ватан...

Ватан асли жисму жонимизда, ҳар нафас, ҳар онимизда, покиза иймон, уйғоқ қалбимизда жо...

## Ватан

Уни суймаган, уни демаган, уни дея куйиб-ёнмаган, согинчида ўртанмаганлар борми дунёда! Оддийгина саҳройи ҳам ўт-ўлану дов-дарахт битмайдиган чўлу биёбонини жондан азиз суяди. Зеро, ҳар бир инсоннинг кўз очиб кўргани тошлокми ё тупроқ, оролми ё музлик, сувми жаннат – Ватанида ажиб бир илоҳий кудрат мужассам: оҳанрабодай ўзига тортаверади, меҳрига ташна қилади, қанча олисласак, ўзига чорлайди, кадри билинади.

«Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан», дейишади. Яъни, ўзга юртда Ватан кадрили янада чуқурроқ ҳис қилади киши. Шу боис, ҳазрат бобомиз Алишер Навоий: «Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш, Эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш» ёки «Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса, булбулға тикондек ошён бўлмас эмиш» каби мисраларини бежизга битмаганлар.

Чинакам комил инсон бахтни ўзга юртдан қидирмайди. Айтишади-ку, «Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл». Замона зайли билан ўзга юртга кетишга мажбур бўлган улуг бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳам: «Ўз ерни куйиб, Ҳинд сори юзландим, Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди», дея армон билан ёзганларида ҳам ана шу ҳақиқат ифодасини топган. Ё тақдир, ё мажбурият тақозоси билан, ёинки «жаннат» қидириб бегона юртларга кетганлар, кун келиб: «Қани эди, она-тупроғимдан бир сиқимгина бўлса, тўйиб-тўйиб ҳидласам. Кетар чоғим, қабрим устига сепилса», дея афсус-надомат қиладилар ҳам.

Ватан соғинчи ана шундай улуғ туйғу. Унинг кадри, жозибаси, меҳри ҳар бир қалбда макон қуриб, энг олий мақсадлар сари ундайверади. Ватанпарварлик, олижаноблик, инсонийлик каби юксак фазилатларни камол топтиради. Ана шу Ватан туйғуси Тўмарис момомизнинг Эрон шоҳи Кирдай босқинчи душманни маҳв этишида беқиёс қудрат бағишлаган. Ана шу туйғу Жалолиддин Мангуберди, Темур Маликдай буюк саркардаларга Чингизхондай қудратли босқинчининг ҳам тан беришига сабаб бўлган. Бобомиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек – уларнинг юртни обод, элни фаровон қилишга ундаган, мурувват ва адолат, эзгулик ва яхшилик тантанасини барқарор қилган куч ҳам ана шу – Ватанга бўлган чексиз муҳаббат туйғуси эмасми?

Бугун юртимиз тинч ва осойишта. Эмин-эркин яшаб, меҳнат қилиб, фарзанд, набираларимиз камолини кўриб, қувониб, дуолар қилиб, шукроналар келтириб ўтирибмиз. Зеро, Ватанимиз чегараларини мард, жасур, халқига, Ватанига содиқ фарзандларимиз – миллий армиямиз аскарлари сергаклик ва хушёрлик билан қуриқлашмоқда.

Бирок...

Бугун биз «Фарзандим-жигарбандим, кўзимнинг оқу қораси, белимга мадор, тоғдай таянчим, умид, ишончим» дея не-не орзулар билан камолга етказган ўғил-қизларимизнинг айримлари нопок йўлларга кириб, ё алданиб ёт оқимлар гирдобига тушиб, кўлига қурол тутиб, беғуноҳ инсонлар умрига зомин бўлаётганлари ҳам гоятда ачинарли, афсусланарли.

Кўпинча, уяли телефонни, интернетни ёки ёнидаги «дўст»ларини сабаб қилиб кўрсатамиз. Аслида инсон юксак маънавиятли бўлса, нима яхшию нима ёмон, нима саодатга, нима ҳалокатга, фожиага олиб келишини билса – бундай фарзанд ҳеч қачон бўйнига арқон солиб, судраганда ҳам ўз мақсади, эътиқодидан қайтмайди. Кўнгил амрига қарши ишга қўл урмайди.



Юнон адиби Лукман: «... ўз отасини севмаган фарзанд ўзганинг отасиниям сева олмайди, ўз Ватанини севмаган одам ўзгалар Ватаниниям кадрлай билмайди», – деган эди.

Тўғри, ҳеч бир ота-она фарзандим ёмон бўлсин, менга раҳмат эмас, лаънат олиб келсин, демайди. Бироқ, барибир, фарзанднинг қобил ёки ноқобил чиқиши, комил ёки хоинга айланиши, энг аввало, оиладаги муҳит билан боғлиқ. Бунда, албатта, тарбия масаласи муҳим ўрин тутати. Чунки ота, рўзгор тебратаман, пул топишим керак, деб кўчага кетаверса, она ўз иши билан андармон бўлиб, боласининг ким билан, қаерда, нима мақсадда юрибди, кўнглида нима гапи бор, билмаса, ёнига ўтқазиб, насиҳат қилмаса, яхши-ёмонни туншунтирмаса – уйдан топмаган «дўст»ни кўчада излайди-да!

Инсон яратилганда, унга бош, ўйлаш учун ақл берилган. Бировларга – у дўстми, душманми – фарқламай – кўр-кўрона эргашган кимсанинг манқуртдан қаери кам?! Таниқли ёзувчи Чингиз Айтматов яратган Жўломон образи манқуртга айлангач, ҳатто, ўз онасини ҳам танймай, уни ўлдиради. Лоқайдлигимиз, оқ билан қорани ажрата билмаслик, қаршисидаги нотаниш кимса рост гапирягғими, ёлгонми – барибир этагидан тутишимиз – охир-оқибат манқуртга айлангиришга шубҳа йўқ. Бу эса ўз яқинларимиз, жигарларимизга қарши бормасликка қафолат бера оладими?

### Ҳар кимки ёмон бўлса...

Албатта, эртами-кечми ўз жазосини олади. Афсуски, қилмишининг охирини ўйламай, бир мартагина бериладиган умрнинг кадрига етмай, нафс сўзига кириб, кўпроқ бойлик топиш илинжида, ҳатто, ўз эътиқодидан кечиб, сохта ёлгонларга ишониб, диний-экстремистик жангари тўдаларга қўшилиб, қўлини қонга ботирган, бегуноҳ кишиларнинг ҳаёт шабини сўндирган манфур, разил кимсаларнинг орамизда борлиги ниҳоятда оғрикли ҳолат. Ўйлаб ўйингга етолмайсан. Бундай кимсаларга нима етишмайди ўзи шундай жаннат юртда? Ўз оиласи, ота-онаси, фарзандини севган, улар ҳақида

қайғурган инсон ҳеч вақт каттадир-кичикдир – бировнинг жонига қасд қилмайди. Ахир, улар ҳам кимнингдир отаси ё онаси, укаси ё синглиси, жондан азиз фарзанди деган тушунча бундай шафқатсизлик қилишига йўл қўймайди.

Лекин афсус. Гишт қолипдан кўчган... Бугун ана шундай жинойтлари туфайли жазо муддатларини ўтаётган юртфуруш кимсаларнинг афсус-надоматларининг чек-чегараси йўқ.

Тўғри, ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол ризқ ейишга, оиланг бағрида тинч-осойишта гурунглашиб ўтиришга ҳеч нима етмайди. Дунё яралибдики, эзгулик ва ёвузлик ўртасида ҳамиша кураш бўлиб келган. Айниқса, нафс, пул, бойлик деган васваса одамзод ақлини ўғирлаб, кўзини кўр, қулоғини қар қилиб, тубанлик сари бошлаб борган.

Бугун ана шу васваса гирдобига чалинганлар нафақат катта бойлик эгаси, балки дунёни эгаллашга интилаётганлари ва бу йўлда ҳар қандай ёвузликдан қайтмаётганлари ҳам бор гап. Ислом дини ниқоби остида ҳаракатланаётган, ўзини ИШИД деб атаб, қилмиши босқинчилик, террорчилик, қон тўкиш, ёвузлик бўлган бу жинойт гуруҳ ўз сафига маънавияти саёз, мустақил фикрга эга бўлмаган каттаю ёшни тортаётгани дунё кўриб, билиб турибди ва энг афсусларлиси, мана шундай тинч, жаннат Ўзбекистонда яшаб туриб, ўқиш, меҳнат қилиш, пул топиш учун барча имкониятлар, шарт-шароитларга қарамай, Россияга, Қозоғистонга ишлагани кетиб, ундан «катта пул топасан», деган ваъдаларга ишониб ёки диний оқимларга кириб, Суриядаги жангари тўдаларга қўшилиб, қўлига қурол ушлаётган ва, ҳатто, бегуноҳ инсонлар қонини тўкаётган кимсалар орасида калтаб юртдошларимизнинг ҳам борлиги ғоятда ачинарли.

Инсон яратилиб, унга умр ато этилган экан, бу бебаҳо дамларнинг қадрига етиш, унинг ҳар онини эзгу, хайрли ишларга сарфлаш лозим. Чунки инсондан қоладигани ҳам фақат яхшилик ва яхши ном эмасми?

Тинчликнинг, берилган умрнинг қадрига етмай, нияти қора, қилмиши бузғунчилик бўлган кимсаларга, албатта,



жазо муқаррардир. Бу ҳақда муборак Қуръони Каримда ҳам шундай дейилади: «... Аллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни бузадиган ва ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Аллоҳдан) лаънат бўлур ва улар учун ноҳуш диёр (жаҳаннам) бордир».

### **«Жаннат оналарнинг оёғи остидадир»**

Ҳазрат бобомиз Алишер Навоийнинг улуғ ва муътабар зот аёлларимиз, оналаримиз тўғрисида айтган юқоридаги сўзлари ниҳоятда топиб айтилганини яхши биламиз. Зеро, бу олам оналарсиз, опа-сингил, бувиларимизсиз ҳувиллаб, ғариб бўлиб қолмасмиди? Ахир, ҳар қайси гўдак, аввало, онасига талпинади. Унинг бағрида ўсиб-улғаяди. Она фарзандига бор меҳрини, ёшлиқ қувватини сарфлайди. Керак бўлса, жонини беришга тайёр бўлади.

Хонадонларимиз оналаримиз билан чароғон, файзли. Ҳам оиласида, ҳам жамиятда ўз ўрнига эга аёлларимиз ҳақида ҳар қанча фахр билан гапирсак оз.

Биринчи Президентимизнинг ушбу фикрлари буни айнан тасдиқлайди: «Аёлларнинг нияти холис, юраги, қалби тоза. Чиндан ҳам энг кўп меҳнат қиладиган, оилани энг севадиган, оилани ҳақиқий оила, эркакларни эркак қиладиган ҳам аёлларимиздир».

Бироқ бугун мана шундай тинч, фаровон, озод ва бахтли замонда яшаб туриб ҳам, аёл деган номига доғ тушираётган, ғаламис кимсаларга қўшилиб, тинчлигимизга раҳна солишга уринаётганлар ҳам учраб турганлиги аччиқ ҳақиқат.

Аёлдай улуғ зот қалбида ҳеч қачон ёмонлик уруғи илдиз отмаслиги керак. Бироқ озгинагина манфаат, нафс илинжи айримларни ана шундай тубан йўлга етаклаб, оқибатда нафақат ўзларига, оилаларига, яқинларига, энг асосийси, жамиятимизга зиён етказмоқдалар. Илмли, ҳунарли инсон ҳеч қачон муҳтожлик кўрмайди. Меҳнатга бўйни ёр бермаганлар, текин даромад пайида бўлганлар бойлик орттиришнинг осон йўлини қидирадилар. Улар қадам босган йўл нопокликка

элтишини билсалар ҳам, қайтмайдилар. Қинғир, нопок иш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган, жазога йўлиқтирган.

«Ўз умримга ўзим зомин бўлдим. Айбдорман. Тенгкурларим каби ҳалол меҳнат қилиб, шундай имкониятлар берилган юртимда ўйнаб-кулиб яшасам бўларди-ку?! Адашдим. Қинғир йўлга кириб қолдим. Афсусдаман». «Ватанга қарши», деган тамға босилди менга. Одам боласи учун бундан оғирроқ жазо бўлмаса керак. Ахир Ватанга қарши бориш, онага қарши бориш билан баробар-ку?! Яқинларимни оғир аҳволга солдим». «Оиламни соғинаман. Қилган ишимдан пушаймонман. Муддатни ўташ даврида тикувчиликни ўргандим. Насиб қилиб, озодликка чиқсам, мана шу хунарим билан элимга, юртимга сидқидил хизмат қиламан».

Бу айрим маҳкумаларнинг афсусга тўла дил сўзлари.

«Кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотади», – дейишади. Шоядки, алдовларга учиб, нафсни деб юртга хиёнат қилган бу аёллар хатоларини тушуниб, тўғри йўлни танлаб, қайтиб бундай номаъкулчиликка, жиноятга қўл урмасалар.

Инсон Ватансиз яшай олмайди. «Ватан гадоси бўлгунча, кафан гадоси бўл» деган нақлда катта маъно ётибди. Ахир, шу азиз Ватан тупроғи эмасми бизни кийдириб, едирадиган? Мусаффо ҳавоси, зилол сувлари, табиат неъматлари кучимизга куч, яшашимизга қувват бахш этмайдими? Айнан, мана шу замин-ку елкасида кўтариб катта қиладиган ва яна йиллар ўтиб онамиз каби ўз бағрига оладиган. Шундай экан, бу ҳақда обдон ўйлаб, мулоҳаза қилиб, Ватан деган муқаддас калимани қалбларимизга маҳкамроқ жо қилсак, шу юрт, шу элни севсак – бизни ҳеч қандай бадбин, ғаламис, ёвуз кимсалар йўлимиздан, эътиқодимиздан чалғита олмайди. Ватанфуруш, юрт хоини, Ватанга қарши деган айбловнинг ўзи номус! Бундай тубан йўлга кирганлар ўзигагина эмас, бутун бошли оиласининг шаънига иснод, фожиа келтиришларини билишармикан? Халқимизда: «Номусни йўқотган – ўлган билан баробар», деган гап бор.

## Нега шукур қилмаймиз?

Айтишларича, Ҳотамгой юртга ош берибди-да, кетар чоғларида ҳар бир кишига биттадан қўй улашибди.

Ана шунда қўйни ҳайдаб кетаётган кишилардан бири: «Ҳотамгой хасис бўлмаса, биттадан арқонни ҳам қўшиб бермасмиди», – деган экан.

Минг шукурки, ота-боболаримиз асрлар бўйи орзу қилиб, эришолмаган мана шундай тинч, озод, фаровон кунларга етдик. Ҳалол меҳнат қилиб, яратиш, ўқиш, изланиш, бахтли-саодатли яшаш, орзу-ниятларимизни амалга оширишга ҳаракат қилиш ўрнига азиз, қимматли умримизни беҳуда ишларга сарф қилиш, турли ёт оқимларга, гуруҳларга алданиб, тубан йўллارни ихтиёр этиш, номус, ғурур, ор, виждон деган муқаддас туйғулардан мосуво бўлиш, манқурт қиёфасига кириш кўрнамаклик, ношукурлик эмасми?

106 ёшли Ўғилхон момонинг гаплари ёдимда: «Битта нон, бир коса атала учун азондан қаро тунгача далада ишлардик. Бир хўжалик ана шунга қараб турарди. Одамнинг бошида иссиқ-совуқ бор – темир эмас – лекин ишга салгина кеч келсак, бригадир отда келиб, қамчи соларди. Битта қўйлагим бор эди. Кечқурун ювиб, эрталаб кийиб, далага борардим. Елкамда кетмон, қўлимда гўдак болам. Яна этагимдан ушлаб юрадиган 3-4 яшар қизим ҳам бор...

Аллоҳга шукурки, мана шундай ажойиб замонларни кўриш насиб этди менга. Юртимизнинг тинчлигига, осмонимизнинг мусаффолигига, фарзанд, набираларимизнинг бахтига кўз тегмасин. Мана шундай кунларга, мустақиллигимизга шукроналар келтираман ».

«Инсон ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг ўтмишини билмаса, хато қилади». Биринчи Президентимизнинг ушбу сўзларини ёдда тутишимиз, ўз тарихимизни янада яхшироқ, чуқурроқ билишимиз зарур. Зеро, ота-боболаримизнинг оғир, машаққатли, эркисизликда кечган ҳаётини билиш, бугунги кун қадрини англаш имконини беради. Афсуски, айрим ёшларимиздаги (улар орасида катталар ҳам бор) ана шу тарих

ҳақиқатини билмаслик, ҳамма нарса муҳайё, тинч шароитда яшаш, «тўқликка шўхлик» қилишга, енгил-елпи ҳаёт кечир-ишга, умрнинг чинакам мазмун-моҳиятини билмасликка, охир-оқибат ўз туғилиб ўсган юртига, халқига хиёнат қилишгача бўлган жиноятни содир этишига олиб келмоқда.

Тўғри, эл-юрт олдида ана шундай фарзандни тарбиялаган ота-оналарнинг юзлари шувут, қалблари вайрон. Ахир, ҳеч ким фарзандим – душман бўлиб чиқади, деб ўйламайди-ку?!

Бироқ хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, тарбия масаласида адашганимиз, лоқайдлигимиз бугун ана шундай фожиали ҳолатга олиб келганини англаб етишимиз керак. Халқимиз бежизга: «Аччиқ данак экиб, ширин мева кутма», - демаган. «Болани бошидан», дейишган. Агар ана шу нақлларга амал қилиб, тарбияда кечикмасак, ота-она, маҳалла-қўй, мактаб якдиллик билан фарзандлар камоли тўғрисида қайғурса, болалигидан катталарга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат, одамийлик, меҳнатсеварлик, яхшилик ва эзгулик каби фазилатлар қалбига жо қилинса, китобга ошно бўлса – шубҳасиз, дилларимиз афсусу надоматга эмас, қувончга тўлади. Улар бизнинг чинакам ворисларимиз, келажагимиз эгалари, умидимиз, ишончимизга айланишади.

Ҳеч кузатганмисиз, қуёш чиқишинию ботишини? Баҳор келиб, қиру адирларда очилган кўклам элчиси – бойчеклардан гулдасталар тизгандирсиз. Шаррос ёмғирдан сўнг осмон узра бўй кўрсатган камалак жилосига махлиё бўлмаган борми? Ёхуд анҳор бўйларида чиққан ялпизларга ҳовучингиз тўлиб, унинг ажиб бўйларидан сархуш бўлмаганмисиз? Осуда осмонимиз бағрида учиб бораётган қушлар чуқ ким ўзарга учирилаётган варраклар, болаларнинг писки кулгулари...

Бундай жозиба, бундай табиат гўзаллиги фақат ва фақат бизда бор. Жаннат юртимиз дунёларнинг ҳеч бир ерида топилмайди. Бизнинг юртимизга Аллоҳнинг назари тушган. Ўйлаб кўринг: осмонимиз мусаффо, тунларимиз ойдин, кундузларимиз қуёшли, бозорларимиз тўкин, хонадонларимиз

файз-баракали. Ҳеч нарсага муҳтожлигимиз йўқ. Бугун оддий тўйларимизга сарфланаётган харажатнинг ўзига чет элликлар 20-30 та тўйини ўтказади. Серобчилик. Яна нима керак?

Айрим давлатларда тоза сув муаммо: пулга сотиб олишади. Биз хоҳласак сув жўмрагини беркитмай, кун бўйи оқизиб ҳам қўяверамиз. Чунки сероб-да! Айрим жойларда, ҳатто, экин битмайди, дов-дарахт ўсмайди. Шунда ҳам ношукурчилик қилмайди: тақдирига тан бериб, сабр билан ҳаёт кечираверади. Баъзи давлатларда болаларнинг илм олишга имқон йўқ. Орзу қилишади, холос. Ҳатто китоблар етишмайди.

Юртимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар кўламига эътибор беринг. Ҳатто, айрим ривожланган давлатлар ҳам танлаган йўлимиз тўғрилигига тан бериб, ҳавас қилмоқда, ўрганмоқда.

«... Аждодларимизга муносиб бўлиш, бу ҳаётда ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмасдан, олдимизга катта мақсадларни қўйиб, ғурур билан яшашимиз лозим», – дея таъкидлар эдилар мухтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов.

Инсоннинг бахтли-саодатли яшаши учун шуларнинг ўзи етарли эмасми! Ўзимизда чинакам жаннат туриб, ўзга юртдан «жаннат»ни қидириб кетиб, итдай ўлим топиб, ҳатто, жасадлари қабрсиз хору зор бўлиб қолаётганларни эшитиб, кўриб турибмиз-ку! Яна кўзимиз очилмайди! Оч кўзни тупроқ тўлдиради, деганлари рост. Унгача нафс сўзига кириб, хою ҳавас, саробга алданиб, инсонийлигини унутиб, ўзга юртларда дарбадар кезаверади. Бундайларнинг ҳаёлида ота-она олдидаги фарзандлик қарзи, жамият олдидаги, Ватани олдидаги бурч каби тушунчалар йўқ, маъносини йўқотган.

Ҳазрат бобомиз А. Навоийнинг «Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз» мисралари қайта-қайта ёдга келади. Дарҳақиқат, бир мартагина бериладиган умримиз азиз, бебаҳо. Унинг ҳар бир онини мазмунли ўтказсак, фойдали, мақсадли ишларга сарфласак – эртага фарзанд, набираларимиз

биз билан фахрланса, ғурурланиб тилга олса, муносиб бўлишга ҳаракат қилса – нур устига аъло нур эмасми?

Болалигимизда ўқиган эртақлардаги ботирлар олдидан ҳамиша учта йўл чиққан: «Борса-келар. Борса-хатар. Борса-келмас». Бугун юртга хиёнат қилиб, ота-онаси, яқинларининг қалбини пора қилган адашган ёшларимиз айнан «Борса-келмас» йўлда. Негаки, бемақсад бу босқинчилик, террорчилик ҳаракатларида у ё ўлим топади, ё тирик қолган тақдирда ҳам номи абадиятга ўчади. Эл тавқи лаънатига учрайди. Ҳар иккиси ҳам бир: бундай фарзанднинг на ота-онага, на Ватанга кераги бор.

Огоҳ бўлайлик. Атрофимизда бўлаётган ҳар бир нарса эътибор билан қарасак, яқинларимиз, маҳалла-қўй орасида меҳр-оқибатни мустаҳкамласак, бир-бировимизни тушунишга ҳаракат қилсак, кўнгилларимизни обод, она юртимизни янада кўркам қилишга интилсак, «шу азиз Ватан барчамизники», уни бугунги, эртаси, келажаги учун масъулман, деган муқаддас тушунчани дилларимизга жо қилсак – орамиздан ёмонлар, юртга хиёнат қиладиганлар чиқмайди.

Хушёр бўлайлик. Шукур қилайлик. Ватан биздан рози бўлсин. Ватан каддини яхши англасак, унга фидойилик билан хизмат қилсак «Ўзбек» деган номимизга доғ туширмасак, шубҳасиз, келажагимиз янада нурафшон бўлади. Улуғ саодатга эришамиз.

## **ДУНЁВИЙ НЕЪМАТЛАРНИНГ УЛУҒИ**

Инсон умид билан умр кечиради. Ҳаёти бугунгида мазмунли, бахтли бўлишини ният қилади. Меҳнати билан тўқ, фаровон яшашни, бунёд этишни, фарзандлари камолини кўришни истайди. Орзу-мақсадларининг рўёбга чиқиши учун интилади, изланади. Лекин инсоннинг бахтли яшашини учун истақларининг ўзи камлик қилади. Чунки бундай орзуга фақат эркин, озод бўлгандагина эриша олади.



Собик тузум даврида ўз эркидан, ҳақ-ҳуқуқидан, тили, дини, кадриятларидан мосуво бўлган халқимизнинг елкасига Мустақиллик шарофати билан офтоб тегди. Ота-боболаримиз асрлар давомида орзу қилиб, етолмаган эркинлик, озодликка истиқлол туфайли эришдик. Инсон номи юксакларга кўтарилди. Унинг бахтли-саодатли яшаши учун барча имкониятлар яратилди ва бу ҳуқуқ ва манфаатлар бахтимиз Қомуси – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қатъий белгилаб берилди.

Конституциямиз қабул қилинган кундан буён ўтган 25 йиллик муддат – вақт мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар кўламига эътибор беринг-а. Барча соҳалардаги улкан маррадаримизни дунё кўриб, ҳавас қилиб, ҳайратга тушиб турибди.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонимиз иқтисодиёти 5 каррадан зиёд ўсди. Аҳоли сони эса 10,5 миллионга кўпайиб, даромади 9 баробарга ошди. Кейинги ўн йил давомида жаҳондаги санокли давлатлар қаторида ялпи ички маҳсулотимиз 8 фоиздан кам бўлмаган суръатларда ўсаётгани, одамларимизнинг ўртача ёши 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга узайгани фахрланишга, гурурланишга, ҳар қанча ҳавас қилишга етарли эмасми?

«Бутунжаҳон бахт индекси»нинг янги рейтингиди Ўзбекистон 158 мамлакат орасида 44-поғонада, МДҲга аъзо мамлакатлар орасида эса биринчи ўринда қайд этилишининг ўзиёқ қалбларимизни фахр-ифтихор ҳисларига тўлдиради. Бундай эркин, озод, фаровон, Ўзбекистондай жаннатмонанд юртда яшамок, меҳнат қилмоқ катта бахт эканини яна-да чуқурроқ ҳис қиласан, шукроналар келтирасан, киши.

Ҳаётимиз, эркимиз, шаън, кадр-қимматимиз қафолати бўлган – 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат Бахтимиз Битикномаси, озодлик ғояси ва руҳи билан суғорилган Конституциямизда, Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек: «... Бунда жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – Инсон» деган фикр илгари сурилган.

Қомусимизнинг II боб, 13-моддасига эътибор беринг. «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».

14-моддада эса: «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади», – дея белгилаб қўйилганининг ўзиёқ бугун жонажон Ўзбекистонимизнинг энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олаётгани замирида, энг аввало, инсон омилига эътибор ва бекиёс ғамхўрлик ётганининг амалдаги ифодаси эмасми?

Ҳақ-ҳуқуқини билмаган, кадр-қиммати поймол этилган инсон ўзлигини унутади. Ўзгаларга муте, тобе бўлиб қолади. Унда на орзу, на мақсад, интилиш бўлмайди. Буни собиқ тузум даврида халқимиз ўз бошидан ўтказди. Меҳнат қилди, рағбат кўрмади. Зиёга интилди, сўндирилди. Истеъдодини рўёбга чиқармоқчи бўлди, пайи кирқилди.

Бир кекса отахоннинг 80-йилларда «Болам, мана шу аризамни русчага ўтириб бер», – деганлари ёдимда. Қайсидир ташкилотга борсалар, рус тилида ёздириб келинг, дейишибди. Ва яна ўз ютуқлари тўғрисида минбарга чиқиб, пешонасида реза-реза тер, тили айланмай, русчалаб ёзиб берилган маттни қизариб-бўзариб, базўр таталаб ўқиб берган илғор бир сут соғувчи аёлнинг изтиробли қиёфаси ҳали ҳамон кўз ўнгимда...

Бугун эса Бахтимиз Қомусининг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир», деб белгилаб қўйилгани, юқори идоралардан тортиб, ўқув даргоҳларигача – барча жойда ўзбек тилида иш юритилиши кўксимизни тоғдай кўтариб, қалбларимизни ғурурга тўлдиради.

«Оқ олтинни олтин қўллар яратади», – деган ҳавойи сўзлар билан ўзбек пахтакорини сохта улуғлаб, аслида эса машаққатли меҳнати эвазига туҳматлар билан «сийланган»,

«пахта иши», «ўзбек иши» деган жинойт тамғасини босиб, қанчадан-қанча юртининг асл фарзандлари умрига зомин бўлган собиқ тузумнинг оилалар бошига кулфат келтириб, дилларда жароҳат очган ўша мащъум йиллари ҳамон унутилгани йўқ.

Муҳтарам И. Каримовнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» деб номланган асарларида, айнан, ана шундай аянчли ҳолатга урғу берилгани бежиз эмас. Китоб муаллифи шундай ёзадилар: «Тошкент вилоятида ҳам бир ҳовлида бештадан оила яшаганини мен шахсан ўзим кўрганман. Бундай ҳовлиларда яшаш, айниқса, қариялар учун азоб эди. Тасаввур қиласизми, улар эрталаб туриб қаерда таҳорат олишни билмасдан қийналарди. Эшигини очса, остонасигача пахта экилган.

Пахта далаларига қандай заҳарли дорилар сепилганини айтмайсизми? Одамларимиз, болаларимиз ва аёлларимизнинг турли касалликларга чалинишга, биринчи навбатда, самолётдан сепилган ана шу дорилар сабаб бўлмаганмиди?»

Ва яна «Ҳар бир инсон бу дунёда бахтли яшаш учун туғилади, яратилади», – деган фикрларига эътибор қилсак, мамлакатимизда Мустақилликдан сўнг барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон ва унинг манфаатлари ётгани яна-да ёрқинроқ намоён бўлади.

Юртимизда жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга ва қонун олдида тенг экани Бош Қомусимизнинг 18-моддасида кўрсатилган. «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунарига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар...» (64-модда) ҳамда «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» (66-модда), дея асосий Қонунимизда белгилаб қўйилган ва «Оила» деган алоҳида XIV боб билан берилган нормалар ҳеч бир мамлакат Конституциясида учрамайди. Бу

эса ота-боболаримиздан мерос меҳр-оқибат, қадрият, бағрикенглик, олижаноблик каби муқаддас тушунчаларнинг барҳаётлиги, аждодларимизга ҳурмат, юксак эҳтиром ифодаси, Конституциямизнинг инсонпарварлик тамойилларига асосланганидан далолат сифатида катта аҳамият касб этади.

Саксондан ошган Мастурахон ҳожи она Ҳамдамовани маҳалла-қўй ниҳоятда ҳурмат-иззат қилади. Бу онахоннинг ўн бир нафар фарзанди ва олтмиш нафардан зиёд набира, эваралари бор. Бугун эл, фарзандлар ардоғида кексалик гаштини сураётган бу табаррук онахоннинг дилида адоқсиз бир армон бор. Умр йўлдоши барвақт оламдан ўтиб, жўжабирдай жон билан чирқиллаб қолган ўша кунларни эсласа, юрагида оғриқ туради. «Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман», дейдиган замонлар эди-да», — эслайди кўзда ёш билан. — Мана шундай ёруғ, дориламон кунлар ҳам келар экан-ку, — дейди онахон шукроналар келтириб. — Сумалак қилма, Наврўзни нишонлама, ҳайит байрами йўқ, қабристонга чиқма, марҳумларни зиёрат қилиш, рўза тутиш, намоз ўқиш бидъат, деган замонлар ўтиб кетди. Ҳаж зиёратига бориш, амалларни бажариш Мустақиллик шарофати билан насиб этди менга. Мингдан-минг шукурлар дейман. Юртимизга тинчлик, Юртбошимизга омонлик тилаб, дуолар қиламан».

Дарҳақиқат, Биринчи Президентимиз ёзганларидай: «... бир вақтлар, коммунистик мафкура замонида миллий урф-одатлар, анъаналарни ривожлантириш у ёқда турсин, ҳатто, жанозага бориш мумкин эмас эди. Қаранг, қандай оғир замон эди!»

Ўз тарихини, минг йиллик анъана, урф-одатларини, насл-насаби, аждодларини унутган халқнинг келажаги бўладими? Унинг манқуртдан фарқи қоладими? Биз бой маданиятга, буюк тарихга, бугун дунё билиб, ҳавас қилиб турган, ўрганаётган маънавий меросга эгамиз. Юртимиз буюк алломалар, мутафаккирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан, Оллоҳ назари тушган юрт. Бундай юртда яшамоқнинг ўзи — бахт! Бундай бахтни — илм-хунар эгаллаш, хоҳлаган касб-хунарда меҳнат

қилиш, истеъдодини рўёбга чиқариш саодатини истиклолимиз берди ва Бахтимиз Қомусида ўз ифодасини топди.

Конституциямизнинг 24-моддасида: «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», деб белгилаб қўйилган бўлса, 31-моддада: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», – деб кўрсатилган.

Ҳа, инсон ҳур ва озод туғилади ва у ана шундай яшаши керак. Ҳар бир инсоннинг фикрлаш, сўз эркинлиги ҳуқуқи Бош Қонунимизнинг 29-моддасида белгилаб қўйилган бўлса, билим олиш, мулкдор бўлиш, касб танлаш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, илмий, техник ижод қилиш эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш каби ҳуқуқлари 41-, 36-, 37-, 40-, 42-моддаларда кафолатланган.

Биз ўз Конституцияси, мадҳияси, байроғи, герби, миллий валютаси, миллий урф-одатларига эга бўлган келажаги буюк давлат фуқаросимиз. Мана шундай жаннатмонанд юртга фарзанд эканимизга, тинч-осойишта ҳаётимизга, ўғил-қизларимиз – авлодларимиз эртасидан, келажагидан кўнглимиз тўқ, ишончимиз барқарорлигига ҳар қанча шукрона келтирсак оз.

Лекин унутмаслигимиз керак. Бундай тинч, дориламон кунлар осонликча кўлга киритилган эмас. Бугун юртимиз камолини, эришаётган ютуқларимизни кўриб, зиммамиздаги масъулиятни янада чуқурроқ ҳис қиламиз. Ҳақ-ҳуқуқимиз, эркинлигимиз билан бирга олдимизда турган бурч ва мажбуриятларимизни ҳам теранроқ англаймиз.

Янгикўрғон тумани Заркент қишлоғилик 85 ёшли Баҳриддин хожи ота Исмоилов: «Жаннат қаерда, деб сўрашса, Ўзбекистонда, дейман, – дейди қувонч ва гурур билан. – Отам оддий аравасоз уста бўлган. Биз – ўн нафар фарзанднинг қорини тўйғазиш учун туну кун ишлардилар. Лекин косамиз оқармаган. На қорнимиз, на эғнимиз ёлчимаган. Мустақиллик шарофати билан бахтли-саодатли кунларга

эришдик. Бугун юртимиз тинч, дастурхонларимиз тўкин, халқимиз фаровон. Болалигимда иссиқ кийимим бўлса, уйимиз тўла нон бўлса, дея орзу қилардим. Энди эса ҳамма нарса сероб, тўкин-сочин, мўл-кўл. Фарзанд, набираларимизнинг орзу-мақсадлари ниҳоятда улуг.

Умрим устачилик билан ўтди. Фарзандларим эса зиёли. Бири олим, бири тадбиркор, фермер, ўқитувчи. Икки набирам пойтахтда яшайди, институтларда дарс беради. Иккови ҳам олим бўлди. Бундай эркинлик, имкониятларни бизга Истиклол берди ва ҳар бир инсоннинг бахтли-саодатли яшаши Конституциямизда белгилаб қўйилган. Мингдан-минг шукур. Юртимиз, халқимиз тўғрисида туну кун гамхўрлик қилаётган Юртбошимизга раҳматлар айтаман, омонлик тилаб, дуолар қиламан».

Бугун дунё нотинч. Урушлар, турли оқимлар, террористик, экстремистик гуруҳлар... Очлик, касаллик, тўфонлар... Бир кунда дунёда минглаб одамлар ана шундай хавф-хатар, урушлар сабаб қурбон бўляпти. Шундай экан, огоҳ ва хушёр яшаш, ўз уйимизни, тинчлигимизни асраш, керак бўлса, курашиш ҳар бир юрт фуқаросининг бурчи эканини унутмаслик зарур.

Ҳозирда дунёда 6 миллион 900 минг бола 5 ёшга етмай вафот этар экан. 793 минг бола, умуман, ўқишни билмайди. Бугунги кундаги машъум воқеаларни, урушларни ҳисобга олсак, бу кўрсаткичлар янада ортиши табиий. Ана шундай шароит ҳукмрон бугунги кунда юртимизда ҳар бир оилада дунёга келадиган чақалоқ – биз учун бир олам қувонч, бир олам бахт. У ҳали она қорнидалигидаёқ гамхўрлик, меҳр, эътиборда бўлади. Туғилгач эса, соғлом, баркамол вояга етиши учун ота-она, бобою буви, малакали шифокорларнинг назоратида бўлади.

Мамлакатимизда аҳолининг 50 фоизини 18 ёшга тўлмаганлар, 55 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этишини эътиборга олсак, фарзандларимизнинг камоли йўлида амалга

оширилаётган ишларимиз самараси нечоғлик улканлигини кўриш мумкин.

Ёшдир, аёлдир, кексадир – миллати, жинси, ирқидан қатъи назар, меҳр ва эътибордан четда эмас. Дунёдаги камдан-кам мамлакат кексаларга эътибор кўрсатади. Бугунги кунда давлатимиз пенсияга ажратадиган маблағнинг миқдори ўртача ойликнинг 41 фоиздан зиёдини ташкил этиши ҳам ва биргина ўтган йили давлат бюджети ҳисобидан 11 триллион 618 миллиард сўмдан ортиқ пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақалар тўлангани бунинг ёрқин исботидир.

**«Биз бугун қарияларимизни қандай қадрласак, қандай эъозласак, келгусида болаларимиз ҳам бизни худди шундай эъозлайди».** Биринчи Президентимизнинг ушбу сўзлари Бош Қомусимизнинг 39-моддаси билан нақадар ҳамоҳанг:

«Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга». «Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас».

Мана шундай эътибор, ғамхўрликларга муносиб жавоб бериш, эзгу мақсадларимизга эришиш учун Бош Қомусимизда белгилаб, қафолатлаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқларимиз билан бирга, фуқаролик бурчларимизни ҳам тўлақонли адо этишимиз талаб этилади. Ана шунда юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватан равнақига, Ўзбекистоннинг келажигига буюк давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишига эришган бўламиз.

Юртимиз – жаннат. Ўзбекистон – дунёда ягона. Ойбек домла ёзганларидай: «Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди». Инчунун, ҳатто чўпни суқсанг ниҳолга айланадиган, қушлари сайроқӣ, осмони мусаффо, боғу полизлари тўкин, сувлари зилол, кўчалари ораста, атрофлари гулзор, одамлари

– мехнаткаш, бунёдкор, бағрикенг, олийжаноб, меҳмондӯст бундай юртни ҳеч қаердан топиб бўлмайд.

Шундай экан, бир пайтлар ким эдигу энди ким бўлдиқ? Буни унутмаслик, киндик қонимиз томган, ота-боболаримиздан мерос табаррук Ватан қадрини чуқур англаш, унга муносиб бўлиш ва муносиб хизмат қилиш ва келгуси авлодга уни озод, обод, янада фаровон ҳолда топшириш зимма-миздаги олий мақсад эканини ёдда тутайлик.

Инсон деган улугъ номга муносиб бўлайлик.

## ВАТАНГА ДАХЛДОРЛИК МЕЗОНИ

Тунов куни бир танишимни учратиб қолдим. Шошиб келаётимди, авзойи бузук.

– Ҳа, ҳа, тинчликми? – сўрадим ундан.

– Э, фалончини танийсизми? Уни бамаъни, дуруст одам десам, боласига мутлақо тарбия бермаган экан. Утган йили бировнинг деворига чиқиб, олмасини узаётганда танбех берувдим. Ўнгламабди. Кўча бошидаги сув кранининг жўм-рагини суғуряпти. Дакки берсам, нима дейди денг: «Сиззи нима ишингиз бор? Нима, кран сиззикими?» сўраб-суриш-тирсам, фалончининг набираси экан. Раҳматлининг номига «Ўғри» лақабини кўшиб айтишарди. Бобосига тортган, шекилли. Лекин ота-онасига, болангиз шунақа, деб бир оғиз айтиб кўринг, нак балога қоласиз. Негаки, кўнгиз ҳам боласини, оппоғим, дейди-да.

Лекин эртага-чи! У ким, қандай одам бўлиб етишади? Жамиятимизда яна бир ўғри, жиноятчи пайдо бўлмаслигига ким кафолат беради?

Дарҳақиқат, муборақ ҳадиси шарифда ҳам: «Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкрок мерос беролмайди», дейилади. Лекин бугунги кунда бу масалага биз қай даражада ёндашяпмиз? Тирикчилик ташвишлари, турмуш иқир-чикир-лари билан банд бўлиб қолиб фарзандларимиз тарбиясини унутиб қўймапмизми? Унинг келажагига қай даражада



замин яратяпмиз? Биз эртага: «Бу – менинг ўғлим ёки кизим...» – дея фахр билан гапира олишимизга асос борми? Ёинки фарзандларимиз ҳам: «Мен фалончининг набирасиман. Бу – менинг отам», – дея гурурлана оладими?

Биз аслида хулқу одобимиз, маънавиятимиз, маданиятимиз, меҳнатимиз билан шу жаннатмонанд юртнинг фуқароси деган номга муносибимизми? Инсон бўлиб яшамоқ, эзгу ном қолдирмоқ ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган бахт. Айниқса, бугунги глобаллашув жараёнида, ахборот асрида фарзандларимиз онгига миллий ғоя ва мафкурамизни сингдириш, уларни турли ёт ғоя, оким, «оммавий маданият»дан ҳимоя қилиш, дунёни ҳалокатга етаклаётган гиёҳвандлик, экстремизм, терроризм каби даҳшатли балолардан омон сақлаш – долзарб вазифалардан бири.

Ота-боболаримиз қадимдан яхшиликни соғиниб, эзгуликка интилиб яшаб келган. Биргина ўз юртини душман оёғи остида топталишига йўл қўймаган момомиз – Тўмарисни, бу йўлда, ҳатто, жонини ҳам аямаган Широқни ёдга олайлик. Халқимиз асрлар мобайнида не-не қийинчилик, босқинчилик, азоб-уқубатларни бошдан кечирмади. Лекин ҳеч қачон иймонидан, эътиқодидан, она-Ватанга бўлган муҳаббатидан воз кечмади. Имкон борича, юртни обод этишга, хайрли ишлар қилишга интилиб яшади. Бунга буюк тарихчию алломаларимиз, шоиру фузалоларимиз томонидан яратилган ва бугун бизгина эмас, дунё аҳли баҳраманд бўлаётган ноёб асарлар, неча-неча асрлар оша ўз салобатини, кўркини йўқотмай келаётган меъморий обидалар шожидлик беради.

Тарихий жараёнлар сабаб жаҳон турли иқлим, минтақа, китъа ва давлатларга ажралган. Бироқ XXI асрга келиб, чегара, мамлакат тузумларни тан олмайдиган, кучайиб бораётган глобаллашув жараёни дунё аҳлини ўйга толдириб, унга нисбатан турли фикр, қарашлар билдирилмоқда.

Биринчи Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарлари ана шу маънода халқимизга мўлжал-

ланган бўлса-да, аслида бутун инсоният тақдирига куюниб ёзилгани билан катта аҳамиятга эга.

Ушбу китобда ўртага қўйилган мавзулардан бири ҳам, айнан, тарбия масаласидир. Унда фарзандларимизнинг беғубор қалбини турли маънавий таҳдидлардан қандай асраш масаласига эътибор қаратилади ва китобда энг кўп ишлатиладиган тушунчаларни ҳам «ёшлар», «тарбия», «маънавият», «миллий ғоя» каби сўз ва иборалар ташкил этади. Бу асар, энг аввало, онгимиздаги лоқайдлик иллатини, айниқса, таълим-тарбия соҳасидаги лоқайдликни енгишга даъват этади.

Асарда тарбия масаласида ота-она олдига аниқ вазифалар қўйилган. Айниқса, оталар зиммасига катта масъулият юкланган. Ҳаёли, иболи, онгли қизларни тарбиялашни онанинг вазифаси, деб қараб келганмиз. Ҳақиқатан ҳам, қиз бола она тарбиясини олади. Шу боис халқимиз: «Онасини кўриб, қизини ол», – дейди. Шундай экан, меҳнаткаш, иродали, кучли, ақлли, одобли, мард, паҳлавон ўғилни тарбиялаш кимнинг зиммасида? Бу ғоят муҳим вазифани ким бажаради?

Она – азиз ва мўътабар. Лекин ўғил тарбиясини ҳам унинг зиммасига юкласак ярашадими? Зеро, оналаримиз ўғил тарбиясида доимо ота номига, унинг обрў-эътиборига, қатъиятлилигига суянишган. «Отанг билса, нима дейди?», «Отангга айтаман» каби гаплар билан болага адаб беришга ҳаракат қилишган. Бундан кўринадики, ўғил тарбияси ота зиммасида бўлиши керак. Маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари, оқсоқоллар оталарга: «Сиз ўғлингиз тарбияси учун нима қилдингиз? Нима қилмоқчисиз?» каби саволлар бериб, бу нарса жамиятимизнинг, қолаверса, маънавиятимизнинг талаби эканини эслатиб туришлари керак.

Ёшлар – келажагимиз эгалари. Уларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш борасида барча имкониятлар ишга солиниб, ғамхўрлик, эътибор кўрсатилмоқда. Бу борада ота-она билан бир қаторда, мактабнинг, устознинг ўрни бекиёс. Бугун биз тезкор ахборот асрида яшайпмиз. Шундай

экан, ёшларнинг кўзига, онгу шуурига тўсик кўйиб бўлмайди. Бунинг иложи ҳам йўқ. Ахборот кўп. Улар биздан кўпроқ нарсаларни кўришга, билишга интилади. Ана шундай пайтда тушунган, тарбияли, маънавияти етук ота-она ва устоз нимани билиш, нимани кўриш ва нимани ўқиш кераклигини фарзандига, шогирдига ўргатади.

Биз киммиз? Мард, жасур, фидойи, ватанпарвар аждодларимизнинг ворисларимиз. Тўмарис каби момомиз, Амир Темур, Жалолоддин Мангуберди, Темур Малик каби буюк боболаримизнинг авлодимиз. Улардаги жасорат, Ватанга мухаббат, унинг эркинлиги, озодлиги учун, ҳатто, жон фидо этишдек муқаддас туйғу жисму жонимизда. Ҳатто, босқинчи Чингизхон ҳам Темур Малик, Жалолоддин Мангубердининг жасорати, матонати, салоҳиятига тан берган, «Қани эди, улар менинг ўғилларим бўлганида эди», – дея ҳам армон, ҳам ҳавас қилган. Бирок ҳамма замонда ҳам озгинагина манфаат, нафсни деб, ўз юртига, юртдошларига хиёнат қиладиган тубан кимсалар топилади. Ҳар иккала жаҳонгир ҳам ана шундай соткинлик қурбони бўлганларини биламиз. Лекин номардлик эмас, мардлик яшайди. Эли, юрти учун жон фидо қилган инсонларнинг номи ҳеч қачон ўчмайди. «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида айнан шундай жумлалар бор: «Агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чикмаса, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди».

Бугун – дунё нотинч. Атрофимизда найт пойлаб, тинч-осойишта ҳаётимизга раҳна солишга тайёр турган ғанимлар бор. Бойлик, манфаат, ҳуқуқронлик илтижидаги, ғайриинсоний қисфадаги диний-экстремист, террорчиларнинг алдовларига учиб, улар сафига кириб қолаётган, беғуноҳ инсонларнинг қонини тўқаётган кимсалар (улар турли ёшда) орасида, ўзингники ўзагингни ўртайди, деганларидек, айрим юртдошларимизнинг ҳам борлиги ғоятда афсусланарли. Демак, тинчлигимиз, осуда ҳаётимизни, ўзимиз, фарзандларимизнинг бахт-саодатини, Ватанимиз озодлиги, ободлигини

асраш учун ҳам ҳар биримиз ўз уйимизга масъулмиз. Огоҳлик ва хушёрликни унутмай, теварак-атрофдаги воқеаларга эътиборлироқ бўлишимиз талаб этилади.

Халқимиз: «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур», иборасини бежизга айтмаган. Зеро, ҳар томонлама соғлом, баркамол, юксак маънавиятли, билимли, ақлли фарзандларимиз эртанинг, Ўзбекистонимиз буюк келажагининг бунёдкорларидир.

«Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» ( И.Каримов ) китобида билдирилган қуйидаги фикрлар қай бир инсон қалбини тўлқинлантирмайди: «Ўз ҳаёти, ўз тақдирини она Ўзбекистонимиз билан чамбарчас боғлаб, келажак сари катта ишонч билан интиляётган болалар – бу менинг болаларим. Бундай азму шижоатли, кўзлари ёниб турадиган, замонавий билим ва касб-ҳунарга эга, дунё майдонида ўз тенгдошлари билан беллашувга қодир бўлган ёшларни ҳимоя қилишга, уларга мадад беришга, уларга ҳар қандай амалий шароит, имконият туғдириб беришга мен доимо тайёрман».

Ҳақиқатан ҳам, Мустақиллик шарофати билан ўтган 26 йиллик муддат мобайнида мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси, баркамол вояга етиши, салоҳиятини юзага чиқариши йўлида шу қадар мислсиз ишлар амалга оширилдики, бугун буни дунё аҳли эътироф этяпти, ҳавас қиляпти, тажрибаларимизни ўрганипти. Айрим давлатларда ёшларнинг 50-60 фоизи саводсиз эканини, улар эртасига умид, ишонч билан эмас, оч қолмаслик ғамини ейишлари ёки эртагача омон қолиш тўғрисида қайғуришларини эътиборга оладиган бўлсак, бизнинг фарзандларимиз – бахтли!

Дарҳақиқат, мамлакатимизда таълим-тарбия, тиббиёт муассасаларини янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш, аҳолини сифатли

ичимлик суви ва замонавий санитария тозалаш тизимлари билан таъминлаш мақсадида жорий йилда давлат бюджети-дан жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилгани, бу ўтган йилга нисбатан 4 триллион 100 миллион сўм ёки 22,5 фоизга кўплиги ҳам юртимизда инсонга, унинг ўзидан рози бўлиб, бахтли-саодатли яшашига бўлган бекиёс ғам-хўрлик, эътибордан далолат. Шундан 34,3 фоизи таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга, 14,2 фоизи соғлиқни сақлаш тизимига сарфланган.

Халқимизда: «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», «Сендан ҳаракат – мендан баракат», «Бешовлон бирга бўлса, бўлмагани бўлдиран, олтовлон ола бўлса, оғзидагин олдиран» каби мақол ва ҳикматлар бор. Миллий мафкурамиз ана шундай дурдоналар ярашган халқимиз тафаккурдан озикланади, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилишга, яратишга, бунёд этишга ундайди. Ўзимизгагина хос бўлган миллий урф-одатларимиз, меҳр-оқибат, мардлик, ҳалоллик, лафзда туриш, ўзаро ҳамкорлик, ҳашар, миллат манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш каби анъаналаримиз, кадриятларимиз, бирлигимиз, ҳамжихатлик, мақсадлар сари қатъий интилиш каби миллий табиатимиз, инсонийлик фазилатлари – қонқонимизга сингиб кетгани учун ҳам Ўзбекистон жаҳонда ўзига хос ўринни эгаллади. 2014 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда йиллик ўсиш даражаси энг юқори бўлган давлатлар орасида Ўзбекистон – 5-ўринда қайд этилгани, «Бутунжаҳон бахт индекси» рейтингига Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар орасида 1-ўринда экани ва яна «Гэл-лап» компанияси таҳлилчиларининг эълон қилган фуқаролик хавфсизлик индексига кўра, «Ўзбекистон – хавфсиз мамлакат», деб эълон қилинганнинг ўзиёқ тўғри йўлдан бораётганимиз – «Ўзбек модели»нинг эътирофи эмасми?

Биринчи Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида юртимиз эриша-

ётган барча ютуқлар, Ўзбекистонимизнинг жаҳон майдонида муносиб обрў топишдаги энг асосий омиллардан бири сифатида: «Бу ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, халқимиз интилаётган келажаги буюк давлатни барпо этишга қодир бўлган баркамол авлодимиз», – дея фахр, гурур билан таъкидлаган эдилар.

Давлатимизнинг юксак мукофоти – «Шухрат» медали соҳиби бўлган, бокс бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси Бектемир Мелиқўзиёвнинг дил сўзларини тинглаб, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Меҳриноз Аббосованинг,

«Дунё қадамимдан гул бўлиб кетгай,  
Ёмонлик минори кул бўлиб кетгай.  
Юрагимдан куёш чиқиб келяпти,  
Тирноқларимгача нур бўлиб кетгай»,

шеърий мисраларини ўқиб, қалби эзгуликка, яхшиликка тўла, юракка Ватан меҳрини жо қилиб, бугундан эртасини гўзалроқ, яхшироқ, янада бахтли ва саодатли қилишга интилаётган, изланаётган, яратаётган, бағрикенг, меҳнаткаш, фидойи халқимиз бундан-да юксак марраларни эгаллашига, фарзандларимиз йўлбошчимиз гурур билан қайта-қайта такрорлаб айтганларидек, «...таянчимиз ва суянчимиз, гуруримиз ва ифтихоримиз...» бўлиб камолга етаётганликларига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик, қалбларимиз фахр-ифтихор ҳисларига тўлди.

Хулоса шуки, Инсон деган улуг номга муносиб яшаб, мана шу азиз Ватан – меники, уни кўз қорачигимдай асраш, ҳимоя қилиш муқаддас бурч, деб билсак, фарзандларимизни жонажон Ватанга муносиб қилиб тарбияласак, мафкурамиз мустаҳкам, маънавиятимиз юксак бўлса, – на ўзимизни, на фарзандларимизни ҳеч бир ёт ғоя йўлимиздан чалғита олмайди.

## ВАТАН МЕҲРИНИ ҚАЛБЛАРГА ЖО ҚИЛГАН АСАР

*Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг  
«Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йулида хизмат  
қилиш – энг олий саодатдир» асарини ўқиб...*

Ҳар тонг уйғониб, хали ётоғига қайтиб улгурмаган оймо-мога, ёришиб келаётган самога, куёшнинг илк нурларидан пурвиқорлик касб этган тоғларга, жаннатларда ҳам топилмас ажиб бўйларга тўлган борлиққа боқар эканман, қалбим ҳаяжонга тўлади. Шу ҳаётда борлигимдан, шундай жаннатмонанд юртда туғилиб, шу юртга фарзандлигимдан Яратганга шукроналар келтираман.

Бир пайтлар раҳматли бувим қаерга бориб келсалар, «Худога минг қатла шукур, уйимга етиб келдим. Ўз уйим – ўлан тўшагим», – дея хурсанд бўлиб кетардилар.

У пайтлар бу ҳолатга унча тушунмаганман. Энди эса... Инсон учун туғилиб ўсган, киндик қони томган юрт нечоғлик азиз, табаррук эканлигини англайман.

Ҳар баҳор қалдирғочлар айвон шифтидаги уяларида бола очардилар. Нима бўлдию, бир йили уйни таъмирлаш чоғида уяни олиб ташлашга тўғри келди.

Яна баҳор келди. Қалдирғочлар чугурлашиб-чугурлашиб, уясини тополмагач, қайтадан уя қуришга киришди. Қарангки, яна, айнан, ўша жойга...

Тавба, дейсан... ва ватанини, ҳатто, шу миттигина жонзотлар ҳам сезгиси биланми, онги биланми, англаганига ҳайрон қоласан.

Инсон учун Ватан – муқаддас ва муътабар. Кўз ўнгимда тоғлардан оқиб тушаётган жилғалар, ҳадсиз бёғлар, яшил водийлар, бир-биридан кўркам уйлари, текис, равон йўллар... ёмғирли баҳори, сўлим ёзи, олгин кузию зумрад қиши – табиати жаннат, одамлари – меҳмондўст, бағри кенг, меҳнатқаш, бугунидан мамнун, эртасига ишончи баланд, бетакрор, ягона – она юртим гавдаланади.



Дарҳақиқат, Ватан бизни онамиз каби бағрида эркалаб, камолга етказди. Ватан ҳавоси, суви, тупроғини кўзларимизга ҳар қанча тўғиё қилсак шунча оз. Дунёларда топилмас ягона Ватаннинг, Ўзбекистондай келажаги буюк давлатнинг фуқароси бўлиш, унга хизмат қилиш улкан бахт эканини дилдидан ҳис қилишнинг ўзи ёқимли, фахрли...

Бундан аввал Биринчи Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобларини севиб мутолаа қилганимда ҳам Ватан қадрини янада теран ҳис қилган, айна дамда унинг ҳар бир сатридан Ватанини, халқини жон-дилидан севган, унинг бугуни, эртаси, буюк келажаги учун туну кун қайғуриб, ёниб яшаётган доно, улуг Инсон қиёфаси кўз олдидан намоён бўлган эди.

Улуг йўлбошчимизнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» деб номланган асарлари эса халқимизга катта, бебаҳо тухфа бўлди. «Бизнинг мақсадимиз – эркин ва фаровон, демократик ҳаёт қуриш» деб номланган маъруза, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ ҳамда 12 мавзунли ўз ичига олган бу асар қалби пок, иймони бутун, виждони уйғоқ ҳар бир инсонни ўйлашга, мушоҳада қилишга ундайди. «Ватан учун мен нима қилдим? Элнинг қай бир қорига ярадим?» – деган саволларга жавоб талаб қилади.

Бугун «Ўзбекистон» деган давлатни, ўзбек деган миллатни дунё таниб, тан олиб, ҳавас қилиб турибди. Бу, аввало, Мустақиллик шарофати, амалда ўзини оқлаган, беш тамойилга асосланган «ўзбек модели» – ривожланиш йўлининг тўғри танланганининг самараси.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон иқтисодиёти 5 қаррадан зиёд ўсган бўлса, аҳоли даромади қарийб 9 баробар ошди. Ўртача ёш эса 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида 75,8 ёшга узайди. Ялпи ички маҳсулотимиз кейинги ўн йилда



8 фоиздан кам бўлмаган суръатларда ўсаётгани ҳам қувонарли ютуқларимиздан бири эмасми?

Жаҳон банкининг «Глобал иктисодий тараққиёт» прогнози асосида тайёрланган маълумотда 2014 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда йиллик ўсиш даражаси энг юкори бўлган давлатлар орасида Ўзбекистон 5-ўринда қайд этилганининг ўзиёқ эришаётган ютуқларимиз салмоғи нечоғли улканлигини кўрсатиб турибди. Ёки «Бутунжаҳон бахт индекси»нинг янги рейтингиди Ўзбекистон 158 та мамлакат орасида 44-погонани, МДХ давлатлари орасида эса 1-ўринни эгаллаганлиги, ваҳоланки, бундан икки йил аввал мазкур рўйхатда 60-ўринда бўлганлигини чуқурроқ ўйлаб кўрсак, турмуш шароитимиз, ҳаётимиз кундан-кун гўзаллашиб, фаровонлашиб, мақсад ва орзуларимизга етаётганимизни англаймиз. Қалбларимизда шукроналик туйғуси жўш ураётганига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз. Ёки Буюк Британиянинг «Экономист» журнали эътироф этганидек, Ватанимиз пойтахти – азим Тошкент шаҳри ободлиги ва яшаш учун қулайлиги жиҳатидан дунё рейтингиди 140 шаҳар орасида 58-ўринни эгаллаб турибди. Самарқанд шаҳри эса, «Дунёнинг, албатта, бориб кўриш керак бўлган 50 шаҳри» рўйхатига киритилди ва яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ўртасида бундай эътирофга эришган ягона давлат ҳисобланади.

Китобда Мустақиллик йилларида ва истиқлол шарофати билан эришилган ана шундай мислсиз ютуқлар билан бирга, босиб ўтилган ғоят оғир ва мураккаб йўл аниқ ҳаётий мисоллар асосида очиб берилгани билан янада аҳамиятлидир.

Биринчи Президентимиз ўта мураккаб, таҳликали вазиятда ўз фаолиятини бошлаганди. «... Юртимизда вазият жар ёқасига келиб қолган, одамларнинг сабр қосаси тўлган, уларнинг турмуш шароити жуда оғир эди, Яшаш даражаси бўйича Ўзбекистон ўн бешта республика ичида энг пастки ўринларга тушиб қолгани, уч-тўртталаб оила каталакдек ҳовлиларда тикилиб яшагани, ишсизлик, оналар ва болалар ўлими кескин ошиб кетгани ҳам буни

тасдиклайди», деб ёзади муаллиф. «Ўзимнинг ҳаёт тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, бу дунёда ёмонликни кўрмаган одам яхшиликнинг қадрини билмайди. Қийналмаган одам ҳақиқий бахт нима эканини тўлиқ англаб етмайди» (ушбу асарнинг 26-бети).

Ўз ерига ўзи эга бўлолмаган, инсон сифатида кадр-кимматсиз, эрксиз, тобе, ҳўрлик, азоб-уқубат, қийинчиликлар гирдобига отилган халқимиз не-не мусибатларни бошидан кечирганини биламиз. Дунёга буюк алломаларни берган халқимиз «саводсиз» аталгани, юртнинг асл фарзандлари собиқ тузумнинг беғуноҳ қурбонларига айланганини ҳам аччиқ аламлар билан эслаймиз.

Шу боис ўтмишимиз гувоҳи, жабрдийдаси бўлган боболаримиз, момоларимиз: «У кунлар сира қайтиб келмасин. Мустақиллигимизга, Ватанимизга кўз тегмасин», – дея дуо қиладилар.

«... 30-йилларда қулоқлаштириш сиёсати олиб борилиб, минг-минглаб одамларнинг молу мулки, уй-жойлари тортиб олинган, ўзлари эса узоқ ва совуқ ўлкаларга сургун қилинган, бу тузумдан норози бўлган одамларнинг болаларига «Халқ душманининг фарзанди» деган тамға босилган» (ушбу асарнинг 122-бети).

Ушбу фикрларни ўқир эканман, беғуноҳ катағон қурбонига айланган бобомни эсладим. Тўғри, уларни кўрмаганман. Эшитганман, тасаввуримда жонлантирганман, холос.

«Мулла Рустам домла Ислом илмининг етук билимдони бўлган»... («Бир ўлкаки...», «Наманган нашриёти, 1996 йил, Ю. Қирғизов, Т. Акрамов»).

Бобом 20-йилларда Ҳаж зиёратига биринчилардан бўлиб борган, Қора тошга битилган ёзувларни ўқиб, шарҳлаб берган эканлар.

30-йилларда «қора рўйхат»га тушган бобомни, ҳаммага ибрат бўлсин, деб қишлоқ ўртасида китобларини ёқиб, «халқ душманининг ҳоли шу бўлади», – дея ўзларини қишлоқдаги адирлик устига ҳайдаб олиб кетишган экан.

Кексайиб қолган, паст бўйли, чўкки соқол, юзларидан нур ёғилиб турадиган бобом шу тахлит ҳаётдан кўз юмган эканлар. Орқаларидан изма-из келиб, ана шу мудҳиш воқеаларга шохид бўлган ва бир умр даҳшатли қотилликни унутолмай яшаган амаким Ҳасанали Рустамов ўшанда ўн бир ёшда эканлар.

Бобомдан кейин оилада ёлғиз қолган фарзандлар (оналари, бувим – Саодатхон 1928 йилда вафот этган) уй-жойларидан маҳрум қилиниб, аввал Самарқандга, бир мунча муддатдан сўнг Учкўрғоннинг ўзлашмаган, кимсасиз ерларига бадарға қилинган.

Амаким Ҳ. Рустамов Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. Қайтгач, Фарғонадаги институтда ўқиб, шу ерда ишлаб қолган. Ўша машъум воқеа сабаб қишлоққа қайтмади. Уй-жой қилиб, бола-чақа ортгирган. Тилшунос олим, доцент бўлган амакимнинг фарзандлари, неvara, эваралари Фарғонада яшашади.

Бобомдан жудо бўлганида дадам олти ёшда эканлар. Болалик чоғлари етимликда кечган. Қаерда ишлашса ҳам, оталари туфайли («Мулланинг ўғли», «Халқ душмани»нинг боласи деган ҳадик) кўркув бўлган. Оқибатда барчалари юрак, қандли диабет хасталигидан азият чекиб ўтишган.

Онамни эслайман. Учкўрғонда даладан хориб қайтган волидам тиббий ёрдам ололмай вафот этган ёшгина опамни бағрига босганича совуқ, сувоқли уйда йиғлаб тонг оттирганларини...

Шукурки, Мустақиллик туфайли халқимиз, юртимиз бошида айланган «қора булут»лар йўқолди. Истиклол куёши зада бўлган кўнгилларга ҳарорат, кўзларга нур бағишлади. Ўзлигимизни қайтарди. Инсон деган шарафли номимиз тикланди. Инсонлигимизни англадик. Бугун БМТ қароргоҳида байроғи ҳилпираб турган Ўзбекистондай келажаги буюк давлатнинг бахтли-саодатли, «Ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаган» фуқароларимиз.

Бироқ, тарихни унутиб бўлмайди. Тарихни билмай туриб, бугунги кун қадрини англаб етмаймиз. «Кеча ким бўлгандик?»

Бугун-чи?» Буни чукуррок англаб, атрофга боқиб, ютуқларимиз билан ҳаволанмай, фақат олдинга интилиш, ўз меҳнатимиз билан Ватан тараққиётига муносиб улуш қўшмоғимиз керак. Бу ҳақда асарда шундай жумлаларни ўқиймиз: «Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, «Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?» деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чуқур тасаввур этамиз. Айни вақтда «Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?» деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим».

Бугун жонажон диёримизнинг қай бир гўшасига борманг, мислсиз ўзгаришлар, бунёдкорликлар самарасини кўриб кўзимиз қувнайди, қалбимиз ғурурга тўлади. «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун» эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

«Ўзбекистоннинг совет даврида қандай ютуққа эришганини кўрсатиш учун меҳмонлар мол боқиладиган фермага олиб бориларди» (ушбу асарнинг 85-бети).

Энди эса хорижлик меҳмонлар мактаб, лицей, коллеж, олий билим юртларимизда бўлиб, фарзандларимизга яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, юртимизда келажагимиз эгаларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, таълим-тарбия ва унинг самараларига ҳавас қилишмоқда, биздаги тажрибани ўрганишмоқда. Таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга давлат бюджети харажатларининг 34,3 фоиз маблағи сарфланаётгани янада эътиборли жиҳат, албатта.

«Агар тинчлик-осойишталик бўлмаса, меҳр-оқибат бўлмаса, биз орзу қилган ва интилаётган эркин ва фаровон ҳаётни куриб бўлмайди» (ушбу асарнинг 277-бети).

Инсоният яралибдики, ҳамиша ёвузлик ва эзгулик, жаҳолат ва маърифат, яхшилик ва ёмонлик ўртасида кураш бўлиб келган. Ҳар томонлама мукамал қилиб яратилган одамзот ўзига ато этилган тафаккурни яратувчиликка, яхшилик, эзгу ишларга сарфламас экан, дунё урушлар, бузғунчиликлар гирдобида инграйверади.

Халкимиз даҳшатли урушни кўрган. Шу боис кексаларимиз доимо дуога қўл очар экан, энг аввало, тинчлик, хотиржамлик бўлсин, дея тилак қиладилар.

Бугунги кунда дунё нотинч. Қўшни Афғонистонда, мана 35 йилдирки, нотинчлик. Ироқ ва Сурияда «Ироқ ва Шом Ислом давлати»ни ўрнатамиз», деган манфур ғоя билан пайдо бўлган ёвуз кучнинг ваҳшиёна, жирканч қиёфасини дунё аҳли кўриб, эшитиб, билиб бўлди. Бундай ёвуз кучлар айрим ёшларни алдаб, ўз домига тортаётгани ҳам сир эмас.

Биринчи Президентимиз ана шулар ҳақида куюнчаклик билан фикр билдириб, «Оналаримиз ўз болаларига тўғри йўл кўрсатиши, мен сенга оқ сут бериб катта қилганман, мени рози қилишни истасанг, бундай йўлларга юрмайсан, деган гапларни айтиб, ёшларнинг кўзини очиб бериши керак. Ана шунда бизнинг ёшларимиз ҳеч қачон бундай йўлларга кирмайди», – дея таъкидлайдилар.

Тинчликдан-да бебаҳо неъмат йўқ. Тинчлик бўлсагина, тараккиёт, фаровонлик, файз-барака бўлади. Фарзандларимиз камолга етади. Болаларининг эртасидан кўнгли тўқ онагина хотиржам яшайди. Бунинг учун эса, ҳамиша хушёр ва огоҳ, Ватанга даҳлдорлик туйғуси билан яшаш, тинчликдай азиз неъматнинг, мустақилликнинг қадрига етиш, уни асраш талаб этилади. Керак бўлса, курашиш зарур.

Тинчлик, осойишталик, мана шундай тўкин, гўзал ҳаёт осмондан тушгани йўқ. Мустақиллигимиз арафасида Наманган, Фарғона, Бўка, Сурхондарёда юз берган воқеаларни ёдга олайлик. Айниқса, «Фарғона фожиаси» деб ном олган машъум воқеа юз берган пайтда синглим ўша ерда институтда ўқирди. «Фарғонада уруш!» деган хабар келиши билан онамнинг қон босимлари ошиб, ётиб қолганлар. Дадам нима қилишни билмай, телефонга ёпишдилар.

Синглим ўша кунларни хотирлаганида кўзига ёш олади:

– Ўша кунни тунда радиодан кўчага чиқмаслик тўғрисида қайта-қайта огоҳлантиришлар берилган, – дейди у. – Эрта-лабгача отишма бўлган. Ёшман, тушунмаганман, дарс қолдирмайин деб, институтга йўл олганман. Йўл бўйларида

ўликлар: боладан тортиб, каттагача. Ёнмаган уй йўк. Карахтман. Гурух раҳбаримиз ҳаммамизни тўплаб, хонадан чиқармай ўтирган. Йигирма беш нафар талаба икки кун домламизнинг шаҳар четигаги уйларида турганмиз. Кейин эса ҳаммамизнинг уйимизга қўнғироқ қилиб, оталаримизни чақириб, шаҳар ташқарисига «Москвич» машиналарида битталаб ташиб, топширганлар. Ўн кундан сўнг яна ўқишга қайтганмиз. Домламиздан эшитганимиз, бу ерга шахсан Биринчи Президентимиз келиб, вазиятни ўнглаган эканлар.

Дарҳақиқат, Президентимиз ҳар қандай оғир ҳолатларда ҳам одиллик, босиқлик, сабр ва матонат билан иш тутиб, халқ ишончини, меҳрини қозонганлари бежиз эмас.

1999 йилда «Халқ сўзи» газетасига берган интервьюларида: «Бир пайтлар «Энг катта орзуингиз нима?» деб сўрашганда, «менга ишонган халқни доим омон кўриш», деб жавоб берган эдим. Бу гапимни бугун яна такрорлашим мумкин. – Зеро, энг катта бойлигимиз – юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги», – деган эдилар.

Биринчи Президентимиз фидойи, жасоратли, айна дамда меҳрибон, ғамхўр боғбон каби эдилар. Ўзбекистон улкан боғ бўлса, унинг ҳар бир дарахти шохи, новдаси, япроқларига меҳр, қалб кўрини бериб, гуллаб-яшнаши учун чорак аср давомида балою офатлардан омон сақлаб келган бу буюк Инсоннинг матонати, шижоати олдида таъзим қиламан.

Ислон Каримовнинг барча асарлари каби ушбу янги китобларини ҳам синчиклаб ўқишимиз, маъзини чақишимиз, тегишли хулосаларни чиқаришимиз зарур. Зеро, тарихга айланган ўша долғали кунлар, йиллар, воқеалар ва ўтган 25 йиллик муддат бизни ўйлашга, бугунги тинч, дориломон кунларнинг қадрига етишга, Ўзбекистондай жаннатмонанд Ватанни севишга, қадрлашга ўргатади. Ҳамиша хушёр ва огоҳ яшашга ундайди.

Донишмандона битилган асарда ҳикмат даражасидаги фикрлар борки, уларни ўқиган, ҳаёти давомида амал қилган ва фарзандларининг онгу шуурига ҳам ана шуларни сингдира олган инсон ҳеч қачон ютқазмайди.

«Ватанпарварлик – бу шундай нозик, теран бир туйғуки, у фақат она сути билан кириши ва жон билан чиқиши мумкин», «Бу дунёда одам фақат қорин тўйдириш учун яшамайди. Одам, аввало, одам эканини амалда намойиш қилиши керак», «Бировга яхшилик қилган одамга, албатта, яхшилик қайтади, ўзига қайтмаса боласига, набираларига қайтади», «Умр мазмуни қилинган эзгу ишлар ва яхшиликлар билан ўлчанади», «Иймонли, иродали халқ ҳеч қачон ўз тарихи, ўз Ватанига бепарво бўлмайди. Ҳеч қачон ўз ота-онаси, авлод-аждодларидан қолган фазилатларни унутмайди», «Тарихни унутган, ундан тўғри хулоса чиқариб яшамайдиган халқ донмо йўлидан адашади», «Тарихни унутган халқ, жамият ўз йўлини йўқотади. Бундай халқ ва жамиятнинг келажаги йўқ», «... Халқ қачон халқ бўлади – агарки бир-бирига меҳрли, меҳр-оқибатли бўлса», «Қасб ўрганган, илм ўрганган киши, ўзбекона айтганда, ҳеч қачон кам бўлмайди. Бировнинг қўлига ва юзига қараб яшайдиган инсон ва давлатнинг озодлиги бутун бўлмайди, мустақиллиги тўлиқ бўлмайди. Ҳаётнинг шафқатсиз қонуни шу: фақат ўз куч-қудратига ишонган халқгина мурод-мақсадига етади», «Ҳаётда мақсадга эришиш ҳеч қачон осон бўлмаган. Эй, бизга шу ҳам бўлаверади, деган фикр билан яшайдиган одам, билиб қўйинглар, ҳаммамизнинг душманмиздир».

Мустақил ўзбек давлатининг асосчиси, бугун дунё тан олиб, ҳавас қилиб турган Ўзбекистондай келажаги буюқ давлатнинг Биринчи Президенти, кенг тафаккур, бедор қалб эгаси – Ислом Каримовнинг юқоридаги каби фикр-мулоҳазалари, юракдан айтилган оташин сўзлар шу халқ, шу жонажон юрт, унинг эртаси, бахту икболи тўғрисида қайғуриш, куюнчаклик фазилатлари қалбларимизда акс-садо беради. Юракларимиз Ватанга чинакам муҳаббат, фидойилик, дахлдорлик туйғуси билан тўлиб-тошади. «Мен Ўзбекистон

фуқаросиман!» деган ғурур, фахр, ифтихор кўнгилларингизни осмон қадар юксалтиради.

«Ҳеч бир ишда тойилмасдан, айни пайтда сусткашликка йўл кўймасдан, фақат ва фақат ўзимизнинг кучимизга ишониб, таяниб яшашимиз керак. Ана шунда биз, албатта, ўз мурод-мақсадимизга етамиз» (ушбу асарнинг 96-бети).

Ким бўлишдан, қаерда, қайси касб-хунарда ишлашимиздан қатъи назар, баҳоли қудрат ўз салоҳиятимизга таяниб, бизга, халқимизга мана шундай тинч, озод, эркин ва бахтли-саодатли яшаш, орзу-мақсадларимизни рўёбга чиқариш, фарзанд, набираю эвараларимизнинг камолини кўришдек ҳаётни инъом этган Мустақилликка шукроналар келтириб, уни мустақкамлаш, тинчлик осойишталигимизни асраш, халқ фаровонлиги, Ватан тараққиёти йўлида ибрат кўрсатиш, шунинг ўзи катта бахт, ҳам фарзандлик, ҳам фуқаролик бурчи эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Дунёда юртлар кўп, одамлар ҳам. Бироқ Ўзбекистон улар орасида ўхшаш йўқ, бетакрор, ягона. Одамлари – аждодларига муносиб мард, олижаноб, шижоатли. Биз ана шундай юртда яшаб, меҳнат қилиб, дунёни ҳайрат ва ҳавасга солиб, буюк келажагимизни бунёд этапмиз. Юксак марраларга эришяпмиз. «Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» китоби эса кенг қамровлилиги, миллий тафаккуримизни бойитиши, тарихимизни ҳаққоний ифода этиши, босиб ўтилган 25 йилдаги қийинчиликлар, машаққатлар, ютуқларимизнинг аниқ мисоллар асосида равон, содда, ўқимишли тарзда баён этилиши, борар манзилимиз, тараққиёт йўлимизни йўлчи юлдуздек кўрсатиб бергани билан ниҳоятда қимматли, бебаҳо хазинадир.

Китобга қайта-қайта мурожаат қилган, хулосалар олган, амалий фаолиятда унга амал қилган инсон ҳеч қачон адашмайди. Иймонди бут, эътиқоди мустақкам бўлади.



## БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТГА СЎНГГИ МАКТУЪ

*Мухтарам Ислам Абдуғаниевичнинг босиб ўтган умр йўллари, мустиқилликимизни ҳамоя қилиши ва мустақкамлаш борасидаги хизматлари барчамиз учун, шу жумладан, мен учун ҳали энг ёрқин тибрат намунаси ва катта ҳаёт мактаби бўлиб қолади. Буюк устозимизнинг сиёсий мероси, у киши белгилаб берган тараққиётимизнинг асосий тамойиллари, устувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш – биз учун ҳар қарз ҳам фарздор.*

**Шавкат Мирзиёев,**  
*Ўзбекистон Республикаси Президенти.*

**Мухтарам Биринчи Президентим! Азиз Отажон!**

Таваллуд кунингизда, янги китобларингизни ўқиганда, маърузаларингизни тинглаганимда кўнглимдаги фикрларимни билдириб, муборакбод этиб, мактублар йўллаганимда Сиздай Отамиз борлигидан чексиз қувонар, фахрланар, «Дунё тургунча туринг!», дея дуолар қилардим. Афсус, ҳаёт, барибир, бешафкат экан. Машъум хабардан эсанкираб қолдим. Кўзимда шашкатор ёш, қалбим қутилмаган мусибатдан кайғуга тўлган. Қачи эли, эшитганларимнинг бари ёлғон бўлиб чикса. Жудолик ниҳоятда оғир. Айниқса, Юрт Отасидан айрилиш...

Сиз, инсон – дунёвий неъматлар ичра улуғи, у хур ва озод, тинч ва осойишта, бахтли ва саодатли яшаш керак, дея қайта-қайта таъкидлар эдингиз. Бундан росша-роса 25 йил аввал ана шу улуғ мақсадни, ота-боболаримизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқардингиз. Осон бўлмаганини, турли тўсиқлар, кийинчиликлар, таъйиқ, тажовузларни енгиб ўтганингизни ҳам яхши биламиз.

**«Бировнинг қўлига ва юзига қараб яшайдиган инсон ва давлатнинг озодлиги бутун бўлмайди, мустақиллиги тўлиқ бўлмайди. Ҳаётнинг шафқатсиз қонуни шу: фақат**

Ўз куч-қудратига ишонган халқгина ўз мурод-мақсадига етади», – деган эдингиз.

Бугун борлигингизни, умрингизни бор билим, салоҳиятингизни, меҳр-муҳаббатингизни баҳшида қилган буюк мақсаднинг – Мустақилликнинг самарасини кўриб турибмиз. Сиз белгилаб чиққан тараққиётнинг «Ўзбек модели»ни бутун дунё эътироф этмоқда, ҳавас қилмоқда.

Ким эдик? Зулмат ичра қолган, эзилган, тобе халқ ўзлigidан маҳрум, тилидан, динидан, қадриятларидан мосуво бўлган, меҳнат қилиб, роҳатини кўрмаган, пахта экиб, бир ховучини олишга ҳадди сиғмаган, ўз ерига ўзи эга бўлмаган, саводсиз, ёввойи деса, бош эгиб турган мазлум эл эдик-да!

Ким бўлдик? Бугун ўзбек миллатини, Ўзбекистон аталмиш мустақил давлатни дунё таниди. Ҳавас қилди, хайратланди, тан берди.

Мустақиллик туфайли ота-боболаримиз кимлигини, улар дунё тараққиётига улкан ҳисса қўшганликларини ва бугун ана шу буюк аждодларга муносиб ворислар яна дунёни хайратга солаётганини кўриб турибмиз. Буларнинг барчаси – эришилган ютуқлар, жонажон Ўзбекистонимизнинг дунё рейтингларида барча соҳаларда нуфузли ўринларни олаётгани Сизнинг тўғри, одилона сиёсатингиз, оқилона ислохотлар самараси эмасми?

Бу йил Мустақиллигимизнинг чорак асри нишонландиган муборак кунни ўзгача иштиёқ, орзулар билан кутдик. Ана шу кунларда Риодаги жаҳон олимпиадасида ўзбекистонлик спортчиларимизнинг эришган ғалабаларидан бошимиз кўкка етди. Давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида кўзларимиздан севинч ёшлари қуйилди, қалбларимиз ғурурга тўлди.

Айём арафасида Сизнинг халқимизга республикамиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан йўллаган табригингизни ўқиб, дилларимиз яйради, қувондик, рухландик.

Кўплар қатори менга ҳам туманимиз ҳокими Сизнинг номингиздан «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик

нишонини топширганларида бошим кўкка етди. Она юртимга, халқимга, Сизга – Президентимга умрим борича садоқат билан хизмат қилишга, ишончни оклашга ваъда бердим.

Ана шу миннатдорчилигимни, мустақиллик учун, мана шу озод, бахтли, тинч ҳаёт учун, барчаси учун ўз раҳматимни билдириб мактуб ёзмоқчи эдим. Афсуски, машъум хабардан эсанкираб қолдим.

Биз сизга шу қадар боғланиб, ўрганиб, ишониб, таяниб қолган эканмизки, бир зумда бу олам бўм-бўш хувиллаб қолгандай бўлди. Кўнгиллар вайрон, кўзларда ёш – лекин ишонгимиз келмайди.

Кекса бир отахоннинг суратингиз қаршисида «Отамлаб йиғлаганини, «Жон керак бўлса, меникни олмасмидинг, Оллоҳим», деганини эшитганимда, атрофдаги барча кексаю ёшнинг аччиқ кўз ёшларини кўрганда, англадимки, Сиз – Оллоҳ бизга берган чинакам Ота, соябонимиз, тоғдай таянчимиз, умид, ишончимиз экансиз.

Барча вилоятлар катори, Наманганга ҳам алоҳида эътибор билан қараганингизни, «Наманганни ҳақиқий Наманган қилган унинг кўпни кўрган, меҳнаткаш ва пок ниятли халқи», дея эътироф этганингизни ҳам биламиз. Бугун вилоятимизда 2016-2019 йилларга мўлжалланган дастур доирасида умумий қиймати 5 миллиард доллар бўлган 250 дан зиёд лойиҳани амалга ошириш борасидаги яратувчанлик ишлари самараси шаҳар ва қишлоқларимизнинг янги қиёфасида яққол кўзга ташланмоқда. Дунё мўъжизаларидан бири сифатида тилга тушган халқаро аҳамиятга эга Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўлнинг ишга туширилиши ҳам, хонадонларимиздаги файз-барака, юртимиздаги тинчлик, одамларимиздаги кўтаринки кайфият, эртасига бўлган чуқур ишонч, фарзандларимиз камоли барчаси Сизнинг ҳаловат нималигини билмай, элим деб, юртим деб ёниб яшашингиз, фидойилингиз туфайлидир.

«Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир» асарингизда: «Эл юрт

ишончига муносиб бўлиб, олдимизда турган буюк мақсадлар учун, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятимиздаги обрўси ва нуфузини юксалтириш йўлида ўзини бахшида қилиш, вақти келганда, Ватанимизни янада раванқ топтиришда менинг ҳам қўшган хиссам бор, деб мамнун бўлиб, рози бўлиб яшаш – бу чинакам бахтдир», – деган эдингиз.

Инсон деган шарафли номни улуғлаб, кадр-қимматини осмон қадар юксалтирган, мана шундай тинч, осуда ҳаётни, фаровон турмушни ҳаёда этган Мустақиллигимизни улуғламаслик, Ўзбекистондай жаннатмонанд юртни севмаслик, унга фидойилик билан хизмат қилмаслик мумкинми?

Бугун – дунё нотинч. Ўз киндик қонимиз тўкилган шу азиз Ватанни, ота-боболаримизнинг табаррук ҳоклари ётган муқаддас заминимизни, тинчлигу, осойишталигимизни, фарзандларимизнинг ёрқин келажагини таъминлаш учун ҳам ҳар биримиздан янада масъулиятлироқ, янада сезгир, ҳушёр ва огоҳ яшаш талаб этилади. Сиз доимо такрор-такрор таъкидлаганингиздай: «Бизга тинчлик ва омонлик керак. Бу – ўзбек халқининг истаги, бу – ўзбек халқининг мақсади, бу – ўзбек халқининг қароридир».

Жудоликка кўникиш қийин бўляпти. Бироқ Сизнинг: «Эзгу мақсадларимизга етиш учун белни қаттиқ боғлаб, меҳнат қилмасак, ўзимизни қийнамасак, эртага ҳаёт бизни қийнайди. Бу бешафқат ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик керак», – деган сўзларингиз ёдимизда. Бир пайтлар ким эдигу, ким бўлдиқ? Буни унутмаган ҳолда ота-боболаримиздан мерос Ватан қадрини чуқурроқ англаб, унга муносиб бўлиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, келгуси авлодга озод, обод, эркин ва фаровон Ватанни қолдириш зиммамиздаги энг олий мақсад, қарз ва фарз эканини яхши биламиз.

Сизнинг ҳар бир сўзларингиз, фикр, ўғитларингиз биз учун ҳамма вақт – ҳаётимизда ҳам, фаолиятимизда ҳам

қўлланма, дастур бўлиб хизмат қилади. Яна бир гапингиз ёдимизда: «Ўзлигини англаб етган, калбига қулоқ солган ҳар бир инсон ўзига, мен бу фоний дунёда нима иш қилдим, яна қандай ишлар қилишга вақтим ва қурбим етди», – деган саволни бериши керак.

Биз Сизни асраёлмадик. Эли учун, юрти учун чинакам фидойиликнинг тимсолини Сизда кўрдик. Биз Сизга эргашамиз, Сиздан ўрганамиз. Ўзбекистоннинг кексаю ёшига бор меҳрингизу муҳаббатингизни бердингиз. Сўнгги нафасингизгача шу эл, шу юртни деддингиз. Сиздай доно, узокни кўра олувчи, раҳбар, ғамхўр, меҳрибон Йўлбошчи – Отамиз борлигидан фахрланардик, гурурланардик. Энди бу йўқотиш ўрнини тўлдириб бўлармиди?

Сизни ҳеч қачон унутмаймиз. Доимо соғиниб яшаймиз. Сиз бошлаган йўлдан оғишмай борамиз. Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида сидқидил меҳнат қиламиз. Ўзбекистонимизни бундан-да гуллаб-яшнашига, Сиз ният қилган – буюк мамлакат бўлишига, албатта, эришамиз.

Сизга бўлган садокатимизни, ҳурматимизни биз ўз сўзимиз, фидойи меҳнатимиз билан кўрсатамиз.

Рухингиз ҳамиша шод бўлиб, бизларни қўлласин, Отажон!

*3 сентябрь, 2016 йил.*

*Маънавиятни тушунмиш, англаш учун,  
аввало, инсонни тушунмиш, англаш керак.*

Ислом Каримов

## КЎНГИЛ ДАРАХТИ

### Йўқотилган дўст

Оқшом пайти эрининг оғзи кулоғида кириб келаётганини кўриб, Салимахон шошиб қолди:

– Ҳа, дадаси, нима гап, тинчликми?

– Э, асти сўрама. Тинчлик ҳам гапми? Олтин топдим, олтин! Тез бўл, янги қудангникига бориб келамиз. Мен оқликни олиб келдим!

– Нималар деяпсиз? – Ҳайрон бўлди Салимахон. – Қанақа куда? Қанақа оқлик! Ахир фотиҳа куни белгиланган бўлса. Сиз бўлса кун бўйи бамайлихотир қаерларда юрибсиз?

Салимахон аста келиб, эрининг ёнига ўтирди:

– Тушунтириброк гапиринг...

– Гап шу, – деди Икромжон. – Бугун бозорда эски бир танишимни учратиб қолдим. Кўярда-қўймай уйига олиб борди: ана уйу, ана яшаш! Даҳшат! Оғзинг очилиб қолади. Яккаю яғона кизига гап йўқ. Ўғлимизга узукка кўз қўйгандай мос тушади...

– Қўйинг-э, Комилжон қадрдон дўстингиз... Тўйга таклифномалар тарқатилган бўлса... Эл-юрт нима дейди?

– Ким нима деса десин... Қиз ўғлимизга ёқмаяпти, - деймиз - қўямиз...

– Бўлмайди, – деди Салимахон. – «Ўтмишингни унутма, эски чоригингни қуритма», деган гап бор. Эсингиздан чиқдими, миллионларга тушиб қолиб, уйингизда ейишга, ҳатто, нон тополмай қолган кунларимизда ким қор келгани!

Ўша кунларда Комилжон шўрлик икки оилани боқди. Сизга иш топди. Оёққа турдингиз. Энди, боққанни қорнига теп, дегандай эл ўртасида шарманда қиласизми? Тўй харажатиغا туширасизми? Инсофдан эмас. Дўстингиз бошини қандай кўтариб юришини ўйлаб кўрмадингизми? Ахир, одамлар, бир гап борки, қизини олмай, ташлаб кетибди, демайдимиз?

– Э, жаврайверма, ақл ўргатиб. Гап тамом. Биласанми, гап нимада?

Икромжон хурсанд илжайди: «Келин эшигингдан яп-янги «Нексия» билан кириб келади».

– Нима энди, шу машинани деб бир умрлик кадрдонингиздан воз кечасизми?

– Кўй ҳадеб, дўстингиз, дўстингиз, деяверма! Ҳозирги замонда дўст қолдимиз? Пулинг бўлса, кадамингда дўст. Сен ҳаётдан орқада қолгансан-да, хотин. Ҳозир асосийси – одам эмас, пул! Тушунапсанми? Пулинг кўп, бой бўлсанг – ҳамма сенга салом беради. Йўқ бўлса, ҳатто, қариндош-уруғинг ҳам танимайдиган замон...

... Тўртта уй тўла жиҳоз, буюм, ҳатто, бола-чақасига етиб ортадиган бисот билан келин келди. Дарвозахонада – «Нексия». Икромжон терисига сиғмасди: «Шунча давлат-а!»

Афсус, у шу топда энг катта ва ноёб бойлиги – кадрдон дўстини йўқотганлигини хаёлига ҳам келтирмаётганди...

## Ор

Тўй авжида... Кўчани тўлдирган машиналарнинг, олиб кирилаётган тўёнларнинг ўзиёқ тўй эгасининг каттароқ лавозимда ишлашидан шохидлик берарди.

– Солиҳжон, тўйлар муборак энди!

Меҳмон мезбон билан кучоқлашиб, ўпишиб кўришишди. Солиҳжоннинг чўнтагига «тўёнаси»ни солиб қўйди.

– Отахон ва онахонга ҳам атаганим бор, қўтлаб қўяй. Биринчи набиралари уйланыпти ахир. – Меҳмон гапини тугатолмади.



– Тўғриси, уларни тўйга айтмадим. Маросимлар ўтгач, олиб келарман, – деди Солиҳжон. – Ўзингиз тушунасиз-ку, бу давраларга тўғри келишмайди. Ҳар ҳолда кишлоқ билан шаҳар ўртасида еру осмонча фарқ бор. Улар анча қариб, букчайиб қолишган. – Сўнг овозини пастлатди. – Аниқроғи, уларни ота-онам деб таништиргани уяламан, узр, – деди ва кетма-кет келиб тўхтаган икки «Ласетти»дан тушаётган меҳмонларни кутиб олиш учун қадам ташлади...

Меҳмон ғалати аҳволга тушди. Тўйхонадан чиқиб кетишни ҳам, уйга киришни ҳам билолмай, қарахт бўлиб қолди.

Ахир, сени дунёга келтирган ким? Шу даража-ю мартабаларга эриштирган-чи?! Албатта, икки улуғ зот – ота-онамиз-ку! Наҳот, одам боласи ўз ота-онасидан ҳам уялса, ор қилса!

Наҳот одам боласи энг яхши амал ота-онага яхшилик қилиш эканини билмаса. Хадисларимизда бежизга айтилмаган: «Парвардигорнинг розилиги ота-она розилигидадур. Парвардигорнинг ғазаби ота-она ғазабидир».

Меҳмон чол-кампирини яхши танирди, бир бурдагина бўлиб қолган икки қарияни кўз олдига келтирдию томоғига нимадир тикилиб, димоғи ачишди, кўзларига ёш келди.

– Ие, ҳалиям шу ердасиз? Қани ичкарига. Катта акахон келганлар. Ёнларига киринг, – деди Солиҳжон меҳмонга.

– Албатта. Ҳозир. Ҳозир...

Меҳмон аста сирғалиб, кўчага чиқди. Енгил тин олгандай бўлди. Машинага ўтириб, жўнаб кетди.

## Жигарлар

Бир куни азонлаб қўшни ҳовлидан бақир-чақир овозлар эшитилиб қолди.

– Ҳе оқибатингга ўт тушсин. Жигарчилик ҳам шунақа бўладими?

Хотин қарғаб-қарғаб йиғларди:

«Олиб чиқиб беринг. Янгангиз ҳеч қачон тўймайди».

– Гап янгам-да эмас, акам-да, хотин. Бунча бақирасан.



... Уйда ун тугапти. Хотин эрига айтиб, овсиникидан бир коп буғдой олдириб чикди. Тўлашга эса пули бироз камиди: Аслида-ку, акаси – фермер. Икки уй тўла буғдой. «Шунча хосил олдим. Ука, бола-чақанг билан қарашдинг, мен розиман, пул ҳақида ўйлаб юрма», деса бўлаверади.

Лекин ... Орадан икки кун ўтгач, ака боласини укасиникига чиқарди.

– Буғдойни олиб чиқиб беринг экан. Пулингиз бўлган куни олар экансиз, амаки.

Улар бир кориндан талашиб тушган, бир кўрпада тепишиб катта бўлган, бир дастурхондан еб-ичиб улғайган жиғарлар эди.

Қопдаги буғдойни аравага юклаб, акасининг уйига ташлаб қайтган ука ниҳоятда маъюс эди.

– Сендан илтимос, хотин, – деди у ниҳоят. – Акамни ҳам тўғри тушун, ахир улар ҳам катта рўзгор-да...

### ... Дардсиз кесак

... Икки дугона «Форд»да учрашиб қолишди. Манзура деганлари кўпроқ гапирарди. Ҳовли олгани, яна квартирага пул тайёрлиги, укасининг тўйига нақд икки миллионни сарфлаб қўйганини айтиб мақтанарди.

– Кеча келинни уйдан хайдадим. Онам ўртага тушганди, уришиб бердим.

– Нега? – сўради дугонаси.

– Эрталабда онаси билан телефонда ярим соат гаплашса бўладими? Касал эдилар, хавотир олдим, – дейди.

– Онангга айтадиган гапларинг шунчалик кўпайиб қолган экан, ўн кун ўтириб, гаплашиб кел, деб, хайдаб солдим. Кечирим сўраб, йиғлаганини кўрсанг... Сочидан ушладим-да, кўчага чиқариб қўйдим. Кўшнилариинг томоша қилганиничи. «Кўриб қўйинглар, айтганини қилмаган келиннинг аҳволини», дедим. Биттаси аралашувди, оғзига урдим: «Аввал ўзингизнинг келиннингизни тўғри йўлга солинг, кейин менга ақл ўргатинг. Ҳаққим бор, хайдайманми, ураманми, раҳм-

шафқат зиламанми — чулки тўйга пул сарф қилиб, ўзим олганман. Бу ландовур укам келиб-келиб шунни топибди. Қиз куриб қолгандай... Бирам мулозамат қилади-ей. Онамнинг оғзини пойлаб туради: «Менга нима иш буюраркинлар», деб. Ажаб қилдим. Сал эгволмасанг, бошпанга чижиб кетади...

Қадр-қиммат, меҳр-окибат қаби тўйғуларни пул билан алмаштираётган Манзуранинг гаплари йўловчиларга ёкмаётгани сезилиб турарди...

## Улуғларимиз

Инсонни энг улуғ, мукаммал зот сифатида кадрлаган, унинг бахтли-саодатли хаёт кечириши йўлида жон куйдирган Ҳазрат бобомиз Алишер Навоийнинг қомил инсон тўғрисида қайғурганлари, элга, юртга наф етказиш йўлида кўрсатган жонбозликлари, Заҳриддин Мухаммад Бобурнинг киш чилласида аскарлари билан қордан девор қилиб, тунни ўтказганлари, навкарлар ўзи учун тайёрлаган алоҳида жойга ёши улуғ саркардаларни киритгани — Улуғларимизнинг инсонни юксак даражада кадрлаганларининг ёркин ифодаси эмасми?

Француз ёзувчиси Марсель Брион «Менким, соҳибқирон — жаҳонгир Темур» асарида ёзишича, Деҳлидаги жангларда бобомиз Амир Темур яраланиб, кўп қон йўкотади. Табиб қон ўрнини тезроқ тўлдириш учун қаймоқ топиб, ичиришни буюради.

Амир Темур қосада келтирилган қаймоқни эндигина кўз очган ярадор жангчисига ичиришни буюради.

Яна бошқа қаймоқ келтиришади.

— Булар-чи, — дейди у ётган аскарларига қараб. — Улар ҳам кўп қон йўқотишган.

— Қаймоқнинг таги йўқ, — дейди ғулом. — Шунини сизга зўрға топдик. Ичмасангиз бўлмайди. Ётиб қоласиз.

— Буйруғимни етказ. Бу махсулотдан имкони борича аўпроқ топиб, беморларга ичиришсин.

Сўнг табибни чақириб, тайинлади: «Беморларга айт, уларга ҳозир қаймоқ олиб келтиришади».

Бобомиз айтганларини адо этишга киришганларидан сўнгина қаймоққа қўл урган эканлар.

### Афсуски...

Бугун мерос талашиб, турмуши бузилиб, қайтган сингилни кўчага ҳайдаётган акани, ўз ота-онасининг қотилига айланган ўғилни, фарзандлари тақдирига лоқайд оталар, оқибатсиз опа-сингиллар, пул ундириш учун ногирон фарзандини судга берган кексани кўрганда қалбингиз оғриқдан зиркирамайдими?

Беихтиёр ҳайқиргингиз келмайдими:

— Одамлар! Қаёққа кетяпсиз? Кўзингизни очинг. Аслида дунёнинг устунлиги ҳам кўнгил дарахти илдизларига қон каби оқиб ҳаётбахш этувчи оқибатнинг борлигидан эканлигини унутдингизми? Яқинларингиз, дўстларингиз меҳрисиз яшай оласизми? Лоқал оддий жонзотларнинг бир-бирига бўлган муносабатидан ибрат олсак бўлмайдими? Бойлигини кўз-кўз қилиб, инсон кадр-кимматини оёқ ости қилаётганлар эса дунёни забт этган шоҳ Искандарнинг қўли бўм-бўш кетганлигини бир зумгина эслашлари кифоя. Энг муҳими, инсон инсонийликдан, қалб гавҳари — маънавий бойликдан жудо бўлмасин.

Кадр-киммат, оқибат ўлмасин! Кўз-кўзлардан ҳамиша самимий муҳаббат ҳисларини илғаб олсин. Тилимиздан чиққан ширин калом қалбларимизни меҳр нури билан мунаввар этсин! Инсон инсонга ғаниматлини ҳис қилиб яшайлик. Ана шунда бу ёруғ олам кўзларимизга янада файзли ва гўзал, Ҳаёт тоғли туюлади.

*Қўлингни бер, қўлингдан тутай,  
Олис манзилларга бирга етайлик.  
Ҳаёт деб аталмиш улкан кемада,  
Қайғую шодликни бирга тотайлик.*

## КЎКСИНГИЗДА ОЙ БАЛҚСИН

Ҳазрат Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида айтилишича, шоҳ Искандар ўлими олдидан: «Кўлимни тобутдан ташқарига чиқариб кўйинглар, токи, жаҳонни эгаллаган бу кўл дунёдан куруқ кетаётганини одамлар кўрсин», – деган экан.

Бу гаплар барча учун сабоқ, албатта. Бироқ яна елиб-югурамыз, бойлик орттириш, бировдан манфаат кўриш пайдан бўламиз. Дабдабали уйлар қуриш, тўйлар қилиш, шухратга эга бўлиш, фалончи, деган номга эришиш йўлида ҳеч нарсадан тоймаймиз. Тийиксиз нафс гирдоби бизни не кўйларга солмайди дейсиз?! Оқибатда эса меҳр-оқибат, мурувват каби туйғулар унутилиб, ақалли бир ўксик кўнгилни обод қилиш хаёлимизга ҳам келмайди. Байлик – бевафо, мансаб – ўткинчи, умр – ўлчовли экани ёдимизда турганида эди, инсондан қоладигани – эзгу иш, эзгу амал, эзгу ном экандигини, бир нафас бўлса-да, унутмаган бўлардик.

Инсонга ярашикли хислат – кенг феъллик, бағри кенглик, яхшиликка, эзгуликка интилиш ва ана шу яхшилик, эзгуликларни ўзгаларга ҳам раво кўриш.

Бироқ кўп ҳолларда бунинг аксига дуч келамизу дилларимиз оғрийди. Ана ўшанда беихтиёр: «Эй, инсон фарзанди, кўзингни каттароқ оч! Дунёга бок, ҳаммага жой етади. Ризқинг ҳам бўлак. Нега кўнглингнинг бир четида қора кўланка?» – дегинг келади.

### «Фойдаси тегмайдиган одам»

Байрам арафаси. Бемор, якка-ёлғиз, фахрий инсонлардан хабар олиш учун йўлга чиқиб, автомашинага ўтиришаётганда Самаджон раҳбарга эслатди:

– Адҳамжон отадан ҳам хабар олишни унутмайлик. Қуни кеча ўгилларини кўргандим. Ҳоллари анча танг эмиш. Ҳар ҳолда ота корхонамизда узоқ йил ишлаганлар.

– Яхши, – деди олд ўриндикда ўтирган бошлик, – хабар оламиз.

Шу куни бир неча хонадонда бўлиб, совға-салом улашиб, қайтишаётган чоғда Самаджон яна эслатди: «Адҳамжон отаникига кирмаймизми?»

Бошлиқ жавоб қилмади. Ҳайдовчи йиғитга машинани Комилжон ота хонадони томонга ҳайдашни буюрди.

– Бошлиқ, бу қанақаси? Комилжон ота корхонамизда ишламаган бўлса! Ахир, Адҳамжон ота, қадрдон ишхонамдагилар мени йўқлаб келишибди, дея суюниб қолардилар. Беш кунликлари борми-йўқми?

– Шунга айтаман-да, – деди бошлиқ. – Энди бу одамдан хабар олдик нимаю хабар олмадик нима? Бизга қандай фойдаси тегади? Ўғиллари ҳам бир тузукроқ жойда ишламаса. Комилжон ота эса бошқа гап. Жамоамизда ишламаган бўлса-да, ўғилларининг фойдаси тегади. Эшитмадингизми, катта ўғиллари Аъзамжон вилоятга кўтарилибди. Нуфузли ташкилотга раҳбар. Бир йўла уни ҳам янги лавозим билан табриклаб қайтамиз...

Самаджон чуқур «ух» тортди.

Эртасига тушда эса Адҳамжон отаникига таъзияга чақирдишди...

Таниқли устоз адиб Абдулла Қаҳҳорнинг шундай гаплари бор: «Одамнинг чикити бўлмайди. Биров тош, биров гул. Ўз ўрнида иккови ҳам керак».

### «Домлангиз шоир эмас»

Мактабга пойтахтдан таниқли ижодкорлар келишди.

Мактаб раҳбарларидан бири учрашув олдидан ўқувчилар билан суҳбатлашди.

– Шоир одамни танийсизларми? – деган саволни ўртага ташлади.

– Таниймиз, Пулатжон домламиз шоир. Шеър ёзадилар, – дейишди чуғурлашиб.

– Адашяпсизлар. Домлангиз шоир эмас. Ҳали китоби чикмаган, – деди ёнида турган ўқитувчига истехзо билан қараб. – Ҳозир ҳақиқий «тирик» шоирлар билан учраша-

сизлар. Саволлар берасиз. Ёд олган шеърларингиздан кўрмай, ҳаяжонланмай ўқинглар.

Шу куни ўқувчилар «тирик» болалар шоирлари билан учрашишди. Мулоқот кизгин бўлди. Барча хурсанд. Фақат бир четда шоир бўлолмаган домлагина гамгин турарди. Тил захридан юрагида пайдо бўлган жароҳат азоб бермоқда эди.

Эҳ! Ёзганларини жамласа, уч-тўрт китобга жой бўлади. Ҳали шу чоққача на туман, на вилоят матбуотида ёритилган шеърларига ҳеч ким ёмон фикр билдирмаган. Фақат уй-жой деди, орада болалар улғайди, уларни ўқитиш, уйлаш, узатиш, дегандай... Ўзи учун пул ортмади.

Энди эса шунча йиллик кадрдон раҳбаридан ана шу гапни эшитиб ўтирибди. «Тўғри домлангиз ҳам шоир, яхшигина шеърлар ёзади», деб кўя қолса, осмон узилиб ерга тушармиди?

«Кадр-кимматим шу бўлдими?» деган ўй туни билан унга тинчлик бермади. Бунинг устига яна алам қиладигани раҳбар даврани олиб боришни ҳар галгидек Пўлатжонга эмас, бошқа муаллимга топширди. Устидан бир пақир муздай сув ағдарилгандай жим қотган Пўлатжонга, ҳатто, эътибор ҳам қилмади.

Домлага қарийб ўттиз йил ишлаган кадрдон мактабдан кетиш оғир бўлса-да, ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзди...

### «Сиз шеър ёзманг»

... Чортоқ шаҳрида чоп этиладиган «Меҳнат байроғи» газетаси қошидаги ижодий уюшма машғулотларига қатнаб юрган пайтларим. Кўзга кўринган устоз шоирлар ижодга эндигина кириб келаётган қаламкашларнинг машқларини кўриб, маслаҳатлар беришади. Уюшмада «яхши» деб топилган ижод намуналари туман газетасида ёритишга тавсия этилади.

Ана шундай машғулотлардан бирида машқларидан ўқиб бераётган уюшма қатнашчисига шоирларимиздан бири:

– У ёғини ўқимасангиз ҳам бўлади. Ёзганларингиз шеър эмас. Сиз шеър ёзманг. Ўқинг, сиздан шоир чикмайди, – деб юборди асабийлик билан.

«Шеър» муаллифи аёл киши эди. Бирдан йиглаб юборди. Шунда раҳматли устоз Робиддин Исҳоқов босиклик билан: «Қизим, хафа бўлма. Ижодкор ўзи шунақа бўлади. Бир «пов» этадию ўчади. Бу шоир аканг нимадандир кайфияти бўлмайроқ турган экан-да! Аламини сендан олди. Аслида шеърларинг ёмон эмас. Камчилик ҳаммада бўлади. Айтмоқчи бўлган фикрингни билиб турибмиз. Катта-катта шоирларни ўқи. Тинимсиз машқ қил. Кўпроқ шеър ёдла. Эсингда тут. Қўлига қалам олган ҳар бир одамнинг шоир бўлиши шарт эмас. Аввало, яхши инсон бўлсин. Лекин ёзинг келса, ёзавер. Чунки дилида илҳом бўлган кишидан ёмонлик чикмайди», – деганлар.

Шу гаплардан сўнг ижодкор қизимизнинг чиройи очилганди.

### «Сенга ишонаман»

Халқ оғзаки ижодининг билимдони, профессор Малик Муродов ҳам ниҳоятда бағри кенг инсон бўлганлар. Қандай йиғин, тадбирлар бўлмасин, шогирдларидан бирига сўз берадиган бўлса, домла сўзловчининг исм шарифи олдига «профессор» сўзини кўшиб эълон қилар эканлар.

Шогирдлар: «Домла, одамни уялтирманг, залда ўтирганлар эътибор қилишмаса ҳам олимларимиз ҳали профессор бўлмаганимни билишади-ку. Устимдан кулиб юришмасин», – дейишса, домла:

– Қизиқ гапларни гапирасан-а. Эртами-кечми, албатта, профессор бўласан-да! Ўшанда айтдим нимаю ҳозир айтдим, нима. Мен сенга ишонаман, – дер эканлар.

Энди англасам, барча улуғлик мақомига эришган инсонларнинг кўксида ой балкиб тураркан. Қалбларидаги ёруғлик ҳеч қандай қора кўланкага ўрин қолдирмас экан. Улар ўзгаларни улуғлаб, яна-да буюклашиб бораверар эканлар... Шу боис улар бўлган давралардан файз, хушнудлик аримас, кўнгил боғлари завол топмас экан.

## «Уни ёмон кўрадим».

– Эшитдингизми, фалончи вафот этибди, – деди бир танишим.

– Бехабар қолибман. Таъзия билдириб келдингизми? – сўрадим марҳумга ачиниш билан. – Ҳали ёш эди.

– Унда, аза қаримайди, дейишади, ўтиб кела қолайлик. Яхши одам эди раҳматли. Қачон қарама, елиб-югуриб ишларди.

Танишимнинг юзи тундлашди.

– Бирорта шерик топа қолинг, – деди кетишга чоғланиб. – Мен уни ёмон кўрадим...

– Нега? – сўрадим ҳайрон бўлиб.

– Доимо омади чопарди...

Кўшнининг уйига ўт кетди. Ён кўшни куйиб, жароҳат олганига қарамай, важларини ташқарига ташлаш билан овора. Энг сўнгтисида темир сандиқни кўтарганида кафт терисию гўштларигача кўчиб чикди.

Орадан кунлар ўтгач, иккинчи ён кўшни ундан хабар олгани кирди.

– Кўшни, – деди у. – Мен сизни тушунмай қолдим. Сизга нима кунларни кўрсатгани ёдингиздан чикдими? Ҳатто кизингизни бадном қилишига бир баҳя қолди-ку! Сиз эса унинг важларини сақлаб қолдингиз. Бунинг устига аҳволингизни қаранг, гўё ёнгин сизникида бўлгандай. Мана, бир бор хабар ҳам олмабди-ку!

– Ҳечқиси йўқ, хафа эмасман, – деди жароҳат сабаб ётган кўшни. – Болалари ёш. Уларга ачинаман. Майли, Аллоҳ кўргувчи ва билгувчи. Мен уларга фақат яхшилик тилайман...

... Моҳон (Мари) ҳокими бўлган Алибек Жониқурбоний бобомиз Амир Темурнинг қўлига асир тушиб қолди. Унинг ўз қисматидан хавотирдалиги юз-кўзларидан кўриниб турарди. Чунки у бир пайтлар бобомизни аҳли аёллари билан бирга 62 кун зиндонбанд қилган эди-да.

Бироқ Амир Темир уни кўриб, ҳеч нарса бўлмагандай кучоқ очиб қарши олади. Бош-оёқ сарпо беради. Яхши от-



лардан бирини инъом этиб, амирлик мартабасига қабул қилади.

Ёки Муҳаммадхўжа Найман Шибирғон вилоятини босиб олиб, бобомизга қарши исён кўтарганида, Амир Темур уни жазоламади, аксинча, унга каттароқ вилоят бериб, ўзини содиқ мулозим қилиб олди

Бағрикенглик, кечиримлилик ана шундай улуғларимизга хос хислат. Яна бобомиз айтадиларки, «Яхшиларга яхшилик қил, ёмонларни эса ўз ёмонлигига топшир».

... Яхшигина, бообру инсон автоҳалокат туфайли оламдан ўтди. Таъзия куни хонадонга кўнғирок бўлди. Катталар азадор. Телефон гўшагини ўн ёшли кизчаси олди. Кўнғирок қилган кимса, шубҳасиз, уй соҳибини сўраган.

Қизча йиғлаб:

– Дадам ўлиб қолдилар, – дейди.

– Ие, оламдан ўтдиларми? Ростданми? Нахотки?

Гўшакдан кулгу овози эшитилади.

Ўша кизча бугун ўттиздан ошган. Икки фарзанднинг онаси. Йиллар ўтса-да, отасининг таъзияси кунидаги тошюрак кимсанинг бировнинг қайғусидан мамнунлигини билдириб қўйган кинояли овозини ҳали унута олмаган.

– Дадамдан айрилиш азоби бир бўлгану ўша куни телефон қилган юраги қора кимсанинг гаплари бир бўлган. Юрагимга унинг сўзлари туфайли етган жароҳат ҳамон битмаган, – дейди у.

Ҳа. Дунё кенг. Бирок кимлардир кимлар туфайлидир бу дунёда ўзини қисилиб кетаётгандай сезади. Ё йўлдан олиш, ё ёмонликни раво кўриш пайида бўлади. Аслида бир оғизгина илик сўз, жиндаккина меҳримизни берсақ, камайиб қолармидик?! Ахир, инсонмиз-ку! Ҳеч ким жамиятдан, жамоадан айро, ўзаро меҳр-оқибатсиз, кўмаксиз яшай олмайди.

Бирок ўзимизни барчадан билағон, ақлли, доно биламизда, ўзгалар тақдирига беписанд қараймиз. Осмонларда учиб юрамиз.

Водийимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бири Кўқондаги «Даҳмаи шохон», «Даҳмаи модарихон» қабристонларига

кўплаб улуғ инсонлар дафн этилган. Амир Умархоннинг қабрлари бир хужранинг остонасида экан. Айтишларича, халқ пойида ётишни амирнинг ўзлари васият қилган эканлар.

Инсон энг онгли мавжудот. Аслида ҳам шундай. Бирок чумолиларнинг бир донагина дон ёки ушокни биргалашиб, аҳиллик билан ўз уялари томон зўр бериб судраётганларини, самони тўлдириб учиб бораётган бир тўда қушлар галасини кўрганда бу мавжудотлар биздан-да онгли бўлса-чи, деган ўйга бораман.

Яна бир оппоқ тонг отди! Ҳаёт нақадар гаштли! Ишга отландингиз. Танишлар-билишлар: «Ассалому алайкум!» «Ва алайкум ассалом! Яхшимисиз!» Юзларда майин табассум, кўзларда самимият: «Борингизга шукур!»

Бундан ортиқ бахт борми?

## ЭЗГУЛИКНИНГ РАНГИ

### Ибрат...

Ҳар тонг оламини мунаввар қилаётган қуёшга, мева тўла шоҳларини силкитаётган ҳузурбахш шаббодага, жилдираб оқаётган зилол сувга, ҳуш исларини таратаётган гулу рай-ҳонларга, чуғур-чуғур қилиб учаётган қушларга эътибор қилганмисиз? Дунёга инсон бўлиб келганингизу мана шундай табиат неъматларидан баҳрамандлигингизга кўп бора шукроналар келтиргансиз, албатта.

Қалбида шукроналик туйғуси бўй чўзган инсоннинг ўзгаларга ёмонлиги бўлмайди. Пайғамбаримиз (С.А.В.) айтганлар: «Ҳаром нарсалардан коч, энг ибодатли одамлардан бўласан. Оллоҳ тақсим қилган ризққа рози бўл – энг бой одам бўласан. Ўз қўшнингга яхшилик қил, ҳақиқий мўмин бўласан, ўзингга раво кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўр, ҳақиқий мусулмон бўласан...»

Шу ўринда соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг, ҳатто, ўлдиришга қасд қилган кишиларга ҳам яхшилик билан муно-

сабатда бўлганларини, совға-иньомлар бериб, муруввату эҳсон кўрсатганларини ёдга олиш кифоя.

### Қадрнинг қиммати

У яхши инсон эди. Ғайратли, тиниб-тинчимас, ҳали қуёш тиг урмай ишга отланар, кўкда ёғдулар жилва қилгандагина уйга қайтарди. Баъзан аёли нолиб: «Уй сизга меҳмонхона бўлиб қолдию», дер, сўнгра эрининг аҳволини кўриб, раҳми келар, гапирмай кўя қоларди. Елиб-югуриб, ўзи ишлаётган корхона учун янги бино қурилишига рухсат олди. Кечани кеча, кундузни кундуз демади. Кўйлагини ечиб қўйиб, ишчилар билан баб-баравар лой қорди, ғишт урди, ишчи ўринларини кўпайтирди. Корхона ҳам ўз ўрни, нуфузига эга бўлди.

Хонадоннинг эшиги ҳамиша очик эди. Уйдан меҳмон аримас, ҳали у – ҳали бу илтимос билан келувчилар унинг ҳузуридан мамнун чиқишар, бирор маросим, тўй, йўриқ-йўсинларида ҳовлига одам сиғмай кетарди...

Яқинда ўша инсон тўсатдан вафот этди. Маҳалла-кўй уни иззат-ҳурмат билан сўнги йўлга кузатди. Лекин унинг ўрнида ўтирган корхона раҳбари – шогирди таъзияга келмади. Қайсидир йиғилишда экан.

Халқимизда: «Қорнимгамас, қадримга йиғлайман», деган ибора бор. Унинг замиридаги чуқур маъно моҳияти барчага аён. Ўз ҳурматини билмаган ўзгаларни ҳам қадрлай олмаслигини шогирд билганида эди...

### Юракдаги муз

... Чумоли буғдой донасини ҳарчанд уринмасин силжити олмайtir. Шу пайт ёнидан ўтиб кетаётган аввал биринчи, кейин иккинчи чумоли – кўплашиб буғдойни ўрнидан силжитишди... Қани эди, бизда ҳам ана шу митти чумолилардаги ахиллик, ғайрат бўлса?!

Минг афсус, айримлар вужудидаги яхшиликлар, эзгуликлар қалъаси – юрак ўрнини бир парча муз эгаллаб олган.

Бизни не-не умидлар билан дунёга келтирган ота-онани, ўз туғишган ини-сингилларимизни ҳам танитай қолаемиз.

Эрталаб бирров кириб: «Онажон, яхши ётиб турдингизми? – дея волидасини ҳолидан хабар олмаган, ўз тирикчилигини мункиллаб қолган қари отасининг елкасига юклаб қўйган ўғилларни ким деб аташ мумкин?

– Онам тузукларми? – сўрайди эр хотинидан.

– Милтиқнинг ўқидай. Борақолинг, ишдан кеч қолманг ...

Кунлар ўтаверди шу зайлда... Оёқдан қолган она ўғлининг дийдорига зор бўлди. Бир куни эса ... Она ўтирган пас-так, зах уйга кирдию...

– Онажон, кўзингизга нима бўлди? – сўради ўғил.

– Оғрияпти, болам, ёмон оғрияпти...

Юраги зил кетди йигитнинг...

Муштдеккина бўлиб қолган онасининг кўзидаги кирла-ниб кетган рўмолни олдию даҳшатдан қотиб қолди: Мижжалари қуртлаб кетганди... Жон ҳолатда югурди-елди лекин кеч бўлганди, қурт мияга етганди ...

«Ҳовли-жой меники бўлиши керак, меники». Йигит ўз жигарига пичоқ ўқталади.

... Ёш гўдаклари билан қайнота-қайнона уйдан ҳайдалган жувон аросат аталмиш йўлда қолади. Бир эмас, уч жон-а. ... Ахир янганнинг ортиқча томоққа эҳтиёжи йўқ: «Чикқан қиз чиғириқдан ташқари». Чорасиз аёл умрининг яқуни фожиа...

### Қалб куёши

Инсон беагаги пул, буюм эмас, балки унинг олижаноб фазилати, маънавияти эмасми? Ота-она, яқинларига нисбатан қалбида муҳаббат бўлган инсонда ўзи яшаб, нафас олиб турган шу заминга, шу Ватанга чинакам меҳр, садоқат туйғуси мужассам бўлади. Шу азиз Ватанни кўз қорачигидай ардоқлаган, унинг ташвишию шодлигига шерик бўлган, унинг равнақи йўлида жон куйдирган, элни деган инсонгина юксак маънавиятли қалб соҳиби бўла олади.

... Синдириб кетилган ниҳол учун жони ачимаган, маҳалладоши қайғусига ҳамдари бўлмаган, бировнинг ёнаёт-

ган уйини томошабин бўлиб кузатган, маҳалласининг боласи ёмон йўлга кириб кетаётганлигини кўриб, менга нима, қаби-лида иш тутаётган, қўшнисининг уйдан жанжал чиқса, кувонадиган одам одамми? Уни манқуртдан ўзгасига тенг-лаш қийин.

Яратган ҳар бандани, аввало, иймондан жудо қилмасин. Иймонлилик – ҳаёлиликдир. Покиза туйғулар, эзгуликлар мужассами – маънавиятдир.

Маънавиятнинг асоси қалбда, унинг бағрида, она қорни-даёқ илк майса янглиғ бўй чўзиб, заминга илдиз отиб, юксала бошлайдиган улуғ туйғу – Меҳрдир. Меҳрнинг эса ранглари кўп. Бу рангларда соғинч бор, бу рангларда Фидойилик, Садоқат мужассам. Бу рангларда ариқ бўйларида унган хуш исли ялпиздан юққан ҳайратдан дунё, ҳаёт деб аталмиш улкан уммонда яшамок сурури акс этган.

Дунёнинг кўзни олувчи ялтир-юлтирларига, ўткинчи хою ҳавасларига, мол-дунёга берилиб, инсонийликни унутиб, ҳатто ўз жигарларидан бир оғизгина ширин сўзини аяйдиган бандалар билишмайдики, умр – ўткинчи, дунё – бевафо. Ас-лида синов учун берилган бу ҳаётда инсон деган улуғ номга муносиб яшамок ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бир кун сизу биз босган излардан бошқалар ўтарлар. Бир шоир айтганидай:

Оташ эдик, охири сўндик,  
Тупроқ эдик, туфрокқа дўндик.  
Бировларни менсимасдик гох,  
Оёқ ости бўлмоққа кўндик.

Шу боис, бу ганимат дунёда сизу биздан қоладигани фақат – яхшилигу, эзгулик ва оқибат ...

Қалби қуёш янглиғ мунаввар маънавиятли инсон яқин-ларига, атрофдагиларига – барчага, жондан азиз Ватанига ҳамиша яхшиликни соғинади.

Қўшниси кўринмай қолса, йўқлайдиган, жигари хаста-ланса, ёнидан кетмайдиган, ота-она, устози дуосини оладиган, ўзгалар мусибатидан ғамга ботадиган, эл дардини, юрт

дардини ўзиники дея қабул қиладиганлар Оллоҳ ёрлақанган инсонлардир.

Оламдан кетар бўлсак, номимизни ёдлаб, яхши даврларда эслашсин.

Қалбларимиз бир боғ бўлсин: ниҳоллари – яшил, мовий кўкка интилган. Тиниқ-тиниқ сувлар оқсин анҳорларида. Кундуз куёш, тунда эса Ой аримасин унинг бошидан. Саховатдан, оқибатдан, эзгулигу муҳаббатдан дарс ўқишсин қушлари...

Дарҳақиқат, муқаддас ҳадиси шарифда айтилганидек: «Одамларга кенг қалбли бўлинглар, шунда одамлар ҳам сизларга шундай бўлурлар».

### Дунёга ғаниматмиз

Бироқ бу ҳақда ўйлаб кўряпмизми? Энг қимматли бойлик бўлмиш Вақт, Умрнинг кадрига етяпмизми? Ҳаётимизнинг мазмунли онларини эзгу, хайрли ишлар қилиб қолишга сарфляпмизми?

Тинч ва сокин оқаётган дарёни кузатганмисиз? Юзаки қараганда, у шундай. Аслида эса тубидаги шиддат билан кечаётган ҳаётдан беҳабармиз.

Ишга шошяпсиз. Ёнингиздан ўтиб кетган қўшнингиз негадир ғамгин кўринди. «Тинчликмикан? Э, менга нима! Ўз ташвишим етиб ортади. Ҳозирги замонда кимнинг ким билан иши бор!» Шу фикр кечди хаёлингиздан.

Қалби изтиробга тўлган, иссиқ-совуғингизда қор келадиган, пайти келса узоқдаги қариндошингиздан аввал ёнингизда турадиган қўшнингизнинг қайғу чўккан кўзларига боқиб: «Кўшни, нима гап? Ғамгин кўринасиз?» – деган бир оғизгина сўзингизни аядингиз. Ахир, қалбингизнинг бирон бир бурчагида меҳр-шафқат, оқибат деган туйғулар қолмаган бўлса, айб сиздами? Ахир у бегона-ку, нари борса, қўшни. Бир қориндан талашиб тушган жигарларнинг бир-бирларига кўрсатаётган «оқибат»лари олдида бу нима бўпти? Бари маш-машалар, уруш-тўполонлар, юз кўрмаслик, воз кечишлар

асосида – пул, бойлик, мерос ётади. Айнан, ана шу пул билан Мехрни ҳам сотиб олиш, ҳам сотиш мумкин!

... Аёлнинг юзларига барвақт соя солган ажинлар ... Кўзларидан дувиллаб тўкилаётган аччиқ кўз ёшлари ... Лекин уни ҳеч ким тушунмайди. Ҳатто, ўз жигарлари ҳам ...

– Эрими ўз иниси жанжал устида пичоклаб кўйган, - дейди аёл. – Мана шунга ҳам ўн йилдан ошди. Бунга ҳам чидадим. Лекин энди... Ўз туғишган синглим ўз еримга ўзим эгалик қилишимга йўл бермай, судма суд юришимга мужбур қилапти. Ахир ўша бир парча ер отасиз уч болани боқишим учун керак-ку! Синглим ўша ерни тортиб олиш учун, ҳатто, мендан ҳам воз кечди!

Ота-онам вафот этишганда ҳам шу қадар куйиб кетмагандим... Лекин тирик бўла туриб, юз кўрмас бўлиш оғир азоб, оғир...

### Инсон фожиаси

Мехрсизлик, оқибатсизликдан эканини кўпинча кеч англаймиз.

Ниҳоятда камтар, камсукум, ўз ишига фидойи муаллимни яхши билардим. У ўқувчиларини, мактабини жон дилидан севарди. Инсон учун оиласига, қадрдон жамоасига кераклигини ҳис этиб яшашдан ортиқ бахт борми? Бу туйғу уни яна-да кўпроқ ишлашга ундарди...

Ногаҳон соғлиги ёмонлашиб, ётиб қолди.

Оғрик хуруж қилиб қолганида дунё кўзларига тор кўришиб кетади. Кун бўйи «тик» этса, кўчага қарайди. Ҳамкасбларини, мактабдаги қайноқ ҳаётни кўмсайди... Ниҳоят, операция... Аҳволи ўнгангандай эди... Лекин ҳарорат... Ва яна операция... У жаррохлик столидан қайтиб кўз очмади.

Ана ўшандагина ҳамкасблар ўз ораларидаги яхши бир инсонни бир умрга йўқотганларини, унга меҳр кўрсата олмаганларини ҳис қилишди...

... Елдай учиб келаётган «Нексия»ни кўриб икки отахон ўзларини четга олишди. Афсуски, хавфдан қочиш қутулишининг иложи бўлмади. Ширакайф йигит ўз йўли четда қолиб,

айнан, ана шу кексалардан бирини анча жойгача судраб борди... ва кўздан йўқолди...

Чап оёқ суяқлари мажақланиб кетган ота узоқ ётди... Даволаниш учун кетган дори-дармон, унга сарфланган маблағ оилани танг ҳолга келтириб қўйди. Энг ёмони, оғрик исканжаси ва яна афсусланарлиси – уни шу кўйга солган йигитнинг бирон марта ёрдам кўрсатиш у ёқда турсин, бирров хабар олмагани.

... Бир куни азоб бераётган оёғини силаб ўтирган ота эшикдан важоҳат билан кириб келаётган кишини кўриб, сергак торғди.

– Ўғлим уриб кетган одам сенмисан? – писанда билан сўзларди у. – Мени танийсанми? Ҳов, қўлингдан нима келади? Ўлмайд қолганингга шукур қилмайсанми, аҳмоқ!

Тўғри, беш қўл баробар эмас. Дунёда яхшилар кўп. Шу боис ҳаётимиз мазмунли, турмушимиз гўзал. Ана шу гўзалликни асрай билиш учун қалбларимизда Меҳр-оқибат ниҳолларини ундирайлик! Маънавий қашшоқ бўлишдан Яратганнинг ўзи асрасин.

Биттагина ширин калом, биттагина майин табассум... ғариб кўнгилларга малҳам... Шундай экан, Инсон деган номга муносиб яшаш, бир умр виждон азобидан холис бўлишдан муҳими йўқ.

Зеро, дунё ҳеч кимга вафо қилмаган. Бугун сиз қилган савоб иш ўзингизга минг савоб бўлиб ёғилади. Бугун сиз солган кўприк, қазиган аригингиздан минглаб кишилар баҳраманд бўлади.

Улуг аллома Аз-Замахшарий айтганларидай: «Эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиларман деган ўйлардан воз кеч, шайтон йўлдан урадиган шошма-шошарлик билан эмас, тафаккур ва идрок билан иш тут».



## ЯХШИДАН БОҒ, ЁМОНДАН ДОҒ...

*Бу ҳикматда ҳаёт ҳақиқати муҳассам*

Борлиққа хуш бўй таратиб юз очаётган ғунча, гулдан гулга кўниб учаётган капалаклар... Кўп кузатгансиз, завқ олгансиз ва ногоҳ қизчасининг хархашаси билан тугилган капалак ва севгилисининг кўнглини олиш учун узилган ғунча... Улар ўзлари сезмаган ҳолда ғунчаю капалакка жабр қилганларини билишмайди, албатта.

Тўғри, бу ёруғ оламдаги барча неъматлар инсон учун. Бироқ Тангри яратган жонли, жонсиз, тилли, тилсиз – жамики неъматларнинг ўз ўрни, ўз вазифаси ва айни чоғда уволи борлигини унутмаслик лозим.

### «Сенга нима?»

Халқимизда: «Яхшига ёндаштир, ёмондан адаштир», «Яхшилик яхши, ёмонлик – тубаннинг иши», деган гаплар бор. Яхшилик инсонни эл ичра суюкли қилса, ёмонлик инсонни элдан чиқаради. Ҳазрат бобомиз Алишер Навоий айтганларидай: «Эл қочса бировдин эл ёмони бил они, ... Олам элининг ёмон-ёмони бил они».

– Кифоятхон уйдამисиз?

– Келинг, – деди Кифоятхон кўшнисини қарши олар экан.  
– Тинчликми?

– Э, сира айтманг, – деди кўшни аёл уҳ тортиб, – Кечагина касалхонадан тушишди. Бугун яна иситмаси чиқяпти неварамни. Аксига олиб, газни қаранг. Уй совук.

Телефонингиз ишлаётган бўлса, «Тез ёрдам»га кўнғирок қилиб беринг, деб чиққандим.

Кифоятхон ўнғайсизланди ва:

– Хабар олмабман-а, хафа бўлмайсиз. Ҳозирок чақириб бераман, – деди.

Кўшнисини кузатиб кирган Кифоятхон ёнбошлаб телевизор кўриб ётган эрига:

– Дадаси, анави газ сўргични олиб ташланг. Бизникида ёш бола бўлмаса, Манзурахоннинг ҳали чилласи чиқмаган невараси яна шамоллабди, – деди.

Эр хотинига қараб тўнғиллади:

– Сенга нима?

### «Ҳижолат»даги оқибат

...Кузнинг охирлари эди. Маҳалладаги келин қўшни хонадон дарвозаси олдига тоғорадаги ахлат уюмларини ағдарди. Бироздан сўнг хонадон бекаси – катта ёшли аёл ахлатни тўплаб, тоғорага солди ва уйига олиб кириб кетди.

Кейин билсам, аёлнинг ҳовлисидаги терак барглари ўша келин яшайдиган уй олдига тўкилар экан. Ахир, ҳазон ҳовлининг бир бурчагига жой бўлади-ку, дерсиз.

Албатта. Лекин «жон қўшни»лар ўртасида жиндай меҳр, жиндеккина оқибат етишмагач, наилож.

Ёмонликнинг катта-кичиги бўлмайди. Қўшнисининг уйи деворига қадар экин экиб, захлатаётган, кўзи очлигидан йўлдан ўмариб, уй солаётган, кўча ариғидаги сувга ахлат, мағзава ағдариб булгаётган кимсалар ҳам орамиздаги одамлар – сизу бизнинг қўшнимиз, таниш-билишларимиз. Эртасини эмас, фақат бугунини ўйлаб яшайдиган, ўзгага нафи тегса, жони чиқадиган бундай кимсалар яхшилик, эзгу иш ортидан келадиган улуг мукофотдан бебаҳрадилар.

Ана шу юксак, муқаддас туйғу Навоий бобомизни Ҳаж зиёрати учун тўплаган маблағларини халқнинг бир йиллик солиқлари (хирож) учун тўлаб юборишга ундаганини билсангиз керак.

Иккинчи жаҳон урушининг даҳшати ва у келтирган кулфатлар ҳали унутилмаган.

Қаҳратон қиш... Душманни қувиб бораётган жангчиларимиз носоз кўприкка дуч келиб, тўхтаб қоладилар. Ҳар дақиқа ғанимат. Ана шунда аскар йигитлардан бири қуролдошларига: «Ўтинглар!» – дея кўприк бўлиб беради.

Уруш тугаб, баҳор келганида эса бу ерда яшовчи аҳоли бориш-келишларига хизмат қилиб турган музқўприк ана шу мард жангчи йигитнинг жасади эканини билиб қолишади...

Бу гаплардан муддао нима? Инсон яхшиликка яралган. Ўртадаги меҳр сўнмасин, оқибат «хижолат»дан қизармасин. Эзгу, савоб амалларимиз қўпаяверсин.

### Ўзингники ўзагингни ўртаса...

Ёмон, албатта. Новдадаккина, озгин аёл. Кўзларидан шашкатор ёш қуюлади.

– Маслаҳат беринг. Бошим қотди, – дейди у. – Ўғлимга иш йўқ. Россияга ишлагани бораман, дейди. Мен эса кўрқаман, чунки отаси ўша ерда, қурилишда юк остида қолиб, оламдан ўтган. Ёлғиз шу боламга суяниб қолганман.

Эндигина 20 баҳорни қаршилаган бу йигит тиббиёт коллежини тамомлабди. Ишга жойлашишнинг иложи бўлмабди.

– Янгамнинг акаси шифохонада бош фельдшер, – дейди у. – Лекин бир пайтлар янгам билан акам ўртасида бўлиб ўтган совуқчиликлар учун ўғлимни ишга олгиси келмаяпти. Ҳозир яхши яшашади-ку ахир!

– Бош врачга учранг, – дейман унга.

– Йўқ, у ҳам олмайди, – дейди афсус билан. – Амалиётни шу ерда ўтаган. Диплом олиш учун шартнома керак экан. Бош врач шартномага қўл қўяётиб, «Келиб иш талаб қилмайсан», деган экан. Ўғлим, ваъда берган. У ерга бормайди.

«Меҳнат биржа»га учрадим. Аллақанча ҳужжат тайёрлаб, ташлаб қўйишимни, иш бўлса, чақиришларини айтишди. Югур-югурдан чарчадим. Ўғлим катта орзулар билан ўқишни тамомлаганди. Оқ халат кийиб, ишлашни жуда-жуда истаганди... Афсус... хафсаласи пир бўлди.

Халқимизда: «Дардсиз кесақ» деган ибора бор. Бундайларнинг ўзидан бошқа ташвишию ғами йўқ. Қўшниси оч турса, у ўйнаб-кулади. Аза қилса, тўй қилади. Йиғласа, суюнади. Ғамга ботса, кулади. Уларнинг муздан қандай фарқи бор?!

## Бахилнинг боғи кўкармас

Бугун атрофга боқиб, хайратланиб, ҳавас қилиб, нима-ники кўраётган бўлсак, уларнинг барчаси хайр-саховатли, қалби эзгуликка ошно ишбилармон, тадбиркор юртдошларимиз меҳнати билан юзага келган.

Лекин... афсус, орамизда ҳар бир ишдан кир қидириш, ҳавас эмас, ҳасад, бахиллик қилиш пайдан бўладиган кимсалар ҳам йўқ эмас. Бунинг боисини эса Беруний бобомиз шундай таърифлаганлар: «Ёмонликнинг шохобчалари кўп бўлса, уларнинг асоси таъма, ғазаб ва илмсизликдир».

Тиллахон опа Ҳамидовани вилоятимиз аҳли тадбиркор ва асосан «лимончи аёл» сифатида яхши танийди. Ҳам оила, ҳам рўзгорни уддалаб, 1982 йилдан лимон етиштиришни бошлаган опа 1994 йилга келиб, лимонларини юз тупга етказди. Бугунги кунда у аҳоли саломатлиги учун фойдали бўлган лимон етказиб бериш билан бирга унинг кўчатларини ҳам етиштирмоқда. Бунда унга ўғиллари – Дониёрбек, Мухторжон, Улуғбек ва турмуш ўртоғи Зокиржон акаларнинг кўмаги катта бўлмоқда.

Бу ғайратли, тиниб-тинчимас, ишбилармон аёл аҳоли фаровонлигига яна-да кўпроқ ҳисса қўшиш ниятида балиқчилик соҳасига ҳам қўл урди. Қишлоқ ҳудудидаги Учкўл адирлигидан ташландик жойларни тозалаб, ўзлаштирди. Сув келтириб, тўртта ҳовуз барпо этди.

Нихоят, Андижоннинг Балиқчи туманидан сазан балиғининг 800 дона ивилдириғи олиб келинди.

Кун сайин катталашиб, ҳовузларни тўлдириб юрган балиқларни кўрганда минг чандон ёшарганди Тиллахон опа.

Бироқ бугун-эрта балиқлар эл дастурхонига етказилади, деб турилган кунларда жонзотлар нобуд бўлди. Қорни осмондан бўлиб ётган 2800 кг. атрофидаги балиқлар текширилганда, сувнинг захарлангани аниқланди.

Ҳовузлар атрофига мевали, манзарали кўчатлар экиб, боғ яратиш, одамлар ҳордиқ оладиган кўркам маскан бунёд этишни ният қилган Тиллахон опа қайғуга ботди.

Меҳнат, сарф-харажат ўрни тикланар, лекин забонсиз, беғуноҳ балиқларнинг уволи тутмайдими? Бировни кўрол-

маслик дардига чалинган бундай кимсаларнинг боғи кўкарадимми?

– Аввалгидек бўлмаса-да, ҳовузлар сувини тозалаб, янги балиқлар билан тўлдирдик. Лекин увол бўлган бегуноҳ балиқларни ва шундай қабих ишга қўл урган кимсани унутолмайман, – дейди опа. – Кўролмаслик, ичиқораликнинг жазоси ҳам оғир бўлади.

### Улуғликка етказган сифат

Аждодларимиз, ота-боболаримиз ва уларга муносиб бўлиш ҳақида кўп гапиримиз. Ваҳоланки, улуғларимизни улуғликка етказган сифатлардан ибрат олганимизда эди, барча ёмонликлар ўрнида аллақачон эзгулик ниҳоллари бўй чўзиб, бу оламда «ёмон» деган сўзга ўрин қолмасди.

Хожа Абдуллоҳ Ансорий ёзадилар: «Абдулмузаффар Термизий ва унинг устози Абу Ҳомид Термизий ўзларига қўнган чибинни қўримас эдилар, тагин учиб бориб, бошқа бировнинг устига қўнмасин, дердилар». Ёки ҳазрат Навоийнинг намоз пайтида тўнларига илашиб келган чумолини «уясидан бегона бўлмасин», дея масжидга қайтиб бориб, қўйиб келганларини эсланг.

Шомга юриш чоғида Қорабоғда чодир тиктирган буюк соҳибкирон Амир Темур бир неча вақт қўшин ичида бўлиб, очик ҳавода тунайдилар. Қайтиб келишганда эса чодирлари ичига кабутар ин қуриб тухум қўйибди.

Амир Темур бу беозор қушларга озор етмаслиги учун чодирга тегмасликни буюрадилар ва шу ерда тўрт навкарни қолдириб, полапонлар учиб чиққачгина, чодирни йиғиб, ортимиздан етиб борасизлар, дея тайинлайдилар. Ва буни қарангки, бу воқеани «жониворлар борасида тузган тадбиримиз Тангри Таолога хуш келиб, зафар туғимизни ҳилпиратди», дея тилга оладилар.

Буюк аллома Замахшарий болалик пайтларида қушча оёғига ип боғлаб, ўйнаб юрганларида, қушча бир ковакка кириб, илиниб қолади. Чиқармоқчи бўлиб уринганларида эса ип қаттиқ тортишиб, қушчанинг оёғи узилиб кетади. Оналари бундан қаттиқ ранжийдилар.

«Вактлар ўтиб, от устидан йиқилиб, оёқлари синади. Оғриққа чидай олмай, ўзлари кесиб ташлайдилар ва бир умр ёғоч оёқда юрадилар.

Изоҳга ҳожат бўлмаса керак.

### Яхшилик саодати

Бугун кун сайин яшариб, чирой очаётган шаҳару қишлоқларимизни кўрган ҳар қандай кишининг қалби ҳам фахр, ҳам ғурур ҳисларига тўлади. Шу юрт фарзандиман деган ҳар бир инсон мана шу ўзгариш, янгиланишларга ҳисса қўшишга интилади. Бундай эзгу хайрли ишлар замирида эса инсоннинг бахтли-саодатли яшаши учун ҳаракат, яхшилик ётади.

Осмонни тўлдириб учаётган қушлар, борлиқни тутган атиргул иси, шалдираб оқаётган зилол сув, кўкка бўй чўзаётган ниҳоллар... Аслида инсон табиат билан бир бутун. Ана шу яхшиликка зиён етмаслиги учун эса кўнгилларимиз эзгулик ҳислари билан тўлмоғи зарур. Шундагина бировнинг ютуғидан қувонишни, қайғусига ҳамдард бўлишни, яхшилик қўлимиздан келмаса, лоақал ёмонлик қилмасликни ўрганамиз.

Қаранг, қўшнингиз жуда чиройли уй кўтаряпти...

«Яшшамагур, пулни қаердан олаяпти экан», дея ғазабга минманг, ҳасад қилманг. Ҳорманг, денг, буюрсин, денг. Ён қўшнингиз «Ласетти» олди. Куйманг, менда йўқ, деманг, буюрсин, денг. Яна бир танишингиз олган гиламни кўриб, эсингиз оғай деди. Ҳавас қилсангиз, сизда ҳам бўлади. Фақат ҳасад қилманг, юрагингизда ёмон ниятга эшик очманг. Билмасангиз, яхшиликларга эргашинг. Яхши яшаш, даромад топиш, ҳалол, фойдали ҳунар йўлларини ўргатинг, денг.

Юнон донишманди Арастунинг шундай сўзлари бор: «Яхши бўлмоқ ҳам, ёмон бўлмоқ ҳам ўз ихтиёримиздадур, тағинким мукаммал яхшилик билан яшаш бахту саодат томон элтади».

Барчамизга ана шундай бахту саодат, яхши эди, деган ном, улуғлик насиб этсин. Яхшилик боғларимиз завол билмасин.

## БОЛА – БОҒ, ОТА-ОНА – БОҒБОН

ёхуд

Орзулар армонга айланмасин

*Янги авлодни тарбиялаш –  
халқни тарбиялаш деганидир.*

Ислом Каримов

Яқинда суд залидаги онаизорнинг фарёди ҳамон кулогим остида: «Мен боламни шу ниятда катта қилганмидим?! Ишонмайман, боламни қамаманглар!»

Албатта, ҳеч бир ота-она ҳам фарзандига зирапча киришини истамайди. Бор меҳрини, ёшлиги, соғлигини, кучқувватини бериб, боласини камолга етказди. Яхши инсон бўлсин, элга-юртга хизмат қилсин, қариганимда белимга қувват, кўзимга нур, бўлсин, дейди.

Афсус... Тарбиямиздаги қайсидир бир хатоимиз ёки эътиборсизлигим сабабми – фарзандимиз юзимизни ерга қаратса, нохуш ишга кўл урса, юрагимиз фарёд кўтаради. «Шунча йиллик умрим, кўрсатган меҳрим, бўйларига қувониб, орзу қилганларим – барчаси учун жавоб шуми? Ниятларим энди саробми?»

Китоб дўконида Наманган шаҳар мактабларининг бирида ишлаётган яқин танишимни учратиб қолдим. Қўлида бир даста китоб.

– Синф кутубхонасига, – деди у. – Болаларбоп адабиётлардан танладим. Ўқувчиларимнинг билим олишига, тарбиясига энди астойдил киришмасам бўлмайди. Кеча ота-оналар йиғилишини ўтказдим. Уларга ҳам кўп гапларни айтдим.

– Танишимнинг айтишича, бир неча ўқувчи қизлари (3-синф) муқовасига сериал қаҳрамонлари – Ранвир ва Ишанининг сурати туширилган кундалик, дафтарларни олиб келганида эътибор қилмаган. Бироқ аълочи ўқувчи қизлари-

дан бирининг дугонасига: «Шоҳруҳга карагин, Ранвирга ўхшайди. Уни кўрсам, юрагим дукиллаб уряпти», - деганини эшитиб қолган.

– Жуда ғалати аҳволга тушиб қолдим, – дейди у. – Ота-оналар йиғилиши ҳафта охирида бўлиши керак эди. Мен эртасигаёқ чақирдим. Кундалик дафтарлардаги суратлар болани чалғитишини айтдим. Сериаллар масаласини ҳам. Лекин кимнинг қизи эканини айтмадим.

Болалар учун «Болажон» канали бор. Уни ҳар қанча кўрса, фойдаси бор, зарари йўқ. Лекин соат тўққиз (тунги 21:00) дан ётиб дам олиш ўрнига ота-онаси пинжигга суқилиб «Сенга ошиқман»ни кўриб ўтирса, тўғри бўладими?

Фарзандингиз тарбияси, келажаги учун келинг, шу сериални кўрмасангиз, осмон узилиб, ерга тушмас. Болангизнинг ухлагиси келмаётган экан, телевизорни ўчириб, китоб ўқиб беринг. Мен китоб юбораман. Ҳафтада алмаштираман. Таассуротини, албатта, сўрайман, дедим. Таниш аелимнинг фикрларини маъқулладим.

Ҳаётнинг ўнқир-чўнқирларида гоҳ йиқилиб, гоҳ адашиб, гоҳ ўзлигини йўқотиб, ўзини ҳам, атрофдагиларни ҳам қийин аҳволга солиб юрган Ишанининг қай бир жиҳатларидан ибрат олса, хулоса қилса, бўлади, билмадик. Лекин тушуниб-тушунмай, ота-боболаримиздан қолган гўзал исмлар ўрнига янги туғилган набирасига Ишани деб исм қўйиш менталитетимизга, миллий урф-одатларимизга тўғри келадими?

Яқинда «Чорсу» бозорида ёшгина аёлнинг:

– Сумая, қизим, – деган чақирғини эшитиб қолдим. Ҳали икки ёшга ҳам тўлмаган, ниҳоятда озгин қизча оёғида базур турар, муштдеккина юзида бир жуфт кўз йилтирарди. Қизча кўринишидан етишмовчиликлар билан туғилган. Энди шугина муштдек, камқувват жонга қаердаги исмнинг қўйилгани-чи!

Кейин билсак, Сумая Фарғонадан акасининг даъвати билан Сурияга борган, аччиқ қисматга дучор бўлган бир тайинсиз қизнинг исми экан. Наҳотки, йўлидан адашган, ватанини,



ота-онасини ташлаб, четга чиққан қиз – қаҳрамон, ибрат бўлса?!

Эртага қизлар улғайса, бу каби чет исмлар билан чақиришларидан уялиб, ор қилиб қолмасмикан, биздан норози бўлмасмикан, дея ҳозирдан ўйлашлари керак эмасми?

Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 1992 йилдаёқ: «...Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз!» – деган гапларини эслайлик. Орадан 25 йилдан зиёд вақт ўтди. Мамлакатимизда амалга оширилган ишлар кўлами, айниқса, таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар самараси, ҳатто, дунё аҳлини ҳам лол қолдираётгани сир эмас. Фарзандларимизнинг илм-фан, санъат, мусика, спорт соҳасида эришаётган ютуқлари дунёнинг нуфузли мамлакатларида фарзандларимиз шарафига Ўзбекистонимиз байроғининг кўтарилиши, кўксини безаётган олтин, кумуш, бронза медаллари, «Жаҳон чемпиони», «Олимпиада ғолиби» деган номлар қалбларимизни фахрифтихор ҳисларига тўлдирмоқда-ку!

Яхши ота-она фарзанди тарбиясига лоқайд қарамайди. «Уни кийдирыпман, едирыпман, ҳеч кимдан кам қилмаяпман», деган билан бола тарбияли бўлиб қолмайди. Ота-она фарзанд учун энг яқин сирдош, дўст, ғамхўр инсон бўлсагина, азият тортиб қолмайди.

«Ўғлим, қизим мактабга ёки коллежга ўқишга кетди», дея ўз ишлари билан андармон бўлган ота ёки бугун кўпроқ оналар ўқитувчининг ташрифидан сўнггина сергак тортишади. Ахир, фарзанди ўқишга бормаётган экан...

Тарбияда назорат ва эътибор муҳимлигини кўпинча унутиб қўямиз. Ўғилдир, қиздир – ҳатти-ҳаракати, ўзини туттиши, гапиришлари, муомаласи, кийинишларини жиддийроқ кузатганимизда эди, бола доғини тортишга имкон қолмасди. Ахир айтишади-ку, бола бошидан, ниҳол ёшидан, деб.

... Ёлғизгина ўғил ўз жонига қасд қилди. Оила бошига катта мусибат тушди. Ахир ўн саккиз йил оқ ювиб, оқ тараб,

едириб, кийдириб, не-не орзулар билан улғайтирган ота-онага бу йўқотиш ўлим билан баробар эмасми? Айтишларича, она бир қиз билан учрашиб юришини таъқиқлаган эмиш.

Тўй қилишга шароити бўлмаган ота-она келган совчиларни қайтаради. Азонлаб уйғонган она ўз жонига қасд қилган қизини кўриб, фарёд кўтаради... Яна бир мусибат.

«Ўлдим-куйдим» сериаллари, уяли алоқа, интернет орқали танишувлар кўп, буни компьютердаги жангари ўйинлар, турли – туғилган кун, «вечер» каби учрашувга баҳона бўладиган маросимлар, тунги кўча кезишлар... бугунга келиб ёшларимиз маънавиятига путур етказётгани, ота-она йўриғига эмас, ўзга, бегона, қора ният, ғаразли кимсаларнинг маслаҳатига юриб, ёт оқимлар гирдобига тушиб қолаётгани, охир-оқибат ўз умрига ўзи зомин бўлаётгани ҳам сир эмас.

Ўзбек оилаларидаги ҳамиша фарзанд ота-она ёки бобобуви измисиз бир ишга қўл урмаган, дуосиз сафарга чиқмаган. Афсуски, кейинги пайтда айрим оилаларимизда ота-онага ҳурмат ва бу орқали оилага, маҳаллага, Ватанга муҳаббат ва садоқат каби тушунчаларга дарз кетгандай бўляпти. Илм-хунарли, қалби оиласига, туғилиб ўсган юртига чинакам муҳаббат билан ёнган ёш ҳеч қачон номақбул ишга қўл урмайди. Иродаси, қатъияти, маънавияти бунга йўл қўймайди.

Бугун аждодларимизга муносиб тарзда ўқиб, изланаётган, дунё аҳлини лол қолдираётган фарзандларимиз қалбларимизни фахр-ифтихор, ғурур ҳисларига тўлдирмоқда. Биргина ака-ука Синдоровларни олинг. Уларга ҳавас қилмаган, ютуғидан қувонмаган инсон бўлмаса керак.

Биринчи Президентимиз томонидан айтилган ушбу фикрларга эътибор беринг-а:

**«Биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат билан қарашни келажакимиз бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз».**

Биз, ҳар биримиз давлатимиз томонидан ёшларга кўрса-тилаётган чексиз эътибор, ғамхўрликка муносиб жавоб бера оляпмизми? Ота-оналар, аввало, ана шу ҳақда чуқур ўйлаб кўриши керак.

Салкам олтмиш ёшни қоралаб қолган маҳалладош онахон ҳар куни икки набирасини етаклаб, спорт мажмуасига олиб боради. 4 ёшли кизча гимнастика, 6 ёшли ўғил набира – кураш тўғарагида машғулотда қатнашади. Буви эса уларни ташқарида кутиб ўтиради. Бу аёлга: «Сизга зарилми? Қариган чоғингизда оёғингизни узатиб ётсангиз бўлмайдими?» дегувчилар ҳар бор. Лекин бувининг нияти қатъий. «Бизнинг давримизда бундай шароитлар, ғамхўрликлар қаёқда эди? – дейди онахон. – Набираларим ҳам келажакда дунёни кўрса, уларнинг ютуғидан қувониб ўтирсам, дейман-да».

1990 йилда туғилган Ғиёсиддин Қурбонов ҳам мунтазам спорт билан шуғулланган. Балки келажакда юртимиз довуғини дунёга танитадиган яхши спортчи бўлармиди... Афсуски, у четга ишлашга кетдию, қандайдир кимсаларнинг алдовига учиб, Сурияга ўтади ва у ерда жангариларга қўшилади. Оқибати эса маълум: 24 ёшли йигит ҳаёти фожиа билан тугайди.

– Мен боламни шу мақсадда катта қилганмидим. Ҳатто, совуқ танасини ҳам олиб келишга имкон йўқ, – дея аччиқ алам билан бўзлайди она. – Ойнаи жаҳондан айрим жиноят кўчасига кирганларни кўриб, қандай ота-она ўз фарзандини шу ҳолатга етгунича қараб тураркин, дея ўйлардим. Энди бу кўргулик ўзимнинг бошимга тушди. Болам у ерга қандай бориб қолди, билмайман. Мен – онаман, болам учун юрагим ёняпти. Лекин ўлганига ҳам афсусланмайман. Эртага бегуноҳ инсонларга кўтарилган ўша қуролни ўз яқинларига қарши кўтарса, нима бўларди?

Тошкент фармацевтика институтида ўқиётган З. Ашур-матова (1989 йилда туғилган) инглиз тилини яхши билади. У 2011 йилдаёқ хижобда юришни бошлайди. Ота-онага кулок солмайди. Интернетда Абдуқодир исмли йигит билан тани-

шиб, ҳеч қандай рози-ризоликсиз Қозоғистон, Россия орқали Покистонга чиқиб кетади. Худди шундай йўлни олий маълумотли Дилноза Собирхонова ҳам тутади. Интернетдан диний оқимлар сайтига кириб, диний-экстремистик фирқалар аъзолари билан ёзишмалар қилиб туради. Охир-оқибат у ҳам четга чиқиб, ҳаёти фожиа билан тугашига сабабчи бўлади.

Юртимиздаги тинчлик-осойишталикни кўролмаётган, қандай йўл билан бўлсада унга рахна солишга уринаётган ғаламислар бор экан, кўзларимизни каттароқ очиб, фарзандимиз тарбиясига янада масъулиятлироқ бўлишимиз лозим эмасми?

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу фикрларини ёдга олайлик: «Ватандан ташқарида ҳақиқий бахт йўқ».

Дарҳақиқат, инсон ўзи туғилиб ўсган юртдагина тинч-бежавотир яшайди, эъзоз, қадр топади. Ана шу ҳақиқатни англаб етмай, ўз Ватанини ташлаб, ўзгача орзу-ҳаваслар билан «жаннат»ни излаб четга кетган ёшларимиз, уларнинг аламли қисматлари ҳақида кўриб, эшитиб, билиб турибмиз. Жаннат аслида ўз Ватанларида эканлигини кеч англаб етмаптилар.

«Ўзбек қизларига мурожаат», «Ишид» гуруҳи тўғрисидаги ҳужжатли фильмларни кўрган ҳар бир инсон қалби ларзага келади, кўзларига ёш куйилади.

Интернет орқали Зубайр исмли йигит билан танишган ўзбек қизи Сурайё қора хижобда ёнида боласи билан адашганини, хато қилганини, пушаймонлигини айтиб, аламли кўз ёшларини тўкяпти. Зубайр жангарилар тўдасида бўлган, жангда ўлган. Уни бева қолгани учун бошқа мужоҳидга узатишган. У «эр» эса бошқаларга тортиқ қилган. Исломи илмини ўргатамиз деган даъватга ишониб, Сурияга келган бу қизнинг эндиги пушаймонидан наф йўқ.

– Бу ерда мен каби адашиб, ишониб келган қизлар кўй нархидан ҳам паст нархларда сотилади, – дейди у. – Кўзингизни очинг, мен каби хато қилманг.

Бугун Суриядек давлатни култепага айлантириб, кўз кўриб, кулоқ эшитмаган ваҳшийликларини амалга ошираётган,

минглаб бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкиб, орзуларини саробга айлантираётган, ўзларини «ИШИД» (Ироқ ислом давлати) деб номлаб, дунёга ҳукмронликни даъво қилаётган манфур, тубан террорчи гуруҳнинг қабихликларига гувоҳ бўлиб турибмиз. Улар ҳеч кимни – кексалар, оналар, ҳатто, болаларни ҳам аяшмаяпти. Улар сафида Сурайё каби юзлаб адашган қизларимизнинг борлиги ачинарли, афсусланарли.

Фикри тор, маънавияти кашшоқ айрим ёшларимиз – қизларимиз ҳижрат қилишга, дин ниқобидаги кимсалардан «дин илмини» ўрганишга бориб, аслида жиходга тайёрланиб, ўзини портлатиб – шаҳид бўлиб, гўё «жаннат»га боришлари куруқ сафсата, алдов эканлигини чуқур тушуниб етмаяптилар.

Ҳеч бир мамлакатда юртимиздаги каби ёшларга шарт-шароит, ғамхўрлик йўқ. Ислом динини ўрганиш учун институт, университетлар бор. Динни ўрганиш учун қайсидир оқимга кириш, «ваҳобий», «ҳизбут-тахрирчи» бўлиш шартми? Бундай ҳолат ношукурлик, нонкўрликдан бошқа нарса эмас. Ватан бағрида улғайиб, сувини, тузини ичиб, ала-оқибат тинчлик кушандалари сафида бўлганларини она юрт, халқ ҳеч қачон кечирмайди.

Ота-рози, худо рози, дейди доно халқимиз. Оқ сут берган она дилини оғритиш, уларга «оқ» бўлишдан оғирроқ жазо йўқ.

Боғбон ўз боғидаги ҳар туп дарахтга меҳрини беради, тўғри парвариш қиладики, шириндан шакар мева олади. Ота-она ҳам мисоли боғбон. Парваришда хато қилса, аччиқ мева олади. Халқимиз бежизга ўз дostonларида Алпомиш, Гўрўгли каби қаҳрамонларни яратмаган, Тўмарис, Широқ, Муқанна, Спитамен каби жасур, ватанпарвар фарзандларини шарафлаб, ривоятлар битмаган, Жалололдин Мангуберди, Темур Маликдай ўғлонлари билан фахрланмаган.

Биз ана шундай мард, жасур, фидойи, Ватан тақдирини ўз тақдири деб билган аждодлар авлодимиз. Шундай экан, фарзандларимиз қалбига, онгига болалигидан ота-онага, юртга, элга муҳаббат туйғуларини синдиришимиз керак.

Алпомишнинг Барчинига айтган куйидаги сўзларига эътибор берайлик:

– ... Оламда кўп эрур ибора  
Бир сўз бор оғриқдан иборат  
У – Ватан, Барчиним – у – Ватан!  
Боламга «Ватан» де илк бора.

Бугун жаннатмонанд юртимизга дунё аҳли ҳавас қиляпти. Жаннат бағрида яшаб туриб ҳам, «ўзга жаннат»ни орзу қилганлар биздан эмас.

Юртга садоқатли, муносиб ўғил-қизларни вояга етказиш эса, энг аввало, ота-она зиммасида. Бунинг учун ота-онанинг ўзи ўқиган, тушунган, тарбияли бўлиши керак. «Манави масалада ёрдам беринг, тушунмаяпман. Ёки мана бу саволга нима жавоб қилсам бўлади?» деган ўғил ёки қизига ота «Онандан сўра», деб турса, она: «Бошимни оғритмагин», деса, бола қаерга борсин? Кимдан сўрасин?

Бу ҳақда барчамиз ўйласак оила, фарзанд, Ватан олдидаги бурч, масъулият деган юксак тушунчаларни дилимизга мустаҳкамроқ жойласак, ардоқлаб ўстирган фарзандларимиз қилмишидан бошимиз эгилмас, жудолик азобидан азият чекмасдик.

Яна китоб дўконидаман. Ўн-ўн бир ёшли қизча дадаси билан ўқув қуроллари сотиб оляпти.

– Қизим, қара, – дейди ёнида турган онаси кўп варақли дафтар кундаликни мамнун кўрсатиб. – Ишанининг чиройли сурати босилганини олақол...

Яхшиямки, қизча ақллироқ экан.

– Йўк, ойи, менга расмсизи керак, – деди у. – **Мактабга тўғри келмайди.**

Изоҳга ҳожат бўлмаса керак.

Шу ўринда Биринчи Президентимизнинг яна бир фикрларини таъкидламоқчиман: «Тўғри тарбия бермоқчи бўлсак, ҳаммамиз масъулмиз».

Буни унутмайлик.

## ГҮДАК КҮЗЛАРИДАГИ ЁШ

*Уни ким арилади?*

Дунёда фарзанддек ширин, бебаҳо неъмат борми? У қирлаб кулганида, чопқиллаб юрганида, ишдан қайтганингизда бўйнингиздан кучганида туйган хузур, бахтни ҳеч қандай бойликка алмаштира олмайсиз.

Фарзанд – жон томиримиз, қувончимиз, келажагимиз, касбимиз давомчиси. Улуғларимиз: «Болали уй – бозор», дея бежизга айтишмаган. Зеро, фарзанд кулгусига тўлган хонадонда файз бор, барака бор, меҳр-мухаббат бор. Аслида ота-она бир умр болам-чакам дея яшайди, фарзанди униб-ўсиши камол топиши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун кўлидан келганча ҳаракат қилади.

Тасаввур қилинг: Оилада ёлғиз эр-хотин. Фарзандсиз бу оилани бахтли деб бўладими? Бироқ Яратган берган буюк неъматдан тонаётган, оталик вазифасини бажармаётган, лоақал виждони кийналмаётган эркакларнинг ҳам орамизда экани кўнгилларга оғриқ беради?

«Кимнинг боласи?» - деган савол давраларда тез-тез кулоққа чалинади. «Бу боланинг онаси ким?» деб сўралмайди, аксинча, отаси ким, дейилади. Бола амал-тақал қилиб, вояга етиб олса, йўлини топса, меҳнати, хулқи-одоби билан маҳалла-қўйда эътибор қозонса, катталар назарига тушса, айтишадик: «Отасига раҳмат!» Ваҳоланки, ота уни кўрмаганига йиллар бўлган. Балки шундай фарзанди борлигини унутиб ҳам юборгандир.

Ва яна айрим ҳолларда отанинг қўли калталик қилиб, боласини боқолмаса, ҳеч кимдан рўшнолик тополмай ўзини кўчага урган бола ёмон йўлларга кириб кетса, яна айтишадик: «Падарингга лаънат!»

Демакки, ота – оила устуни. Айниқса, унинг ўғил бола тарбиясидаги роли ниҳоятда катта. Оилани – табиат гулгожи дейишади. Жамиятнинг асосий бўғини, кичик Ватан ҳисобланмиш оила – муқаддас. Ота-онани боғбонга қиёслаш

тўғрироқ бўлади. Зеро, оилада камол топаётган ниҳоллар, аввало, тўғри парваришни талаб қилади.

Шу боис ҳам улуг маърифатпарвар боболаримиздан бири Абдурауф Фитрат ўзининг «Оила» номли рисоласида шундай деб ёзади: «Фарзанд тарбияси, яъни фарзандни ақлан, ахлоқан ва жисман камолга етиштириш ота-она бўйнига тушади... Уйланишнинг биринчи мақсади фарзанддир. Авлодни тарбиялаш инсониятнинг хизматидир. Қачонки, биз яхши ахлоқ эгаси бўлган фарзандларни тарбияласак, шундагина бўйнимиздаги бу хизмат мажбурияти соқит бўлади. Кимки, бадахлоқ болаларни тарбия этса, инсониятга хизмат эмас, балки душманлик қилган бўлади».

Бундан кўринадики, муросаси келишмади ёки турли хил баҳоналар билан ажрашишга аҳд қилган эрдир, хотиндир, шошмасдан чуқур ўйлаб кўриши зарур.

«Ёмондан ёмон ортади-да!» Автобусда кетаётган нуроний отахоннинг нафрат билан айтган бу гапи йўловчиларни ҳайрон қолдирди.

– Кимни айтаяпсиз? – сўради ёнидаги ўриндикда ўтирган кекса.

– Ҳозиргина тушиб кетган ярамасни-да!

Ахир у сизга йўлқира тўлаб, хайр бобожон, деди-ку?!

– Ўша-да, ярамас келиндан ортган неварам...

– Ундай деманг. Кўринишидан бинойидек, ақлли, хушли бола бўлибди. Муомаласи ҳам яхши. Яна сизни хурмат қилиб, хайрлашди.

– Уларни ҳайдаб юборганман. Яна уялмай, бобо, дейшини-чи!

– Маҳалланинг энг кекса отахони, – деди орқада ўтирган онахон секингина. – Ҳар қандай маросимга бош-қош. Лекин бир оилани ўзлари бузиб юборишди. Ўғилни Россияга иш-лашга жўнатиб, келинни, яхши хизмат қилмаяпти, деб ҳайдашган. Ҳалиги бола тоғанинг эшигида катта бўлди. Ниҳоятда бамаъни. Тирикчилик важдан ҳали суяги қотмай, машиналарни таъмирлайдиган жойга шогирдликка тушган.



«Мен дадамни ёмон кўраман», – дейди тўққиз ёшли қизча. У мактабга боради. Бувиси билан яшайди. Дадасини кўрмаган. Чунки, дадаси четга ишлашга кетганида у ҳали туғилмаганди. Қизча дугоналарига хавас қилади. Чунки, уларнинг дадалари бор. Мактабга олиб келишади, кўпинча етаклаб олиб кетишади. Янги кийим кийишса, дадам олиб бердилар, дея мактанишади. Ана шунда у жуда-жуда ўксиниб кетади.

Ҳар йили Янги йил арафасида уйга қўнғироқ бўлади: «Янги йилни бирга кутамиз. Бораман».

Лекин ҳар йили дадасининг иши чиқади, самолёт учмайди, об-ҳаво ёмон, дейди.

Дилга оғриқ чўқади. Қизчанинг гуноҳи нима?

Ишлашга, рўзғорнинг кам-кўстини тўғрилашга, фарзандларимни ҳеч кимдан кам бўлмай ўсишлари учун, дея четга кетган ота, вақт ўтиб, ўз хузурини ўйлаб, умрида кўрмаган, танимаган, насл-насабини билмаган аёлга уйланиб, бола орттириб, ўз оиласи борлигини унутиб юбораётган бўлса, бундай кимсаларни одам деб бўладими?

– Пул юбориб турибдилар. Шунисига ҳам шукур, – дейди Н. исмли аёл чет эл фуқаролигини олиб, уйланиб яшаётган эри ҳақида.

Ачинарли ҳол. Ўша пуллар фарзанд учун оталик меҳри ўрнини боса оладими? Ота – уйнинг тоғдай устун, дейишади. Афсуски, кўплаб оилаларимизда бу устунлар аллақачон нураб бўлган.

Ота-боболаримиз Ватанни, оилани муқаддас ҳисоблаганлар. Улардан жудо бўлмоқни энг катта бахтсизлик деб билганлар.

Биринчи Президентимизнинг: «Ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси, аввало, оиладан бошланади», – дея таъкидлаганлари ҳам бежиз эмас.

Аёл бахти нимада? Бу саволга кўпчилик севган оила-сида, дея жавоб бериши табиий. Ҳақиқатан ҳам, Биринчи Президентимиз айтганларидек: «Қачон аёл ҳаётдан рози

бўлади? Қачонки, оиласи тинч, рўзғори фаровон бўлса, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлса».

Умид билан, катта-катта орзулар, ваъдалар билан бир ёстиққа бош қўйсаю, вақт ўтиб, ишонган, суянган эри ундан воз кечса, ёрдамсиз, ҳатто, бошпанасиз қолдирса?

Аёл нима қилсин? Эр-ку тўнини терс кийган. Қўлларини чўзиб, кўтаринг, дея талпинаётган мурғак гўдагига ҳам бепарво. «Қўй, болам, уйчиликда ўтади-да, мунчоқдай боланг бор-а, етим қилма», дея дакки берувчи қайнонанинг ўзи: «Ҳа, келин, бўлақолинг, болангизни ҳам кўтаринг», деб турса, бундан ортик азоб борми?

Ана шунда келин: «Ахир мен бу болани уйдан олиб келганим йўқ-ку? У сизларнинг ҳам зурриёдингиз», – деб кўрсин-чи, бошига маломат тошлари ёғилиши турган гап.

Яна бир ачинарли, оғриқли, афсусланарли жиҳат айрим аёлларимизда сабр-қаноат етишмайди. «Шу болани не-не орзулар билан дунёга келтирдим. Такдир экан, турмушим бўлмади. Лекин боламни хор-зор қилмай, вояга етказаман. Уни моддий ёрдамсиз, бошпанасиз қолдирган отаси ҳам, катталар ҳам боламнинг қандай одам бўлганини кўриб, уялиб қолишсин», – деб ўйламайди. Аксинча, бу бола гўё унинг бахтсизлигига сабабчидай, кўзига бало бўлиб кўринади.

Бундан тўрт йил аввал ота-онасиникида яшаётган жувон бир ишнинг бошидан тутиш, меҳнат қилиб, хурсандчилик билан фарзандларини улғайтириш тўғрисида қайғуриш ўрнига бошига тушган мусибатларга болалари сабабчидай улардан қутулишга қарор қилади. Қизчасининг: «Ойи, ундай қилманг», дея ялиниб-ёлворишлари, ўғилчасининг кўз ёшлари онага таъсир қилмайди...

Бугун у қамокда. Жазо муддатини ўтаяпти. Энди қилган иши, фарзандларининг умрига ўзи зомин бўлгани учун минг-минг пушаймонда. Бироқ энди кеч. Энг ачинарлиси, болаларнинг қотили, деган лаънатга қолган, она деган улуғ мақомдан мосуво бўлган.

Немис ёзувчиси Жан Поль оналар тўғрисида шундай фикрларни билдирган: «Болалари бўла туриб зериккан аёл нафратга лойиқдир», «Бизга яхши оналарни беринглар, биз яхши одамлар бўлиб етишамиз».

Дархақиқат, дунёда онадай улуғ ва муқаддас зот йўқ. Чунки, уларсиз бу дунё ғариб бўлиб қолар эди.

Биринчи Президентимизнинг ушбу фикрлари буни яна бир қарра исботлайди: «Тарихимизнинг қайси даврига назар солмайлик, аёл ва она мудом эзгулик тимсоли, мураббий ва комил инсон тарбиячиси бўлиб келганини кўрамиз».

Бугун юртимизда аёлларимизга, фарзандларимизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик дунёнинг ҳеч бир мамлакатада учрамайди. Ана шу ғамхўрликларга муносиб меҳнат қилаётган, халқ фаровонлиги, юрт тараққиётига салмоқли ҳисса қўшаётган, айна дамда, оила юқини умр йўлдоши билан баб-баравар кўтариб, баҳамжиҳат баркамол фарзандларни камолга етказётган аёлларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Оила – муқаддас. Ўз оиласиники ҳимоя қилолмаган, оғир вазиятга ташлаб қўйган эркакни ҳеч қачон оқлаб бўлмайди. Ўз пушти камаридан бўлган фарзандига тошбағирлик қилган отани ота деб бўладими?

Ота-боболаримиз болани муқаддас билишган. Унга хиёнат қилиш Ватанга хиёнат қилиш билан баробар бўлган.

«Авесто» китобида ҳам айтиладики: «Ўзингни изтироб ва оғир ғам босмаслиги, кейин афсус чекмаслигинг учун умр йўлдошинг, болаларингни билимсиз қолдирма». Бу ерда гап нафакат моддий кўмак, маънавиятини ўстириш ҳақида ҳам кетяпти.

Чуқур мулоҳаза қилишимиз керак: «Биз ким эдик. Кимларнинг авлоди эдик?» Қони тоза, сўзи ўткир, ақли бутун, мард, шижоатли, ахлоқ-одобли, диёнатли бобою момоларимиз руҳини безовта қилмаяпмизми? Ҳеч бир гуноҳсиз, орзу-

лари осмон қадар бўлган ўғил-қизимиз отасизликда, ўксиклик, тенгқурларидан камликда ўсиб, азият тортмайдими?

Катталар, эр-хотин фақат ўз муаммоларини ечишни кўзлашади. Ҳеч ким фарзанди билан ҳисоблашмайди. Мурғак дилининг аллақачон вайрон бўлганини улар тушунишмайди ҳам. Кўп жиҳатдан фарзандлари ота-онадан кўра ҳам те-ранроқ фикрлаши мумкинлигига ишонишмайди.

– Эй, сен нимани билардинг, – дейишади.

Ваҳоланки, ана шундай фарзандлар болалигиданок ди-лига тугиб олади: «Уйлансам, болаларимни етим қилмайман. Ўзим кагга қиламан».

### Хулоса ўрнида

Ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин. Виждонли, ҳалол-пок, имон-эътиқодли одам, ажрашиб, ҳатто, юз-кўрмас бўлганида ҳам ўз зурриёдига ота бўлиб қолаверади. Имкони борича, кўлидан келганича вояга етгунча, моддий-маънавий кўмагини аямайди.

Тўғри, мустақил юртимизда келажагимиз бўлган ёш авлодни камол топтириш йўлида олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатларнинг самарасини кўриб, бугун дунё аҳли ҳавас қилмоқда. Ҳар бир ўғил-қиз меҳр ва ғамхўрлик оғушида. Биргина «Соғлом она ва бола йили» муносабати билан мамлакатимизда амалга оширилган эзгу, хайрли ишлар, белгилаб олинган Дастур доирасидаги вазифаларнинг бажарилгани дунё ҳамжамияти томонидан ҳам алоҳида эътироф этилгани бежиз эмас.

Шундай экан, бугун юртимиздаги мана шундай тинчлик-осойишталикни, инсон, унинг бахтли-саодатли яшаши учун амалга оширилаётган ислохотлар самарасини кўриб-билиб туриб, яна-да бахтли яшашга, меҳнат қилишга, оилаларда ҳамжиҳатликни таъминлаш, фарзандларни шу юртга муносиб инсонлар этиб тарбиялашга интиқмасликни кечириб бўлмайди.

Бундан бир неча йил аввал болани кимда қолдириш масаласи кўрилган суд жараёнига гувоҳ бўлганман. Олти яшар ўғил боланинг дам отасига, дам онасига жовдираб боқиб турган маъюс кўзлари ҳамон кўз ўнгимда.

Ота:

– Бола мен билан яшайди. Ўгай отага топширмайман, – дея ўглини кўлидан тортади.

– Йўқ, мен онасиман, у мени дейди, – дея она жигарбандининг иккинчи кўлидан торткилайди.

Ваҳоланки, отанинг ҳам, онанинг ҳам янги турмуши, оиласи бор.

Бола чинқираб:

– Йўқ, мен бобом билан яшайман, – дея югурганича мункиллаб қолган қариянинг бағрига отилганида залда ўтирганларнинг кўзлари ёшга тўлганди.

Ана шундай оғир изтироблар қалбларимизни ўртамаслиги учун ҳам никоҳ остонасига қадам қўяётган ҳар икки ёш чуқур ўйлаши зарур: «Мен ҳаётда шу қиз ёки йигитни танладимми, турмушнинг ҳар қандай қийинчиликларини енгиб ўтишим, оилам тинчлиги, бахти йўлида иродали, сабрли бўлишим керак. Оилам – шаъним, ғурурим, ҳаётимнинг мазмуни. Болам – танамдаги жон, қалбим қувончи, бахту тахтим».

Яхши ниятлар билан турмуш қуриб, кейин, муросамиз келмади, дея ажрашиб кетиш, бир оила кўргонининг бузилиши, унинг оқибатида бегуноҳ гўдак кечирган изтироблар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги керак.

Фарзанд – келажагимиз, наслимиз давомчилари. Шундай экан, уларни ҳар томонлама соғлом, маънавий баркамол этиб тарбиялаш, энг аввало, ота-она зиммасида эканини унутмайлик. Соғлом оила муҳити – фарзандлар бахти.

Фарзандлар ота-оналарнинг айби учун азият тортмасин, кўзларидан ёш оқмасин.

## БОЛАГИНАМ, ДИЛБАНДИМ- ТИНИҚ ОСМОНИНГГА ҒУБОР ҚҰНМАСИН

### Оила бахтли бўлса...

«Нимани эксанг, шуни ўрасан», дейди донишманд халқимиз. Эртаси ғамини ейдиган одам, энг аввало, бугун камол топаётган ўғил-қизларининг муносиб инсонлар бўлиб ўсиб-улғайишига ҳаракат қилади. Зеро, соғлом, ривожланган ҳар қандай жамият асоси, пойдеворини соғлом оила ташкил этади. Оиладаги соғлом муҳит эса онанинг саломатлигига, маънавиятига ва ундан бунёд бўладиган маънан ва жисмонан соғлом фарзандга боғлиқ.

Биринчи Президентимиз таъкидлаганларидай: «Янги авлодни тарбиялаш – халқни тарбиялаш деганидир». Шу боис буюк алломаларимизу маърифатпарвар боболаримиз оилага, фарзанд тарбияси масаласига алоҳида эътибор қаратиб келганлари бежиз эмас.

Абдурауф Фитрат «Оила» номли рисоаларида шундай деб ёзганлар: «Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам кучли ва муаззам бўлади» ёки ... «Халқнинг ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тутиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкини тортиб эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, қул ва асир бўлиши болалиқдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ».

Мустақиллик шарофати билан бугун Ўзбекистонимиз жаҳонда барча соҳаларда нуфузли ўринларни эгаллаб келаётгани сир эмас. «Энг бахтли мамлакатлар» қаторида турган юртимиз ёшларига ҳам дунё хавас билан қарамоқда. Зеро, ҳеч бир мамлакатда фарзандлар камоли тўғрисида юртимиздагидай эътибор, ғамхўрлик кўрсатилмайди. Биргина йилла-

римизга берилаётган номларнинг ўзгариши, айнан, ана шу соҳага кўрсатиладиган эътибор кўламини ифода этиб туради. Зеро, юртимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилади. 1998, 1999, 2000, 2001-йилларнинг «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», 2008 йил – «Ёшлар йили», 2010 йил – «Баркамол авлод йили», 2012 йил – «Мустаҳкам оила йили», 2014 йил – «Соғлом бола йили» ва ниҳоят 2016 йил – «Соғлом она ва бола йили» дея номлангани ва белги-ланган давлат дастурлари доирасида амалга оширилган кенг кўламдаги беқиёс ишлар мамлакатимизда ҳаёт абадийлигини таъминлаб келаётган муқаддас ва мўътабар аёлларимиз, она-ларимизга бўлган чексиз эътибор ва эъзознинг, фарзандларимиз камоли йўлидаги ғамхўрликнинг ифодаси, десак тўғри бўлади.

Шу ўринда Биринчи Президентимиз И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида таъкидлаган қуйидаги фикрларини келтириш жоиз: «... Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади», деган ҳаётбахш ғоя ҳар бир юртдошимизнинг қалбига чуқур кириб бориши, ана шу улуғ ишга муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланиши лозим».

Бугун жамият, оила, фарзандлари олдидаги бурч ва мажбуриятларини чуқур ва тўғри англаб, инсон деган улуғ номга муносиб тарзда ҳаёт кечираётган юртдошларимиз тўғрисида ҳар қанча ҳавас билан гапирсак, шунча оз. Бироқ гуруч ичида курмак бўлгани каби ўз хатти-ҳаракати, ахлоқи билан оила масаласига панжа орасида қараётган ва бу билан эл-юрт, жамият олдидаги бурчига, мажбуриятига нописанд муносабатда бўлаётганларнинг ҳам борлиги танадаги чипқондай оғриқли ҳолатларни юзага келтирмоқда.

Оппоқ қор кўрпасига бурканган заминга ёхуд баҳор келиши билан гулу лолаларга бурканган қиру адирларга, юлдуз-

ларга тўла мовий самога, шилдираб оқаётган зилол сувга боқиб, ўйлайсан: қани эди қалбларимиз ҳам ана шу она-табиат каби гўзал, бетакрор бўлса. Ана шу табиат берадиган ёки бир кичик ирмоқда оқаётган сув етказадиган нафчалик эзгуликка тўлса...

Афсус...

### «Сени хохламайман, уйни бўшат!»

Куни кечагина не-не орзу-ҳаваслар билан узатилган қиз умр йўлдоши (янги куёв) билан ота-она ҳовлисига қадам босар экан, дадасининг бақир-чақирларини эшитиб, остонада туриб қолди. Қаршисида кўч юкланган катта машина, бир четда онаси... юм-юм йиғлар, икки укаси дам дадасига, дам бувисига ёлворади: «Бизни ҳайдаманг, бувижон, дадажон!»

«Оила қурган киши кеманинг ичига тушган одамга қиёс: кема денгиз ўртасига йўл олади. Ўғил-қизнинг туғилиши бу кемани бошқаришни қийинлаштиради. Энди кемачидан куч ва маҳорат талаб этилади», – деб ёзган эди бобокалон шоиримиз Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билик» асарида.

Маҳалла-кўйнинг аралашуви ҳам оила, фарзанд олдидаги масъулиятни енгил ҳаётга алмаштиришга уринган отага, фарзандини тўғри йўлга солиш ўрнига ёнига кирган бувига таъсир қилмади. Аксинча, бир хирмон бўлиб, стулга чўккан бувининг жағи тинмайди: «Бу уйга қайтиб келманглар. Даданг четга ишлагани кетади. Судга ариза-париза қилиб юрманглар. Уй амакингнинг номида. Қани бўлақолинглар, жўнанглар».

Ота йиғидан кўзлари қизариб, овозлари бўғилиб қолган икки норасидага, остонада муз қотган қизига, шу ёшда ~~ман~~ шундай номаъкулчилик қилаётган қайнонага ҳайрон, ҳам афсус билан тикилиб турган куёвга «бегона». Ким биландир телефонда гаплашади, кулишади.

Инсоннинг тириклиги – фарзанд билан. Эртага биз юқорида тилга олган кимсанинг номи ўчиб кетмаслигига кафолат борми? Ахир оила деб аталмиш муқаддас қўрғонни бузиб,



оила кемасини бошқара олмаган бу ота фарзандлари учун энди «ҳеч ким» эмасми?

Юртимизда ҳеч бир фарзанд меҳр ва эътибор, ғамхўрликдан четда қолмайди. Фақат эртага улғайиб, камолга етгач, қалбида юзага келган дарзни битказиб бўлармикан? Ёинки, субутсиз, масъулиятсиз, тошмеҳр отанинг ана шу фарзандлари қўлига қараб қолмаслигига кафолат борми?

Қалдирғочнинг, қўйинг-чи, барча биз онгсиз, тилсиз деб биладиган жонзотларнинг ўз болаларига қандай муносабатда бўлишларини биласиз. Ўз уяси, полопонларини бегона қушлардан, керак бўлса, ўз жонини гаровга қўйиб, ҳимоя қилган зағчаларни кўриб, қаттиқ таъсирландим. Айрим оталарнинг ана шу оддий, миттигина қушларчалик эмаслигидан афсусландим.

**«Онамга қарши боролмайман»,** - дейди йигит боласини бағрига босиб, ёш хотинига армон билан термулар экан. «Онам мени дунёга келтирган. Вояга етказган. Онамнинг сўзи сўз, қарғишдан кўрқаман. Айбинг – кўнгиллари то-полмадинг. Мени кечир, ҳимоя қилолмадим».

– Боламизни ўйламайсизми? Отасиз ўсадими? – Ёш келин кўз ёшларини тўхтата олмайди. – Ахир, севаман, бошимда кўтариб юраман, дегандингиз.

– Тўғри. Бунақа бўлишини ким билибди. Онанг ҳам, отанг ҳам олди-бердини тузукроқ қилишганида эди, балки ҳозир биздан бахтли одам бўлмасди.

– Ота-онам борини берди-ку? Яна нима қилишсин. Қаёқдаги ўша мато баҳона бўлдими?

– Э, нега кўзинг ёриганда онамга узук тақмадинглар? Қисқаси, кавласа, камчилик чиқаверади.

– Тўғри, онангизга ҳар куни ош-овқат, сават борадиган жой керак. «Тагли-тугли жойдан олмоқчи эдим. Ўғлим, сени танлади-да», дейвериб, юрагимни адо қилдилар. Мана энди ниятларига етсинлар...

– Кечир мени...

Нихоят, ўғил боққан она «нияти»га етди. Қўш-қўш сарполар кийди. Қатор-қатор саватлар келди. Уйлар тўлди. Келинга энди ёлчидим», дея тўлиб-тошиб гапириб юрди.

Яқинда «Чорсу» бозорида ўша таниш аёлимни учратиб қолдим. Юзларидан ранг қочган, сочларидаги оқ яна кўпайибди.

– Тобингиз йўқми? – дейман аҳвол сўраб.

– Буюмпарастрлигим қурсин, – дейди йиғламоқдан бери бўлиб. – Мол-давлатни ўйлабману, ўғлимнинг бахтини ўйламабман. Бу келиннинг тутуми йўқ экан. Бунинг устига ўғлимнинг ичи чикмади. Сарғайиб-сўлиб бораверади. Бил-сак, жигарида ёмон дард бошланибди. Болам бөяқиш касалхонада. «Ўғлимни кўрай», дейди. Шунга озгина бозор қилгани киргандим. Неварамни, рози бўлишса, дадасига олиб келиб кўрсатмоқчиман.

Қўл-оёғи чакқон келиним, неварам, гулдай ўғлимнинг уволига қолдим.

Ҳою ҳаваснинг қулига айланган инсон ўз атрофидагиларга яхшилик эмас, изтироб келтиришини, ортиқча давлат, манманлик бахтга эмас, кулфат сари етаклашини, англаб етса эди. Бугунги тинч, фаровон замонамизга шукроналар келтириб яшашни ўрганса, бахт-давлатда эмас, меҳнатда эканини тушуниб етса айни муддао бўлар эди.

Юртимизда эртамизнинг муносиб ворисларини, соғлом, баркамол ўғил-қизларимизни камол етказиш борасидаги саъй-ҳаракатларни кўра била туриб ҳам ўз манфаатини кўзлаб, ҳатто, ўз жигарпорасини, зурриёдини кўчада қолдираётган, на моддий, на маънавий кўмак бермаётган, ўз киммиши учун на кўни-қўшни, на маҳалла-кўйда уялмайдиган бундай бобою бувиларни, ота-оналарни кечириб бўладими?

### Кемтик қалблар

Фарзанд – ота-она орзуси. Унинг униб-ўсиши, камол топиши тўғрисида қайғуради. Емай едиради, киймай кийдира-

ди. «Фарзандим ҳеч нимага муҳтожлик сезмай ўссин», – дейди.

Бу ота-онанинг уч нафар фарзандини синглиси ва куёвига қолдириб, четда ишлаётганига ҳам ўн йилдан ошди. Салтанатхон юборган пулларга синглиси эрининг кўмагида уй қуришди, машина олишди, мол-ҳол дегандай... Ҳамма нарса бисёр. Ҳатто Салтанатхоннинг кизи узатиладиган ҳам бўлди. Аллақанча минг доллар ҳам жўнатишди. Эр-хотин қандайдир фирманинг дўконида ишлашар экан...

Яқинда саккизинчи синфда ўқиётган ўғил – Сарварбек онасига қўнғироқ қилиб, тезроқ келишларини сўраганида она хайрон бўлди:

– Нима гап, ўғлим. Тинчликми? Тобинг йўқми, ё пулдан қийналяпсанми? Ёнингда ҳоланг, поччанг, синглинг, уқанг бор ахир, болам.

– Сиз кераксиз, ойи. Соғиндим сизларни...

– Яна озгина сабр қил. Икки йилгина ишлаб олайлик. Кейин доим ёнингда бўламиз.

Қарийб ўн йилдан буён ота-она меҳрини, қайноқ бағрини кўрмаган фарзанд қалбидаги кемтиклик яна икки йилдан кейин тўлиб қолармиди? Ўзига ололмаган меҳрни ўзгаларга бера оладими? Ёхуд бу дабдабали уйлар, машиналар, жиҳозлар ота-она меҳри ўрнини боса оладими?

– Жуда яхши ўқир эди, – дейди Сарварбекнинг устози. – Кейинги пайтда баҳолари пасайиб кетди. Тез-тез дарс қолдиради. Холаси ҳам мактабга қидириб келгани-келган. Уйга ҳам бормаи, ўртоқлариникида ётиб юрибди. Насихат қилдим, тушунтирдим. Болага ота-она керак. У ҳозир фақат шуни хоҳляпти.

Маймунларда ўтказилган тажриба тўғрисида эшитиб қолдим. Она бағридан олиниб, алоҳида сут бериб боқилган маймунлар ўзлари бола кўргач, болаларига меҳр кўрсатмаган. Чунки уларнинг ўзлари она бағри нималигини билишмаган-да!

Изоҳга ҳожат бўлмаса керак.

Баъзан, «Болам меҳрсиз чикди», «Болам ёмон йўлга адашиб кириб қолди», «Болам жиноятга қўл урди», «Болам ичувчи, чекувчи ёки ишёқмас, дангаса» каби ҳасрат-надоматларга тўла гапларни эшитиб қоламиз. Ана шунда фарзанднинг қобил ёки ноқобил бўлганининг сабаби айнан ана шу оила муҳотида, ундаги ота-онанинг тарбия борасида йўл қўйган қайсидир хатоси туфайли эканини ўйлаб қоламиз. Ахир, «Қуш уясида кўрганини қилади», деган нақл бежизга айтилмаган-да!

### «Ўзимизники дегандим, ўзагимни ўртади»

«Дамас»нинг орқа ўриндиғида кетаётган ўрта ёш аёл шеригига тўлиб-тўлиб гапиради, юм-юм йиғлайди. Қани эди юрагида олов бўлиб куйдираётган афсус-надоматнинг чек-чегараси бўлса.

Йўк! Энди бу оловни ўчириб бўлмайди. Куйдириб, адо қилади. Ахир, фарзанднинг камолини, бахтини эмас, бахтсизлигини кўришдан ортиқ фожиа борми ота-она учун!

Айтишларича, гулдай, навнихол қизини ҳали коллежни тамомламай туриб, турмушга узатган.

– Дадаси рози бўлмаганларида, мен ҳали турмушга бермасдим. Ўқимоқчи эди. Ниятлари кўп эди, – йиғлайди аёл. «Ўз синглингга беряпсан, жиянинг ҳам мўмин-қобил. Ўқийман, деса, ўқитишади, ишлайман, деса, ишлайди. Ахир, бегона жойгамас, холасига келин бўляпти-ку! Божам ҳам яхши инсон», деб туриб олмаганларида эди. Ён қўшним чиқиб, огоҳлантирганди-я. Қариндошга берманг, кейин афсусланиб қолишингиз мумкин, деди. Кўзим очилмади. Домла, оялари келди. Дадаси, тилхатни ёзиб бердилару, яна билганларидан қолмадилар. Эҳ, бечора болам-а... Айб менда. Қатъий туриб олмайманми? Қайсидир маҳмадоналарнинг «Ҳозир кизлар «ўтириб» қоляпти, фалон бўлиб кетяпти», деса, иссиғида бериб, қутулишни ўйлабману кейинги ҳаётини эътибордан қочирибман.

Синглим ҳам, шунча мол-давлатим, бировга қолмасин, дея фикримдан чалғитди-да. Майли, ўзимники-ку, егани олдида, емагани кетида, кенг уйнинг эрка келини бўлиб юрар, дебман...

– Нима гап бўлди ўзи? – сўрайди ҳамроҳи.

– Бир йилдан бери касалхонами-касалхона юраман. Қизим соғайиб кетолмаяпти. Камқон, нимжон. Боласи операция билан дунёга келди. Ривожланмаган, бунинг устига ногирон экан. Бир ҳафтача яшаб, ўтиб қолди. Бунинг устига кизим ҳам энди бошқа фарзанд кўролмайди. Боламни бахтсиз қилдим. Мана шунга чидолмай кетяпман.

Синглим эса қизимнинг бошқа она бўлолмаслигини билгач, жиянимни уйлантиришди.

– Рози бўлдингизми?

– Ахир, қизимнинг уй-рўзғор тебратадиган ҳоли ҳам йўқ-ку?! Нима ҳам дердим. Дадаси эса борди-келдини ҳам йиғиштириб қўйди. Ҳозир фикру зикримиз ёлғиз кизимизда: соғайиб, оёққа турса бас.

Халқимизда: «Етти ўлчаб, бир кес», «Ўйламай қилинган иш – келтирар ташвиш» каби иборалар бежизга айтилмаган. Бунинг устига ўғил-қизларимиз камоли, уларнинг бахтли-саодатли ҳаёт кечириши, касб-ҳунар, илм эгаллаши, ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиши, айниқса, кизларимизни касб-ҳунар эгалламай туриб, эрта турмушга узатмаслик, оила қуришга киришиш арафасидаги ёшларимизни тўла тиббий кўриқдан ўтказиш, оилада соғлом муҳит яратиш, она ва бола саломатлигини таъминлаш, бахтли, соғлом оила – соғлом ва барқарор жамият таянчи эканини ёдда тутиш ва ана шу мақсад йўлида ҳаракат қилиш муҳимлигини ҳаётимизнинг асосий мезонига айлантурсак эди, ҳаммаси бошқача бўлар, юқоридаги каби фарзанд доғида аччиқ кўз ёшлари тўкишга ўрин қолмасди.

Чақалок «инга»сига тўлган хонадонни ҳеч кузатган-мисиз? «Болали уй бозор» дейишади. Бундай жойда саран-

жом-саришталик, файзу барака, тинчлик, шоду хуррамлик хукмрон бўлади.

Ота-она, бобою буви калбларидаги эзгу армонлари, орзу-хавасларини бугун дунёга келган ана шу миттигина чакалоқда ушалишини ният қилишади. «Умидим, орзуим, тожу давлатим, тоғдай таянчим, кўзимнинг нури, белимнинг қувати», дея суйиб эркалашларининг боиси ҳам шунда.

Зеро, фарзанд насл давомчиси, келажагимиз эгаси. Шундай экан, уларга эътибор, ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш, илм ўргатиш, хунар эгаллаши, ҳам жисмонан, ҳам маънан камол топишга интилиши ҳар бир ота-онанинг бурчи эканини унутмаслик лозим.

Юқоридаги воқеаларда тилга олинган оғриқли ҳолатлар эса ҳар биримизни ўйлантириши, сабоқ вазифасини ўташи керак. Ўз вақтида меҳр бериб, тўғри парвариш қилинган ниҳол кўкка бўй чўзиб, гуллаб, мева беради. Фарзанд ҳам ана шу ниҳолдай гап. Уғил-қизига тўғри тарбия, тўғри парвариш, меҳр берган ота-она саодатга эришади. Ўз пушти камаридан бўлган зурриёдига бегоналарча муносабатда бўлиб, кўчада қолдирган ота, шубҳасиз, кулфатга гирифтор. Чунки ҳаётнинг ўзи яхшиликка мукофот, ёмонликка жазосини беради.

Ота-она, ўғил, киз – оила, уларга боболару бувижонлар қўшилса – катта оила. Ана шу оилалардаги бахт, тинч-тотув ҳаёт, ягона мақсад сари ҳаракат қилиш, меҳр-оқибат, бир-бировини қўллаб-қувватлаш – мустаҳкам, соғлом оилани ташкил этади. Ана шундай оилаларимиз жамиятимиз барқарорлигини, мустаҳкамлигини таъминлайди, ривожланишига, тараққий этишига асос бўлиб хизмат қилади.

Фарзанд – бебаҳо неъмат. Уларсиз бу дунё ҳиссиз, ғариб бўлиб қолмасмиди. Чунки уларнинг борлиги, беғуборлиги, уларнинг кулгуси, шодлиги билан олам гўзал, мазмунли.

Халқимизда: «Она ва бола – гул билан лола» деган ажойиб гап бор. Оила чироғи бўлган оналаримизни, эртамик вориси бўлган фарзандларимизни ҳар қанча асрасак, меҳр-эътибор кўрсатсак, бахтли оилаларимиз сафи кенгаяверади.

Зеро, инсон бу ёруғ оламга бахтли-саодатли яшаш учун келади. Мустақиллигимиз эса бахтли, эркин, озод яшаш ҳуқуқимизни бахтимиз битикномаси – Бош Қомусимиз билан мустаҳкамлаб қўйган.

«... Болага эътибор бўлажак онага эътибор қаратишдан бошланиши керак, – дея таъкидлаган эдилар Биринчи Президентимиз Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида. – Чунки хомиладор аёлнинг рухий-физиологик ҳолати, барча ҳис туйғулари, кайфияти она вужуди орқали болага ўтади. Бундан хулоса шуки, болани эъзозлаш учун, аввало, онани эъзозлаш керак. Бу борада барчамиз масъул эканимизни унутмаслигимиз зарур».

Куни кечагина ял-ял ёниб янги оилага келин бўлган қизнинг кўп ўтмай суд оstonасида кўриб, афсус қиласиз. «Қайнонамнинг зуғумларига чидолмадим», «Эрим урадиган чиқди», «мени ёқтиришмади», «Ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқ бўлдим» ва ҳоказо гаплар...

Қайнона қайнона эмас, она бўлса, эр – чинакам жуфт, таянч, ҳимоячи, оила – бахт кўрғонига айланса, фарзандлар бағри бутунликда вояга етса – бундан яхшиси борми?

Ахир, юртимизнинг тинчлиги, осмонимизнинг мусаффолиги, ободлик, тўкинлик, мақсадларимизнинг буюклиги, ҳар қандай ниятларимизнинг ижобат бўлиши, кексаю ёшнинг ардоқда экани, бизга, бутун дунё ҳавас қилиб, ҳайратда турганда оилавий муаммолар гирдобида ўзимизни ўзимиз бахтсиз қилишимиз, яқинларимизга, жигарларимизга азият етказишимиз инсофданми?

Болалик баҳорга ўхшайди. Унга бевақт завоЛ етмаслиги эса ҳар биримиздан кенг қалбли бўлишни, теран фикр, инсонийликни, виждонлилик ва масъулиятни талаб этади.

Эзгу ниятларимизни амалга ошириш сизу бизнинг ғайрат-шижоатимизга боғлиқ. Эртаимизнинг нурафшон, фарзандларимизнинг бахтли бўлишини истасак, албатта, бунинг уддасидан чиқамиз. Шундай эмасми?

## МУНДАРИЖА

<i>Зулматни ёритган нур</i> .....	3
<i>Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал</i> .....	8
<i>Ватан қадрин англаган саодатга эришгай</i> .....	13
<i>Дунёвий неъматларнинг улуғи</i> .....	23
<i>Ватанга даҳлдорлик мезони</i> .....	31
<i>Ватан меҳрини қалбларг жо қилган асар</i> .....	38
<i>Биринчи Президентга сўнги мактуб</i> .....	48
<i>Кунгил дарахти</i> .....	53
<i>Куксингизда ой балқсин</i> .....	59
<i>Эзгуликнинг ранги</i> .....	65
<i>Яхшидан боз, ёмондан доғ ...</i> .....	72
<i>Бола – боз, ота-она – бозбон</i> .....	78
<i>Гудак кўзларидаги ёш</i> .....	86
<i>Болагинам, дилбандим, тиниқ осмонингга зубор қўнмасин ...</i> .....	93



Адабий-бадний нашр

Лобар Рустамова

# Саодат Манзили

*(Мақолалар)*

Муҳаррир: Иброҳим Маҳкамов

Техник муҳаррир: Ҳошимжон Дадабоев

Мусахҳих: Илҳомжон Ҳалилов

“Наврӯз” нашриёти,  
Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 19-уй.

Теришга 2017 йил 30 июнда берилди. Босишга 2017 йил 7 июлда рухсат этилди. Бичими: 60x84 <sup>1/16</sup>. «Times New Roman» гарнитурасида офсет босма усулида газета қоғозига босилди. Ҳажми 6,5 босма табоқ. Адади 500 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

“УАС” МЧЖда чоп этилди.  
Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 72-уй.

ISBN 978-9943-3818-7-2



9 789943 381872